

М.Э.Умархўжаев

**Олмон тили
лексикологияси
ва
фразеологияси**



М.Э.УМАРХЎЖАЕВ

**ОЛМОН ТИЛИ
ЛЕКСИКОЛОГИЯСИ ВА
ФРАЗЕОЛОГИЯСИ**



Ўқув кўлланма

АНДИЖОН - 2010

Ўқув қўлланма Андижон Давлат тиллар педагогика институти

Илмий Кенгашининг 2010 йил 5 февралдаги мажлисида

муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган

Масъул муҳаррирлар: филология фанлари доктори,
проф Абдулхай Собиров
проф.Хуррам Раҳимов

Аннотация

Қўлланма ҳозирги замон олмон тилининг лексикология ва лексикография, фразеология ва фразеография масалаларининг асосий мавзуларига бағишланган бўлиб, Давлат таълим стандартлари, мавжуд ўқув дастурлари ва режалари асосида яратилган ва олмон тили ўрганаётган талабалар учун мўлжалланган.

Қўлланмада фразеология ва фразеография соҳалари илк бор янгича концепция асосида ёритилган.

Ушбу қўлланмадан аспирантлар, магистрантлар ҳамда илмий иш билан шуғулланаётган тадқиқотчилар фойдаланиши мумкин.

M.E.UMARCHODSHAJEW

**DEUTSCHE
LEXIKOLOGIE UND
PHRASEOLOGIE**

ANDISHAN - 2010

СУЗБОШИ

Тақдим этилаётган ўқув қўлланмани яратиш нияти муаллифда Андижон Давлат тиллар педагогика институти роман—герман тиллари ва адабиёти факультетида кўп йиллардан бери олмон тили лексикологиясидан маърузалар ўқиш жараёнида пайдо бўлган эди. Дарвоқе, биринчидан, олмон тили лексикологиясидан шу кунгача қўлланиб келинаётган дарслик ва қўлланмалар аксарият Россия олий ўқув юртлири тилшунослари томонидан яратилган бўлиб, ўзбек аудиторияси хусусиятлари, албатта, инобатта олинмаганлигини бартараф қилиш мақсади бўлса, иккинчидан, талабаларни тилшуносликнинг сўнгги йиллардаги лексикология ва фразеология йўналишлари ютуқлари билан таништириш бўлди.

Қўлланма олмон тили лексикологиясининг назарий курси бўлиб, баён қилинаётган мавзулар тўлиғича илмий—методик характерга эга; у илк бора ўзбек ва олмон тилларида талабалар салоҳияти инобатта олинган ҳолда ёзилди.

Қўлланмада олмон тили лексикологияси, лексикографияси, фразеология ва фразеографияси масалалари ўзбек тилининг ушбу соҳаларидан келтирилган мисолларни солиштириш орқали ёритилди.

Қўлланма сўнггида илмий адабиётлар, луғатлар, фойдаланилган манбаълар рўйхати келтирилади. қўлланма университетлар ва институтлар чет тиллари факультетлари талабалари, магистрант ва аспирантлар, илмий ходимларнинг фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Қўлланмани яратишда ўз меҳнатини аямаган катта ўқитувчи Муҳаммаджон Абдураҳимов, муҳаррирлар — филология фанлари доктори, Бобур номидаги Андижон Давлат университети профессори Абдулхай Собиров, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети олмон тили ва ўқитиш методикаси кафедраси мудирини, профессор Хуррам Раҳимовларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Китоб ҳақидаги барча фикр—мулоҳазаларни ушбу манзилга юборишингиз сўралади: **Ўзбекистон, Андижон, Бобур шоҳкўчаси, 5, Андижон Давлат тиллар педагогика институти, умумий тилшунослик ва ахборот технологиялари кафедраси.**

Лексикология фани объекти ва тадқиқот мақсадлари

Курраи заминда амал қилаётган барча тилларнинг асосини асрлар оша мисқоллаб тувланиб, кундалик ҳаётда, илмий ва адабий мушоҳадаларда қўлланилиб келинаётган сўз ва турғун бирикмалар ташкил этади. Дунёдаги тирик мавжудотлардан фақат инсонгагина сўзлаш, яъни ҳаёти давомида сўзлар яратиш ва улардан унумли фойдаланиш имконияти берилган.

Муқаддас Қуръони Каримда "лавҳул маҳфуз" ҳақида ноёб фикр — мулоҳазаларнинг борлиги, "Инжил"да "Слово — это Бог, Бог — это слово" деб таъкидланиши сўз ва унинг хусусиятлари ҳақидаги мунозаралар ҳеч қачон тугамаслиги, сўз ҳамма вақт тилшуносликнинг кўҳна ва айни пайтда энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолаверишини англатади.

Сўз ва иборалар ҳар бир халқнинг бетақрор, бебаҳо миллий бойлиги ҳисобланади. Улар орқали ҳар бир тилнинг нафақат ўзига хос фонетик, грамматик, лексик — семантик, фразеологик хусусиятлари, балки ўша тилда гапирувчи халқнинг моддий — маънавий, руҳий — ижтимоий дунёсини, тили ва унинг тараққиётини англаш, ўрганиш мумкин.

Аслида бир қарашда ўта оддий, хатто ёш болалар ҳам адаштирамай бир — биридан ажратиб олиб қўллай оладиган ва шу билан бир вақтда ўта мураккаб ва ноёб тил бойлиги билан л е к с и к о л о г и я фани шуғулланади.

Л е к с и к о л о г и я (die Lexikologie) — грекча *lexikos* — сўзга тааллуқли, сўзга доир ҳамда *logos* — таълим маъноларини англатади, яъни лексикология тилшуносликнинг сўз ҳамда унинг луғат бойлиги ҳақидаги бўлиמידир.

Ҳар бир тилнинг луғат бойлиги асосан сўзлар ва турғун бирикмалардан ташкил топади. Лексикология жамият тараққиёти билан луғат бойлиги ўртасидаги диалектик боғлиқлик, тил лексик системасининг қурилиши ва ушбу система элементларининг бир — бири билан кўп қиррали муносабатлари ҳамда уларнинг маъно турларини ўрганади.

Тилнинг лексик системаси очиқ ҳамда динамик системадир. Шунинг учун ҳам лексикология фани луғат бойлигидаги ранг — баранг ўзгаришлар, ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш қонуниятлари ҳамда сўзларнинг маълум қатламлар системасини таҳлил қилади. Ҳар қандай тилда давр тақозоси билан янги сўзлар туғилиб, баъзи сўзлар эса эскиради, баъзиларининг шакли ёхуд маъноси ўзгариб, баъзилари истеъмолдан чиқади.

Тилнинг лексик системаси ўзида тилнинг бошқа сатҳларига қараганда жамиятдаги ўзгариш ва тараққиётни сезгирлик билан ҳамда жуда тез акс эттиради. Бу ўзгаришларнинг асосан фан ва

техника тараққиёти билан боғлиқлигини кейинги даврларда тиллардаги атамалар сонининг тез суратлар билан бойиб боришида кўришимиз мумкин. Умуман олганда экстралингвистик, яъни тилдан ташқари факторларнинг лексик системага таъсири ўта сезиларли эканлиги маълум.

Лексикология фанининг объекти сўз ва унинг яратилиши, ривож ва ҳамда маъно дунёси тадқиқотидир. Фаннинг мақсад ва вазифалари эса қуйидагилардан иборат:

- Белги типларининг таҳлили (Typen von Zeichen – Index, Icon, Symbol); Тил белгиларининг шакл ва мазмун бирлиги сифатида характеристикаси;
- Мотивация масалалари (Fragen der Motivation – phonetisch – phonematische, morphematische, semantische Motivationen);
- Сўз маъноси масалалари – денотатив ва коннотатив маъно,
- Сўзларнинг кўп маънолилиги; Полисемик ва омонимик сўзларнинг умумий хусусиятлари;
- Метонимик ва метафорик маъно кўчишлари;
- Сўзлар орасидаги парадигматик, лексик – семантик муносабатлар;
- Макроструктуралар; Лексик – семантик майдонлар (lexikalisch – semantische Felder);
- Сининимия, антонимия ва сўз оиласи масалалари;
- Луғат бойлигидаги ўзгаришлар: сўзлар вақт, тарих кўзгуси сифатида; Архаизм, историзм неологизмлар;
- Лексикага ўзга тиллар таъсири: ўзлаштирма сўзлар (Fremdwörter und Lehnwörter);
- Турли социал ва территориал қатламлар лексикаси (диалектизмлар, касб – ҳунар лексикаси, жаргон ва арго).

Лексикология бундан ташқари сўз билан боғлиқ бўлган яна бир қатор муаммолар мажмуи билан ҳам шуғулланади.

Лексикология тилшуносликнинг фонетика, грамматика, тил тарихи, стилистика, диалектология каби қатор соҳалари билан яқиндан боғланган ҳамда бу соҳаларнинг тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланади.

Лексикология ва лексикография, лексикология ҳамда фразеология ва фразеография соҳаларини бир – биридан ажратиб бўлмайди. Фаннинг бу соҳаларини ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан келиб чиқиб биргаликда тадқиқ қилиш тақозо этилади. Шу боисдан қуйида лексикография, фразеология ва фразеография бўлимларига алоҳида боблар ажратилди ҳамда бу соҳаларнинг объекти, мақсад ва вазифалари махсус ёритилди.

Лексикология фани, шу жумладан олмон тили лексикологияси, нисбатан «ёш» соҳалардан ҳисобланади. Аммо ўтган асрнинг ўрталарида махсус фан соҳаси сифатида шаклланишига қарамай,

сўз билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар анча олдинроқ бошланган. Олмон тили лексикасининг илк бор назарий тадқиқотлари Херманн Паулнинг илмий ишлари билан боғлиқ.¹

XIX аср охирлари ва XX аср бошларида олмон тили луғат бойлигини ўрганишга қатор илмий ишлар бағишланди. Улардан бири Г.Хиртнинг "Etymologie der neuhochdeutschen Sprache"² асари бўлиб, унда олмон тили луғат бойлигининг кенг этимологик анализи ва тарихий бойиш йўллари тадқиқ қилинган.

Собиқ шўро даврида, асосан иккинчи жаҳон урушидан сўнг чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш кенг тус олди. Бу мақсадда бир қанча ҳорижий тиллар институтлари ҳамда факультетлари ташкил этилди, ўқув режаларига янги фан соҳалари киритилди. Улар қаторида лексикология ҳам махсус фан сифатида ўқитила бошланди, бу соҳа бўйича дастлабки дарслик ва қўлланмалар яратилди.

Олмон тили лексикологияси бўйича Л.Залежская, Л.Р.Зиндер ва Т.В.Строева, К.А.Левковская, А.Искос ва А.Ленкова, М.Д.Степанова ва И.И.Чернышѐва, М.Д.Городникова, И.Г.Ольшанский, Л.В.Шевелёваларнинг махсус дарсликлари лексикология фанининг шаклланиши ва фанда ўз ўрнини топишида катта аҳамият касб этдилар.³

Ўзбекистонда ҳам Фарб тилларини ўқитиш XX асрнинг иккинчи ярмида йўлга қўйила бошлади. Маъруза ва амалиёт дарслари асосан Москвада чоп этилган дарслик ва қўлланмалар асосида олиб борилди. Жумладан лексикология фани ҳам юқорида зикр қилинган дарслик ва қўлланмалар асосида ўқитиб келинмоқда.

Мустақиллик шарофати билан сўнги йилларда Фарб тиллари фонетикаси, грамматикаси, лексикаси бўйича ўзбек аудиториясига мўлжалланган махсус дарслик, қўлланма ва монографиялар чоп этиб келинмоқда. Чунки чет тилини ўрганишнинг она тили фактларига асосланган бундай йўналиши чет тили ўқитиш методикасида катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб ушбу қўлланмани яратишга қўл урилди. Қўлланмага муаллифнинг салкам 40 йилдан буён олмон тилида ўқиб келаётган «Олмон тили лексикологияси» курси маърузалари асос қилиб олинди. Қўлланма Тошкент Давлат

¹ Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. Halle, 1880. Г.Пауль, "Принципы истории языка", Москва, 1960, стр. 93-127 (пер. А.А.Холодовича)

² H.Hirt. Etymologie der neuhochdeutschen Sprache. Darstellung des deutschen Wortschatzes in seiner geschichtlichen Entwicklung. München, 1909.

³ L.Saleshskaia. Deutsche Wortkunde für pädagogische Hochschulen. Moskau, 1935; Зиндер Л.Р., Строева Т.В. Современный немецкий язык. М., 1957; К.А.Lewkowskaja. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М., 1968; А.Искос, А.Ленкова. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960; Степанова М.Д., Чернышѐва И.И. Лексикология современного немецкого языка. М., 1962; Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М., 1975; L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. М., 2005; I.G.Olschanski. Moderne deutsche Lexikographie, М., 1979; Городникова М.Д. Курс лекций по лексикологии немецкого языка. М., 1973.

чет тиллар педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети), Москва чет тиллар институти (ҳозирги Москва лингвистик университети), собиқ ГДР фанлар академияси луғатшунослик бўлими, Германия Федератив Республикаси Лайпциг университети транслатология институтларида олинган тажриба ва билимлар, устоз олимлар — проф. Отто Каде, машҳур луғатшунослар Рут ва Ҳелене — Малиге Клапшенбах, москвалик тилшунослар М.Я.Цвиллинг, Н.М.Минина, И.И.Чернышёва, А.В.Кунин, Ю.Н.Карауловларнинг кўп йиллик илмий ўғитлари асосида яратилди.

СЎЗ МАСАЛАСИ (DAS WORTPROBLEM)

1. Сўз — луғат бойлигининг асосий бирлиги сифатида
2. Сўз таърифи хусусида

Таниқли олмон луғатшуноси Гюнтер Кемпке томонидан тузилган "Wörterbuch Deutsch als Fremdsprache"⁴ — «Олмон тилини чет тили сифатида ўрганувчилар учун луғат» да сўзга қуйидагича таъриф ва изоҳ берилади: "Das Wort — mündlich od. schriftlich gebrauchte kleinste im Text isolierbare selbständige sprachliche Einheit, die beim Schreiben von anderen durch einen Zwischenraum getrennt wird und eine bestimmte eigene Bedeutung od. Funktion hat".

Ушбу таърифда сўзнинг оғзаки ва ёзма нутқда қандай қўлланиши, кўриниши, ёзилиши ва махсус маъно ва функцияларга эга эканлиги содда ва лўнда тарзда кўрсатиб берилган.

Демак сўз — интуитив берилган, тайёр ҳолда кундалик мулоқотда қўлланиладиган лингвистик birlik тушунчасидир.

Сўз таърифи бир—бирига боғлиқ бўлган уч категория — тафаккур, тил ва табиий борлиқ асосида амалга оширилиши мумкин. Тафаккур орқали биз табиий борлиқни идрок этамиз ва ушбу идрок тил орқали актуаллашади, амалга ошади. Демак, сўз (Umhüllung des Wortes — сўз қобиғи) тушунчанинг тил орқали ифода этилиши демакдир, тушунча сўзда маъно кўринишида зоҳир бўлади, маъно эса сўзнинг мазмун асосидир (Inhalt)

Сўнги икки аср давомида сўзга турли олимлар томонидан турлича таъриф бериб келинмоқда. Барча таърифларни умумлаштирсак сўзнинг акустик ва семантик мутаносиблик, бир бутунлик (akustische und semantische Identität), морфологик барқарорлик (morphologische Stabilität), синтактик мобилик (syntaktische Mobilität) хусусиятларига эга эканлиги намоён бўлади.

⁴ Wörterbuch Deutsch als Fremdsprache von Günter Kempke unter Mitarbeit von Barbara Seelig u.a. Berlin, 2000. XXXIII, 1329, Güten, 500 Abb.

Шу тариқа биз сўзни тил системасининг махсус элементи, тилнинг асосий бирлиги сифатида аниқлаймиз, бу шакл ва маънонинг репродуктив ва такрорланувчи бирлигидир.

Тил системалардан ташкил топган системадир (Ф. де Соссюр). Сўз тил системасининг энг кичик, шу билан бирга нисбатан мустақил бирлигидир. Алоҳида таъқдлаб ўтиш лозимки, сўзнинг шакл — шамойили билан унинг маъно — мазмуни ўртасида асимметрик алоқа мавжуд, яъни бир шаклда бирнеча маъно мужассам бўлиши мумкин. Сўзнинг бундай хусусиятлари тилнинг бошқа катта бирликларини жалб этиш йўли билан аниқланади. Умуман олганда ҳар бир сўзнинг тил системасида ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Сўзлар ҳеч қачон бир — бирларини тўла такрорламайдилар. Ҳар бир сўзнинг пайдо бўлиши шу тилда гапирувчиларнинг табиий — ижтимоий эҳтиёжи орқали изоҳланади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай тилда янги пайдо бўлган сўзлар, айниқса, бадиий адабиётда учраб турадиган янги «ясама» сўзлар сўз сифатида қабул қилиниши мумкин эмас, чунки улар ушбу матнда фақат бир марта мавжуд холос. (*Okkasionalismen, Einmalbildungen*).

Бундай бирликларда сўзнинг юқоридаги хусусиятлари мавжуд бўлса ҳамки, улар ҳали луғат бойлигидан ўз ўринларини эгаллаганлари йўқ. Вақт имтиҳонидан, норма эҳтиёжидан ўтгандагина бирликлар луғатлардан ўз ўринларини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ҳар бир тилдаги сўзлар ўзига хос фонетик, морфологик ҳамда семантик хусусиятларга эга бўлгани каби, олмон тили лексик системасининг ҳам ўзига хос томонлари мавжуд.

I. Фонетик нуқтаи назардан олмон тилида сўзлар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Олмон тилида сўзлар марказлашган, морфологик боғланган урғуга эга:

- a) бош урғу — *die Hauptbetonung*
- б) иккинчи даражали урғу — *die Nebenbetonung*
- в) кучли урғу — *die starke Betonung*
- г) кучсиз урғу — *die schwache Betonung*

Масалан: 'Arbeit, 'arbeits'los, 'stockw'finster, 'Eishockeynational — 'mannschaft

Ушбу урғулар сўзнинг фонетик яхлитлигини ифодалайди.

2. Ундошлар сўзнинг охирида жарангсиз (*stimmlos*) талаффуз этилади. М.: Tag [ta:k], und [unt], Kind [kint]

3. Унлиларнинг сўз бошида кучли талаффуз қилиниши қондаси (der feste Einsatz, "der Knacklaut") Масалан, "Antwort, "Uhr, "Ofen. "Er steht "an der "Ecke.

4. Олмон тилида баъзи сўзлар борки, уларда урғу негизга боғланган эмас, балки сўзларга ажралувчи ва ажралмайдиган префикслар, баъзи суффикслар қўшилиши билан урғунинг ўрни ўзгаради. Масалан, an-, ab-, aus-, auf-, mit-, zu- каби қатор қўшимчалар доимо урғулидир. Be-, ge-, er-, ver-, zer-, emp-, ent-, miss- ажралмайдиган префикслар билан келган сўзларда эса урғу сўз ўзаги билан боғланган. Чет тиллардан кириб келган сўзлардаги -iegen, -sieren, -ur, -nom, -soph, -log, -ent, -ant суффикслари доим урғулидир.

II. Сўзнинг морфологик таркиби (Morphologische Struktur des Wortes)

Олмон тили лексик ҳамда грамматик морфемалар системасидан ташкил топади. Улар бир-бири билан узвий алоқадордир. Ўзак морфема ҳамда сўз ясовчи морфемалар (das Wurzelmorphem und das Derivationsmorphem) сўзнинг негизини ташкил қилади. Мас.: Tisch -ler, freund -lich.

Агар бирқанча негизлар қўшилса, қўшма сўзлар ҳосил бўлади. М.: Unfallschadenkörperbehindertenbeschäftigungstherapeut (Arzt) — Therapeut, der dem Behinderten eine leere Arbeitsstelle zu finden versucht). (Қўшма сўзлар ҳақида кейинги бобларимизда батафсилроқ тўхталамиз).

Нутқ жараёнида грамматик ва лексик морфемалар қўшилиб кетади. М.: mach -te, Student -en, studier -st.

III. Сўз маъноси масалалари (Bedeutungsstruktur des Wortes)

Ҳар бир халқнинг яшаб турган жой шароити, тарихий тараққиёти, моддий-маънавий, диний-руҳий дунёси таъсирида ўзига хос маънога эга бўлган сўз ва иборалар шаклланиши мумкин. Шу боисдан баъзи бир сўз ва иборалар маълум халқнинг урф-одатларини ифодаловчи ёдгорлик сифатида хизмат қилади.

Ҳар бир даврнинг ижтимоий воқелиги, яратилган предмет ва ҳодисалари, кашфиётлари, табиатга бўлган муносабатларини ифодаловчи ўз сўзлари мавжуд. Демак, ҳар бир тилда ўзига хос маъно ифодаладиган сўзлар оз эмас.

Масалан, сўнги йилларда олмон тилида пайдо бўлган сўзларни олайлик: Kosmonautik, Genetik, die BRD - DDR, Olympische Winter- und Sommerspiele ва бошқалар.

Ҳар қандай сўзнинг ўзига хос маъно доирасига эга эканлигини кўпроқ шу сўзни бошқа ҳорижий тил сўзлари билан қиёслаганда билиб олиш мумкин. Масалан, "Deutsche Lexikologie" дарслигининг муаллифлари А.Искос ва А.Ленковалар олмон тилидаги **Finger** сўзи билан рус тилидаги **палец** сўзларининг маъно доираси турли эканлигини таъкидлайдилар: Das russische Wort **палец** umfaßt semantisch nicht nur das deutsche **Finger**, sondern auch **Zehe**.

Шу тарзда **Hand** ва **Fuß** – **рука** ва **нога** қиёсланади.

"Ähnliche Eigentümlichkeiten in der Entwicklung der Bedeutung lassen sich auch bei anderen Wörtern verfolgen (ver. dt. **Hand** und **Arm** und russ. **рука**; dt. **Fuß** und **Bein**, russ. **нога**. u.a. (18-бет). Ушбу сўзларни ўзбек тилидаги **қўл** ва **оёқ** сўзлари билан қиёслаш ҳам диққатга сазовордир.

Яна бир мисол келтирайлик. Ўзбек тилидаги **савоб** сўзининг маъно дунёси билан бошқа тиллардаги ушбу сўзга эквивалент ҳисобланган сўзлар маъносини таққосласак, улар орасида қанчалик фарқ борлиги маълум бўлади.

Сўзларнинг маъно турлари ҳақида кейинги бўлимларда тўхталиб ўтамиз, чунки лексикологияда сўз маъноси таҳлил қилинмайдиган соҳанинг ўзи йўқ.

Лексема (Lexem)

Олмон лексикологи Тео Шиппан ўзининг 1992 йилда чоп этилган "Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache" китобида сўз ва лексема терминларининг маъно жиҳатидан мос келиши ҳақида сўз юритади, лекин уларни бир хил ҳодиса деб билмайди. Лексема термини сўзга нисбатан кенгроқ маъно англатади. Унинг қамровига турғун сўз бирикмалари ҳам киритилади.

Бизнинг назаримизда фразеологик ибораларнинг лексема таркибига киритилиши лексема терминининг маъноси туфайли бахсли масаладир. Чунки фразеологик иборалар камида икки сўздан ташкил топган ўзига хос тил бирликлари ҳисобланади. **Лексема** ва **фразема** терминларининг ҳақиқий маънолари қиёсланса, масала янада ойдинлашади.

Лексемалар тил системаси бирлигидир. Улар жамият томонидан тил бирлиги сифатида эътироф этилган ва луғатларда муҳрланган. Олмон тилида анъанага кўра лексемалар структуравий таркибига кўра:

а) ўзак морфемали лексемалар (aus einem Basismorphem) – Tisch, gelb;

б) сўз ясовчи конструкциялар (Wortbildungskonstruktionen) – Lehrg – er, ver – teilen, gründ – lich ва

в) тургун сўз бирикмаларидан ташкил топади (feste Wortverbindungen) – eine Antwort geben, kurz und klar, sich den Kopf zerbrechen, aus einer Mücke einen Elefanten machen.

Зикр этилган лексемалар ўзларининг муस्ताқил маъноларига эгадирлар.

Маъно – тил жамоаси аъзолари томонидан такрор ва такрор эътироф этилган, дунёни идрок этиш ва билиш жараёнида одамларни бир-бирига боғлаб турадиган алоқа воситаси ва алоқа ҳосиласидир.

Лексемаларнинг функцияси сўз маъноларига асосланади, яъни сўз маъноси асосида рўёбга чиқади.

Юқорида келтирилган таърифларни инобатга олган ҳолда олмон тилида лексемалар М.Шварц ва Д.Вундерлихнинг "Handbuch der Lexikologie" (1985)⁵ китобида қуйидаги кўринишда берилган:

Луғат бирликларининг шаклий элементлари (Formelemente des Lexikons)

I. Синтактик қурилишга эга элементлар – фразалар (Formelemente mit syntaktischem Aufbau – Phrase). М.: (sich) zwischen zwei Stühle setzen, Verflucht und zugenäht.

II. Синтактик қурилишга эга бўлмаган элементлар (Formelemente ohne syntaktischen Aufbau).

Синтактик қурилишга эга бўлмаган элементлар ўз навбатида қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

I. Сўзнинг ички қурилиши асосидаги элементлар (Formelemente mit wortinternem Aufbau: Komposition, Ableitung, Flexion) М.: Handschuh, vergeblich, liebtest.

II. Сўзнинг ички қурилишига асосланмаган элементлар (Formelemente ohne internen Aufbau)

Сўзнинг ички қурилишига асосланмаган элементлар ўз навбатида қуйидаги кўринишга эга бўлади:

I. Қушимча элемент маъносига эга бўлмаган бирликлар (Formelemente ohne Bedeutung und Fügungselement). М.: s. in Universitätsbibliothek

II. Маънога эга бўлган морфем элементлар (Formelemente mit Bedeutung – Morphem)

⁵ Яна қаранг: D.Wunderlich. Arbeitsbuch Semantik. Frankfurt/M., 1991; Schwarz M., Chur I. Semantik. Ein Arbeitsbuch. Frankfurt/M., 1991

Маънога эга бўлган морфем элементлар ўз навбатида қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

I. Боғланмаган эркин сўз (Freiwort). М.: Haus, klein, zu

II. Боғланган элементлар (das gebundene Element)

Боғланган элементлар эса ўз навбатида қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

I. Чегараланмаган аффикслар (kontinuierliche Wurzelaffixe).

М.: —isch, un—, —bar u.a.

II. Чегараланган элементлар, масалан унлилар устидаги диакритик белгилар (dikontinuierliche Elemente). М.: ö/o, in Vögel/Vogel

Белги назарияси. Лисоний белги. Семантика Zeichentheorie. Sprachliches Zeichen. Semantik

Ижтимоий ҳаётни белгиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одамлар бир — бирлари билан ўзаро имо — ишора, товушлар, махсус сигналлар, ёзув ва тил белгилари орқали мулоқотда бўлишади. Шундай экан, тарихан ўзига хос белгилар системаси мавжудлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳодисадир. Ушбу белгилар таълимоти билан умумий семиотика фани шугулланади ва белги турлари, хусусиятлари ҳамда уларнинг бир — биридан фарқини ўрганати, функцияларини таҳлил қилади. Мисол учун тўй бўлаётган кўча бошига қизил, мотам маросими ўтказилаётган жой яқинига кўк ёки қора матонинг илиб қўйилиши, оқ кийди, кўк кийди каби маросимлар ўтказилиши, қўл, қош, юз ифодалари билан (қош қоқди, юз бурди, қўл силкиди) мулоқотга киришиш бошқа халқлар қатори ўзбек халқида ҳам мавжуд. Юқорида эслатилганидек, лисоний — вербал белгилар билан бир қаторда яна бошқа белгилар, масалан, худди «Лоцман байроқлари»дай новербал белгилар ҳам мавжуд.

Лексикология фанининг махсус қисмларидан бири — семантика лисоний белгиларнинг маъносини ўрганувчи таълимотдир. Умуман олганда лисоний белгилар белгиларнинг бир қисми бўлганлиги учун семантика семиотиканинг, яъни белгилар ҳақидаги таълимотнинг бир соҳасидир. Семантика тилшунослик — нинг мураккаб, кенг қамровли соҳаларидан бири бўлиб, у фалсафа, мантиқ, математика ва қатор бошқа соҳалар билан узвий алоқа нуқталарига эга. Семантика тушунчаси биринчи бўлиб 1880 йилда Михаил Бреал (1832—1915) томонидан ишлатилган. Ф. де Соссюрнинг фикрича, «семантика» эскирган «семасиология» терминидан ажралиб чиққан.

Семантика бизни ўраб турган реал олам ва тил ўртасидаги «кесишган нуқта» (Schnittstelle), махсус бўлим сифатида кўрилиши мумкин. Бунда бу масаланинг қуйидаги ўзига хос муаммолари мавжуд, яъни инсон ўзи яшаб турган олам предмет ва

ҳодисаларини тил орқали қай тарзда ифода қилади, лисоний белги бошқа бир нарса учун мавжуд, аммо бу «бошқа нарса» табиатига кўра ўзи нима – фикрми, нарсами ва ниҳоят белги ва белгиланган нарса орасидаги муносабат қандай шаклланади, деган саволларга жавоб топиш талаб этилади. Масаланинг моҳияти шунда.

Ф. де Соссюр фикрига кўра «бу бир нарса психик (рухий) тасаввурдир». У лисоний белгини қуйидагича ифодалайди:



мазмун (Inhalt)


хат (Brief)

ифода (Ausdruck)

Биз яна бошқа нарсалар, ҳодисалар, истаклар ва нореал ҳошишлар ҳақида турлича психик тасаввур қилишимиз мумкин. Албатта, Соссюр ушбу оддий моделни ортиқ тарғиб қилмади ва замондошлари томонидан бу модель жуда тор тушунча сифатида танқид остига олинди.

Аслида реал олам яхлит ҳолатда мавжуд, лисоний белгиларнинг асосий муаммосини гавдалантирувчи масала ҳам ана шундан иборат. Белгиларнинг биз яшаётган реал борлиққа муносабати қандай, нимага асосланган, қандай ташкил этилган деган муаммолар ечими америкалик Ч.Огден (1889–1937) ва У.Ричард (1893–1979) томонидан 1923 йилда чоп этилган машҳур «Маънонинг маъноси» ("Die Bedeutung der Bedeutung") асарда очиб берилган. Улар томонидан ҳозирги замонда ҳам тилшунослар эътироф этиб келаётган семиотик учбурчак (Das semiotische Dreieck) лойиҳаси тавсия этилган:

фикр (референт) (Gedanke oder Referenz)



Бу лойиҳадаги эллипс шакл Соссюр моделини символаштиради. Огден ва Ричард томонидан ривожлантирилган референт алоқа масаласининг моҳияти шундаки, лисоний белги тўғридан — тўғри нолисоний объектларга қаратилмайди (символдан референтга йўналтирилган кесик чизиқларга эътибор беринг), балки айланма тасаввур орқали «хат» (Brief) белгиси ўзининг моддий жисми ва тасаввури (маъноси) билан бир қаторда нолисоний объектни ҳам кўрсатмоқда.

Лекин бир қатор лисоний белгилар борки, уларда маъно ва тасаввурлар мавжуд, лекин референт мавжуд эмас. Масалан, қиёсланг: виждон, Ehre, Dionysos ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Соссюр, Огден ва Ричардларнинг белги моделлари ҳақидаги қарашлари ягона қараш эмас. Соссюрдан ҳам аввалроқ ҳозирги кунда фалсафий прагматиканинг асосчиси сифатида тан олинаётган америкалик файласуф Чарльз Пирс (1839—1914) юқорида тилга олинган масалаларда ўз фикрларини айтган ҳамда лисоний прагматиканинг шаклланишига катта ҳисса қўшган.

Пирсинг фикрича белгиларнинг уч тури мавжуд бўлиб, улар реал олам билан ўзаро алоқадорликнинг тури ва ҳолатига кўра фарқланади.

Биринчи тур белгилар иконлардир (Icon). Бундай белгиларда белгиланаётган нарсага бўлган муносабат репрозитив муносабат, яъни ўхшашликка асосланган муносабатдир. Шу нуқтаи назардан қаралганда кўплаб пиктограммалар реал ва аниқлаш мумкин бўлган объектлар билан ўхшашликни ифодалайди.

Масалан, чекиш ман этилади деган белги, мулоқот тилида **miau, wawwaw, kikiriki, bimbam** каби тақлидий ифодалар иконлар сифатида таҳлил этилиши мумкин.

Иккинчи тур белгилар бирон элементи бўлган реакция сифатида кўрилиши мумкин. Бу турдаги белги Пирс томонидан симптом сифатида англатилган, бу турдаги белгилар белгиланувчи предмет билан сабаб — оқибат муносабатида бўладилар. Масалан, тутун олов белгиси ёки олов тутуннинг сабаби ёки асосидир. Оғриқ бақариш учун сабаб, ёмғир ердаги ҳўл доғ сабабчисидир. Ёки олмон тилида "Torkeln — Zeichen für Trunkenheit" — довираш — мастлик белгиси.

Учинчи тур белгилар символлардир (Symbol). Улар шундай белгиларки, ўзлари белгилаган предметта нисбатан муносабат на ўхшашликка, на сабаб — оқибатта асосланади. Улар асосан ихтиёрий белгилардир. Символларнинг яққол мисоли сифатида инсонларнинг товуш ва ёзма тил белгиларини кўрсатиш мумкин. Улар тарихан албатта пиктограмма шаклида бўлиб, иконлар асосида ривожланиб чиққан бўлсада, символ ёки символ тизимларини танлаш белгилардан фойдаланувчилар орасидаги келишув ёки шартлиликка

асосланади. Масалан, Verkehrsampel – светофор, Eule – Weisheit (бойўғли донолик белгиси).

Пирснинг фикрига кўра бу уч компонентнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги керак, акс ҳолда белгилаш тушунчаси тўлиқ бўлмайди.

Пирснинг уч босқичли белгилар моделига Уильям Моррис (1901–1979) ўзининг "Foundation of the Theory of Signs"(1938) асарида қайтадан эътибор қаратган ва унга прагматика тушунчасини киритган. Моррис ўзининг белгилар илмини ўрганувчи фанини **семиотика (Semiotic)** деб номлади ҳамда уч йўналишни ажратди.

1. Белгиларнинг ўзаро алоқалари синтактик (syntaktisch) алоқалар деб аталади ва улар билан синтактика (ҳозирги кунда синтаксис – Syntax) шуғулланади.
2. Белгиларнинг предметларга нисбатан десигнат муносабатини семантика соҳасида ўрганилади.
3. Ва ниҳоят белгиларнинг белгилардан фойдаланувчиларга нисбатан муносабати парадигматик йўналиш деб аталади.

Хуллас, Моррис аввало анъанавий белгилар таълимотидан келиб чиқди ва Пирс ҳамда Булерлар каби тил белгилари уч хил муносабатда амал қилишини таъкидлади.

Шаҳриёр Сафаровнинг ёзишича, «Мантиқшунос У.Моррис Ч.Пирснинг 60 турдан иборат белгилар тизимини ўта ихчамлаштириб, универсал белгилар системаси моделини яратди. Унинг таклифича, белгининг фаоллашув жараёнида ҳосил бўладиган маъноси – М қуйидаги муносабатлар йиғиндисидан иборатдир: Мс – белгининг идрок этилаётган предметга муносабати (семиотика); Мр – белгининг ундан фойдаланувчига муносабати (прагматика); Мf – белгининг умумий тизимдаги муносабати (синтактика). Шундай қилиб, белгининг маъноси $M = M_s + M_r + M_f$ йиғиндисидир. (Morris, 1938, 2–56). Ч.Пирс ҳамда У.Моррислар яратган белгилар назариясининг тўлиқ таҳлили Ш.Сафаровнинг «Прагмалингвистика» монографиясида берилган.⁶

Сўз маъносининг мотивацияси (Die Motiviertheit der Wortbedeutung)

Буюк тилшунос Вильгельм фон Гумбльдт ўз даврида «... сўздаги товушлар билан маъноларнинг пайвандалашуви қай тарзда ва даражада рўёбга чиқиши биз учун ҳалигача

⁶ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008, 39 бет.

жумбоқлигича қолмоқда» деб таъкидлаб ўтган эди. Албатта, сўзнинг ифода плани билан унинг маъноси орасида қандай муносабат борлиги мотивация муаммоси билан боғлиқ.

1. Кўплаб ўзак сўзларда мотивация муносабатлари сезилмайди. Маълум тилда гапирувчилар учун сўзнинг шакл ва маъноси ўртасидаги муносабат табиатан берилган ҳол деб қабул қилинади. М.: Baum, Gras, Art u.a.
2. Аффикслар ҳамда сўзлар қўшилиши асосида ясалган сўзларда мотивация мавжуд. М.: ўзак ва суффикс асосида ясалган Lehrer сўзи Lehr — ўзаги ҳамда —er суффикси ёрдамида ясалган ва маъно мотивациясига эга, яъни маълум касб эгаси ҳақида маълумот берилмоқда.
3. Wandzeitung қўшма сўзи Wand ҳамда Zeitung сўзлари асосида ясалган ва мотивацияга эга.

Мотивацияга эга бўлган ва мотивацияга эга бўлмаган сўзлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Мотивацияга эга бўлмаган сўзлар мотивацияга эга бўлган сўзлар

(Wörter mit nichtmotivierter

Bedeutung)

schreiben

kaufen

gehen

der Tisch

leicht

(Wörter mit moti-

vierter Bedeutung)

das Schreiben

der Käufer, der Einkauf

der Gang

der Tischler

erleichtern

4. Сўз маъносининг семантик мотивацияси тўлиқ берилиши жуда мушкул масала. Чунки денотатнинг асосий ёки иккинчи даражали хусусиятлари ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, итнинг «вовуллаш» хусусияти ҳар хил тилларда ҳар хил товушлар мотивацияси орқали берилиши мумкин:

олмон тилида: wau — wau

рус тилида: тьяв — тьяв, гав — гав

инглиз тилида: bow — bow

итальян тилида: bu — bu

француз тилида: oua — oua (wa — wa)

ўзбек тилида: вов — вов, хов — хов

5. Сўзнинг морфологик мотивацияси унинг морфологик ассоциацияси тахмини, фараз асосида юзага келади.

Масалан: Bruder — brüderlich

Plan — Arbeitsplan, Stundenplan

backen — Bäcker, Bäckerei

6. Семантик мотивация идиоматик сўзларда қоронгулашган бўлади:

Масалан: die Schlafmütze — «уйқучи одам»
der Pantoffelherg — «хотинининг гапидан
чиқмайдиган одам»

Ассоциативлик, яъни белги шакли ҳамда маъносининг ҳар хиллиги ва шу билан бирга узвий боғлиқлиги, мотивация масалалари Тео Шиппан томонидан алоҳида таърифланади. Унинг таъкидлашича белгилар қуйидаги мотивацияга эга:

1. Фонетик – фонематик мотивация (phonetisch – phonematische Motivation). М.: quacken, schnattem, flimmern, schimmern, flattern
2. Морфемик мотивация (morphemische Motivation). М.: Liege, Türschloß, Tageslicht, himmelblau, blutrot, blutjung, Handtuch, Fensterfarbe, Hausbesuch
3. Семантик ёки фигуратив мотивация (semantische oder figurative Motivation). М.: Menü, Adresse, Mauerspecht, Wendehals u.a.

Сўзнинг маъно аспекти (Bedeutungsaspekte des Wortes)

Психологик – идеалистик нуқтаи назардан келиб чиқиб В. фон Хумбольдт ҳар бир сўзнинг «ички формаси» (innere Form des Wortes) борлигини таъкидлайди ҳамда бу форма ҳар бир халқнинг «миллий руҳи» билан боғлиқлигига урғу беради. Л.Шевелёванинг ёзишича "W.Humboldt glaubte, daß Bewußtsein des Subjekts schafft den Gegenstand des Gedankens und sonderte das Grundmerkmal des geschaffenen Gegenstandes aus. Eine der Eigenschaften des Gedankens ist die innere Form des Wortes."⁷

Сўзнинг ички шаклини аниқлашда албатта унинг мотивацияси ҳамда этимологик маъносига эътибор берилиши лозим. Чунки баъзи сўзларда «ички форма» яққол сезилиб турса (lebendige innere Form), баъзиларида сезилмайди, улар «ўлган (қоронғу, аниқланмайдиган) ички форма», "tote innere Form" дейилади.

Маъно мотивацияси яққол сезилиб турган сўзларга мисол қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: vierzehn, Geburtstag, Flieger, landen; Маъно мотивацияси сўнган сўзларга эса қуйидагилар мисол бўла олади: Tisch (lat.) discus, Stufe, Ohr, Wald, Berg, Geburt (ahd.).

Сўзнинг асосан қуйидаги маъно аспекти фарқланади:

⁷ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. М., 2004, S.47

1. Сўзнинг денотатив маъно аспекти, яъни сўзнинг асосий маъно тўплами (der Umfang der Bedeutung in der Grundbedeutung). М.: der Kopf – бош
2. Сўз маъносининг сигнификатив аспекти, яъни сўзнинг мазмуни (der Inhalt des Wortes). М.: der Kopf = "der Weise" – «калла», «доно», «ақлли».
3. Сўзнинг коннотатив аспекти, яъни сўзнинг қўшимча маънолари, маънонинг ўзига хос эмоционал–экспрессив хусусиятлари (die zusätzliche Bedeutung, Bedeutungsschattierungen, emotional–expressive Bedeutung). М.: Gesicht – Antlitz – Visage – Fratze – юз – бет – афт – башара – шихт – дўхт – турқ ва хк.

Сўзнинг юқоридаги маъно аспекти тарихий ҳодиса бўлиб, жамият томонидан тан олинган, тил структурасида мавжуд ҳамда луғатларда муҳрланган.

Сўзларнинг тарихий маъно хусусиятларини ўрганишда «халқ этимологияси» (Volksetymologie) тушунчасига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки баъзи сўзлар тарихий маъносидан узилган бўлиб, уларнинг шаклий ўхшашлиги баъзан хато ҳукм чиқаришга олиб келади. М.: der Friedhof – қадимда ҳимоя қилинган жой маъносига эга бўлган, ҳозирги кунда "Fried" – тинчлик ҳамда "Hof" – die "Stätte" сўзлари билан асосланади, яъни "der Ruheplatz" – тинч жой, қабристон маъносига эга.

Lebkuchen – коврига (думалоқ булка нон) сўзи маъноси ҳақида Л.Шевелёва шундай изоҳ беради: der erste Teil des Wortes "Lebkuchen" ist nicht mit "Leben", sondern mit der alten Bezeichnung für "geformtes Brot – Leib (коврига) verwandt".⁸

ОЛМОН ТИЛИДА СЎЗ ЯСАЛИШИ (WORTBILDUNG IM DEUTSCHEN)

Ҳар қандай тилнинг луғат бойлиги янги сўзлар ясалиши орқали янада бойиб боради.

Тилда мавжуд бўлган сўзлар, аффикслар ёрдамида ўша тилга хос бўлган моделлар асосида янги сўзлар ҳосил қилиниши сўз ясалиши дейилади.

Маълумки, классик тилшунослиқда сўз яшаш турлари, услублари ва моделлари асосан морфологиянинг тадқиқот объектидир. Шу билан бирга сўнги асрда лексикология тилшунослиқнинг махсус фан йўналиши – сўзлар «дунёси» билан шуғулланувчи фан сифатида шаклланиши сабабли сўз маъносининг ўзгариши, янги сўз ҳосил қилиш йўллари тадқиқи лексикология

⁸ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. М., 2004. S.47

фани объекти ҳисобланади. Ҳ.Паульнинг ёзишича, олмон тилида сўз ясаши масалалари билан қатор олимлар шуғулланган.⁹ Бу борада Ҳ.Паульнинг «Тил тарихи принциплари» асаридаги «Сўз ясаши ва ўзгаришининг пайдо бўлиши» номли XIX бобидаги баён қилинган фикрлар сўз ясаши ҳақидаги дарслик ва қўлланмаларга асос бўлиб хизмат қилди. Сўз ясаши масалалари ва қўшма сўзларнинг турли классификациялари, хатто моделлари сўнги ярим асрда чоп этилган ва қўлланиб келинаётган лексикология дарсликларидан ўз ўрнини олган. Бу масала юқорида таъкидланган А.Искос, А.Ленкованинг «Олмон тили лексикологияси» дарслигида 32–87 бетлардаги сўз ясашига бағишланган махсус боб, К.Левковскаянинг «Ҳозирги замон олмон тили лексикологияси» дарслигидаги 110–141 бетларда берилган сўз ясашга бағишланган махсус боб, М.Степанова ва И.Чернышёваларнинг «Ҳозирги замон олмон тили лексикологияси» 76–141, Л.Шевелёванинг «Ҳозирги замон олмон тили лексикологияси» дарслигидаги 51–97 бетларда берилган сўз ясашига бағишланган боблар бағишланади.

Ушбу асарларда олмон тилида сўз ясаш усули ва воситалари тўла таҳлил қилинган. Айниқса М.Д.Степанованинг бу борада олиб борган илмий изланишлари ва чоп этган монографиялари тилшунос олимлар томонидан алоҳида эътироф этилган ва юқори баҳоланган.¹⁰

Сўз ясаши тилнинг макросистемасида ўзига хос микросистемани ташкил этади, шунинг учун ҳам улар ҳам грамматик, ҳам лексик системалар нуқтаи назаридан сўзнинг структурал таркиби, архитектураси кесимида ўрганилиши лозим.

Олмон тилида **Wortbildung** – сўз ясаши термини икки маънода ишлатилади. Биринчи маънода айнан «сўз ясаши» бўлса, иккинчи маънода «сўз ясаши ҳақидаги таълимот, сўз ясаш воситалари, қонун–қоидалари, метод ва моделлари ҳамда янги ҳосил бўлган сўзларнинг маъноларини таҳлил қилиш демакдир. Ҳозирги замон олмон тилида сўз ясаш янги сўзлар ҳосил қилишнинг энг сермахсул усулларидан бири ҳисобланади.

Асосий сўз ясовчи восита сифатида олмон тилида сўзларнинг ўзак ва негизларини қўшиш орқали қўшма сўзлар ҳосил қилиш, аффиксация усули, товушларнинг тарихий алмашинуви орқали (*Lautwechsel*), аблаут, умлаут, брехунг *Ablaut*, *Umlaut*, *Brechung*) орқали сўз ясаш усулларини кўриб чиқиш зарур.

Янги сўзлар сўз ўзаги ва негизи (*Wortwurzel und Wortstamm*) асосида яратилади. Ўзак сўзнинг асосий маънога эга бўлган энг

⁹ L.Tobler. Über die Wortzusammensetzung. Berlin, 1868; H.Jakobi. Kompositum und Nebensatz. Bonn, 1897. H.Paul. Prinzipien der Sprachgeschichte. M., 1960, S. 385-414.

¹⁰ Степанова М. Grundzüge der deutschen Wortbildung. Leipzig, 1985; Словарь словообразовательных элементов немецкого языка. М., 1979; Fleischer Wolfgang. Methoden der synchronen Wortschatzanalyse. Halle(Saale), 1973.

кичик семантик ва морфологик бўлинмас қисмидир. Ўзак тўла маъноли бутун бир сўз сифатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. М.: Haus, rot, schnell, zehn. Олмон тилида асосан уч ёки тўрт товушли структурага эга бўлган ўзак сўзлар кўпроқ учрайди, улар олмон тилидаги барча ўзак структураларнинг 82% ини ташкил этади. М.: Tier, gut, laut, Macht, bunt, Brot, gelb.¹¹

Сўзнинг негизи — сўз ўзаги ва аффикслар билан бирга бир бутун маънога эга бўлган бирликни ташкил этади. Негиз сўз ўзаги каби нутқ жараёнида контекста яхлит бирлик сифатида ишлатилади. М.: Schuh/werke, Geheim/nis, Frei/heit. Бундай ноль шакл (Null-Form des Wortes)га бўлган сўз негизи кейинги сўз ясалиши учун асосий шакл сифатида хизмат қилиши мумкин. М.: Verkehr, Verkehrsflugzeug, Verkehrsflugzeugmannschaft.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, феълнинг инфинитив формасидаги — (e)n суффикси сўз ўзагига тааллуқли эмас.

Сўз ясовчи аффикслар ўзак ва негизга қарама — қарши ўлароқ мустақил маънога эга эмаслар, аффикслар маълум ўзак ёки негизга қўшилгандагина маъно касб этади.

ҚЎШМА СЎЗЛАР (ZUSAMMENSETZUNG)

Қўшма сўз ясалиши олмон тилида ўта сермахсул усул ҳисобланади. Қўшма сўз лексик маънога эга бўлган икки ёки ундан ортиқ сўз ва негизнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. М.: Unteroffizier, Brandenburg, taubstumm, vorgestern, graublau, barfuß, großartig, hochschätzen, kennenlernen, klarmachen.

Қўшма сўз компонентлари бир — бири билан шундай қоришиб кетадики, улар бир бутун мустақил бирлик сифатида қабул қилинади. Қўшма сўзларга бўлган эҳтиёж баъзан предмет номлари аниқ дифференциация қилинмаганлиги сабабли (Undifferenziertheit des Namens) уларга аниқроқ ном бериш мақсади билан асосланади. Шунинг учун бўлса керак, қўшма сўзлар олдида келган ном кейинги номнинг аниқловчиси вазифасини ўтайди. Қўшма сўзлар бир қанча сўзларнинг синтактик боғланиши, синтагмалар асосида ривожланади. Баъзан синтагманинг маъно ва грамматик жиҳатдан яхлит ҳолга келиши натижасида қўшма сўзлар ҳосил бўлади. М.: Goldring — der Ring aus Gold, Fahrplan — der Plan der Fahrt.

Ўзбек тилида бундай сўзларга олтингутурт, ошқозон, эртапишар, хушмуомала, бешотар, учбурчак, кўкбулоқ каби сўзларни мисол қилиш мумкин. Кўриниб турибдики, ўзбек тилида қўшма сўзлар кўпинча икки ўзакнинг бирикувидан ҳосил бўлади.¹²

М.Д.Степанованинг тадқиқот натижалари ҳозирги замон олмон тилидаги ўн уч турдаги асосий сўз яшаш моделлари борлигини

¹¹ Городникова М.Д., Розен Е.В. Лексикология современного немецкого языка. М., 1967

¹² Турсунов У., Мухторов Ш., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1965, 8 бет

кўрсатди. Улар орасида қўшма сўзлар ясалиши моделлари алоҳида ажратиб таҳлил қилинган.¹³

Илмий монография ва лексикология дарсликларида қўшма сўзларнинг турли хусусиятлари асосида турли таснифлар келтирилади: сўз ясалишининг тарихий – генетик, семантик – структурал, морфологик ва бошқа таснифлари ҳақида юқорида номлари келтирилган дарсликларда муфассал маълумотлар берилган.

Бизнинг назаримизда қўшма сўзлар лексикология фани доирасида структурал – семантик нақтаи назардан тасниф қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Олмон тилида қўшма сўзлар синтактик – семантик принципга асосан қуйидагиларга бўлинади:

1. Аниқловчи компонентли қўшма сўзлар (attributive Zusammensetzungen)
2. Бириктирувчи элементли тенг боғланган қўшма сўзлар (kopulative Zusammensetzungen)
3. Zusammenrückungen
4. Zusammenbildungen

Аниқловчи компонентли қўшма сўзлар (Attributive Zusammensetzungen)

Ушбу қўшма сўзда иккинчи ўринда келган бош сўз (das Grundwort) биринчи ўринда келган аниқловчи (das Bestimmungswort) сўз орқали конкретлаштирилади. Бундай сўзлар асосан от ва сифатлардан ташкил топади. М.: **blau** ранг белгиси биринчи компонент маъноси орқали очилади. М.: **hellblau, dunkelblau, himmelblau**; ёки **Schwarzbrot, Tischlampe, Sonnenstrahl**.

Олмон тилида бундай қўшма сўзлар уч, тўрт ўзақлардан ташкил топиши мумкин. Баъзан эса бирнеча ўзақдан ясалган қўшма сўзлар ҳам учрайди. Бундай қўшма сўзлар таркиби ўта «занжирсимон» боғланиб чўзилиб кетганлиги учунми, "Schlangenwörter" деб ҳам юритилади.

М.: **das Turbinenstrahlmittelstreckenverkehrsflugzeug**.

Бу сўз ўзбек ёки рус тилига сўз бирикмаси ёрдамида таржима қилиниши мумкин холос: рус. «турбореактивный пассажирский самолёт среднего радиуса действия», ўзб. «турбореактив двигатели ўрта масофага йўловчи ташувчи самолёт».¹⁴ Ўзбек тилида бундай

¹³ Ушбу моделлар ҳақида тўлиқ маълумотларни қуйидаги манбадан топиш мумкин: Stepanowa M.D., Tschernischewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М., 1975, S.76 – 169

¹⁴ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. М., 2004, S.56

«занжирсимон» мураккаб қўшма сўзлар жуда кам учрайди ёки деярли йўқ.

Юқорида келтирилган қўшма сўзларнинг маънолари ташкил қилувчи компонент маъноларидан келиб чиқмаслиги, янги абстракт, умумлашган маънога эга бўлиши ҳам мумкин. М.: das bildschöne Mädchen, eine bienenfleißige Studentin.

Қўшма сўзларнинг маънолари мазмунан бир бутунликни ташкил этади. М.: der Bahnhof – вокзал, лекин "Hof für die Bahn" эмас. Atomkern – der Kern eines Atoms.

Баъзи сўзлар қўшма сўз таркибида ўзларининг конкрет маъноларини йўқотиши мумкин ва абстрактлашиб, маъно кучайтириш воситасига айланиши мумкин. М.: blutwenig – жуда ҳам оз, steinalt – жуда ҳам кекса, steinreich – жуда бой, Bombenerfolg – жуда катта муваффақият.

Олмон тили оғзаки нутқида қўшма сўзларнинг бундай турлари кўп учрайди. М.: hundsgemein, hundeelend, hundekalt, hundemüde, Pudelnaf.

Олмон тилида аниқловчи компоненти қўшма сўзларнинг алоҳида бир тури мавжудки, у қадимий санскрит тилида «Бахувриҳи» (Bahuvrīhi) деб номланган. Бахувриҳи ҳинд–европа тилларига хос бўлган ҳодиса бўлиб, бунда ҳам биринчи компонент иккинчи компонентни аниқлаб келади. Фарқ шундаки, бахувриҳи жонли нарсаларнинг характерли хусусиятларини ифодалайди ва унинг номи сифатида гавдаланади. Юқорида келтирилган қўшма сўзлардан бахувриҳи соф семантик нуқтаи назардан фарқ қилади. М.: Rotkäppchen – сўзма–сўз ўтирилганда das rote Käppchen – «Қизил шапкача», лекин у қиз боланинг номи.

"Es ist offensichtlich, – деб ёзади А.Искос ва А.Ленковалар, – daß Bahuvrīchi eine Art der Methonymie sind, und zwar der methonymischen Übertragung vom Teil auf das Ganze, von dem charakteristischen Merkmal des Lebewesens auf das Lebewesen selbst. Z.B.: Troitzkopf, Blaustrumpf, Schreihals, Dummkopf, Gelbschnobel. Unter dem Bahuvrīhi "Dummkopf" versteht man einen dummen Menschen, unter "Schreihals" – denjenigen, der schreit".¹⁵

Бириктирувчи элементли тенг боғланган қўшма сўзлар (Kopulative Zusammensetzungen)

Бундай қўшма сўзлар негиз ва ўзак сўзларнинг ўзаро тенг боғланиши орқали юзага келади. Сўзларнинг бирикуви асосида янги маънога эга бўлган янги сўз ҳосил бўлади. Компонентлар тенглиги сабабли улар орасига хатто **und** боғловчисини ҳам қўйиш мумкин. М.: taubstumm, sauersüß, dreizehn; Баъзан эса тенг

¹⁵ A. Iskos, A. Lenkova. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960. S.42

боғланувчи компонентлар бириктирувчи элемент — **Kopula** воситасида боғланади. М.: Student(e)nheim, Land(e)skunde, dreiuunddreizig.

Ўзбек тилдаги тенг боғланган катта — кичик, олма — ўрик, қалам — дафтар каби жуфт сўзларни солиштириб кўринг.

Zusammenrückungen¹⁶

Бу типдаги қўшма сўзлар ўзига хос усул билан ясалади. Улар бирқанча сўзлар, ҳаттоки гапни ҳам бир бутун бирликка айлантириш йўли билан ҳосил қилинади. М.: Tischchendeckdich — очилдастурхон — мустақил **Tischchen** оти ва **sich decken** феълидан тузилган бўлса ҳам, қўшилганда янги маънога эга бўлган янги қўшма сўз ҳосил бўлмоқда.

Бу услубда ясалган сўзлар асосан эркин сўз бирикмаларидан тузилади. М.: derart, tagsüber, beizeit, Lebewohl (Lebe wohl), Rühmichnichtan (Rühr mich nicht an!). Баъзида бу типдаги қўшма сўзлар кўчма маънога эга бўладилар, натижада ўзига хос янги маъно касб этадилар. М.: Springinsfeld — spring ins Feld сўз бирикмасидан олинган бўлиб, «енгилтак одам» маъносида ишлатилади. Ушбу гуруҳга яна қуйидаги сўзларни мисол қилиш мумкин: das Zimmergrün, Stelldichein, Nimmersaft, Einmaleins, Habenichts, Langeweile u.a.

Аниқловчи компонентли қўшма сўзлардан ушбу гуруҳ қўшма сўзларининг фарқи шундаки, бу типда бош сўз ва аниқловчи сўз бўлмайди ва грамматик категория ҳамда сўзнинг роди ушбу сўзларга боғлиқ эмас, балки қўшма сўз ифодалаган тушунчадан келиб чиқади. Ушбу типдаги қўшма сўзларни тўлиқ маъноли ва тўлиқ маъноли бўлмаган қўшма сўзлар гуруҳига бўлишимиз мумкин (vollständige und unvollständige Zusammenrückungen).

Тўлиқ маъноли қўшма сўзлар компонентлари бир — бирига қоришиб яхлит бир бутунликни ташкил этади ҳамда бир бутун маънога эга бўлади. М.: das Vergißmeinnicht — незабудка — тўлиқ лексик тушунчани ифодалайди ва гул номи сифатида от сўз туркумига киради.

Тўлиқ бўлмаган маъноли қўшма сўзларда қўшилиш жараёни тугалланмаган, тўла қоришув мавжуд эмас. Бу сўзнинг ёзилишидан ҳам кўриниб туради. М.: Allein — zurück — bleiben, Einander — Verstehen, In — sich — Geschlossenheit.

¹⁶ Олмон тилида ўзига хос қўшма сўз ясаш йўлларида бири «Zusammenrückung» атамаси билан номланади. Бу усул ўзбек тилида шартли равишда «улама», «тиркама» сўз ясаш усули деб берилиши мумкин.

Ўзига хос икки процесс натижасида юзага келадиган қўшма сўзлар типлари ҳам мавжуд. Улар қўшма сўз ва аблайтунг (Ableitung) — суффиксация натижасида ҳосил қилинади. М.: *Schuhmacher, dreistufig*.

Бундай қўшма сўзларни таниқли олмон ва рус олимлари ўзига хос тузилмалар деб белгилайдилар.

1. Бу типдаги қўшма сўзлар ясалишида от ясовчи суффикслар фаол иштирок этади: —er, —ung. М.: *Nichtstuer* — aus "nichts tun", *Hungerleider* — aus "Hunger leiden", *Langschläfer*, *Kundgebung* — aus "Kunde geben", *Danksagung* aus "Dank sagen".
2. Бундай қўшма сўзлар ясалишида —ig суффикси ҳам сермахсулдир. М.: *blondhaarig*, *schwerhörig*, *zweifenstrig*. Бу сўзларнинг компонентлари сифат ёки отлардан ташкил топади.
3. Эркин ва турғун сўз бирикмалари асосида ҳам ушбу типдаги қўшма сўзлар ҳосил қилинади. М.: *Augenauswischer*, *Leisetreter*, *zweizimmrig* u.a.

Ўзбек тилида ҳам ушбу турдаги қўшма сўзлар анча сермахсул ҳисобланади.

Ҳозирги замон олмон тили луғат бойлигини юқорида кўрсатиб ўтилган қўшма сўзлар яшаш йўллари билан бойитиб бориш катта аҳамиятга эга.

Аффиксация усули билан сўз ясалиши (Ableitung)

Олмон тили луғат таркибининг бойиб боришида қўшма сўзлар қаторида яна бир йўл мавжудки, бу модель барча ҳинд-европа тилларига хос бўлиб, у аффиксация усули билан сўз яшаш (Ableitung) дейилади. Ўзак ва морфемаларга аффикслар қўшиш йўли билан янги сўзлар ҳосил қилинади ҳамда аффикслар қўшилиши билан асос морфемалар маъноси мотивацияси юзага келади. М.: *Studentenschaft*, *Bauerntum* — бу сўзлар умумлаштирувчи маъно касб этмоқда.

Рус тилида ҳам бу йўл билан сўзнинг янги маъно хусусиятлари очилиши мумкин.

М.: *читать* — *читатель*
читательница
читательский
читка
прочитать

¹⁷ "Zusammenbildung" атамаси ҳам шартли равишда «қўшма—ясама» қўшалок сўз яшаш усули деб берилиши мумкин.

отчитать
чение
чтец
чтица ва б.

Француз тили билан солиштиринг: grand, grandeur, revolution, revolutionnaire, revolutionner.

Инглиз тилида: cognition, cognizable, cognizance, select, selection.

Ўзбек тилида ҳам бу усул билан янги сўзлар ясаши сермахсул усуллардан ҳисобланади.

Аффикслар суффикс, префикс ва инфикслардан иборат.

Суффикслар сўз ясовчи қўшимча бўлиб, сўз, негиз ёки ўзак охирига қўшилади. М.: Freund — freundlich, Freundlichkeit.

Префикслар сўз, ўзак ёки морфема бошига қўшилади. Бу усул ҳинд-европа тилларида кенг тарқалган. М.: kennen — erkennen, Anerkennung.

Ўзбек тили учун префиксация усули характерли эмас, фақат форс тилидан кириб қолган префикслар ўзлаштирилган холос. М.: номақбул, нотўғри, бадавлат, ҳамкор, ҳамдард, бевафо.

Туркий тиллар учун баъзан инфикс ёрдамида сўз ясаши учраб туради. М.: келмоқ — келтирмоқ, ичмоқ — ичирмоқ, олмоқ — олдирмоқ.

М.Д.Степанованинг юқорида эслатиб ўтилган изланишлари олмон тилида аффикслар ёрдамида янги сўзлар яшаш моделлари мавжудлигини кўрсатди:

M4: L2 = DP + L1 (L1 — primärer Stamm, DP — Derivationspräfix, lexikalisches Präfix)

z.B: Unglück — Glück
zurückgehen — gehen
untreu — treu

M5: L2 = DP + I1 (I1 — primärer Stamm mit Veränderung des Wurzelmorphems)

z.B: das Gehölz — Holz
betrunken — trinken

M6: L2 = L1 + DS (DS — Derivationsuffix, lexikalisches Suffix)

z.B: fleiß + ig

M7: L2 = I1 + DS:

z.B: der Gärtner — der Garten
gründlich — der Grund
lächeln — lachen

M8: L2 = DP + L1+DS:

z.B: das Gelaufe — laufen
Gestiefelt — Stiefel
beerdigen — Erde

Бундан ташқари олмон тили аффикслари келиб чиқини (genetisches Prinzip), морфологик (morphologisches Prinzip), тарихий (historisches Prinzip) ҳамда семантик принциплар (semantisches Prinzip) бўйича ҳам таснифланади. Ушбу принциплар асосидаги таснифлар ҳам лексикология, ҳам грамматика бўйича дарсликларда муфассал ёритилган, шунинг учун ҳам биз бу қўлланмада аффиксларнинг семантик таснифига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Чунки аффикслар семантикаси доимо динамик ўзгаришларга учрайди, баъзан эса аффикслар ривожига жараёнида кўп маънолиликлари касб этиши мумкин.

А.Искос ва А.Ленковалар шундай деб ёзадилар: «(... das Suffix –schaft hat neben der Hauptbedeutung (Zustand, Beschaffenheit – Mutterschaft) noch zwei andere: es ist imstande, kollektive Bedeutung auszudrücken – Mannschaft, Genossenschaft und kann auch Gegenstände bezeichnen – Briefschaft, Barschaft, Ortschaft. Das erschwert ihre Klassifikation nach dem semantischen Prinzip ...»¹⁹

Семантик принципга асосан олмон тили қуйидаги гураҳларга ажратилади:

1. Шахс касб – ҳунарини ифодалашга хизмат қилувчи суффикслар:

- er – Leser
- ler – Sportler
- ner – Schaffner
- ling – Lehrling
- in – Lehrerin
- ent – Student
- ant – Aspirant
- or – Doktor
- at – Kandidat

2. Шахснинг келиб чиқинини ифодаловчи суффикслар:

- ner – Amerikaner
- aner – Hannoveraner
- er – Italiener
- e – Usbeke
- in – Tschechin

3. Ҳолатни ифодаловчи суффикслар (Suffixe mit der Bedeutung "Zustandsbezeichnungen"):

- schaft – Vaterschaft

¹⁸ Stepanowa M.D., Tschernischewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975

¹⁹ A.Iskos, A.Lenkova. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960. S.61

- tum - Altertum
- heit - Gesundheit

4. Жамоавийлик ва умумийликни ифодаловчи суффикслар (Suffixe mit der Bedeutung "kollektive Beziehungen):

- schaft - Studentenschaft
- tum - Bauertum
- ei - Kaptei

5. Абстракт тушунчаларни ифодаловчи суффикслар:

- heit - Dunkelheit
- keit - Emigkeit
- nis - Erkenntnis
- ung - Haftung
- schaft - Leidenschaft

6. Шахснинг касбий фаолияти турини белгиловчи суффикслар (Nomina actionis):

- ei - Tischlerei
- (er)ei - Dieberei
- ung - Reinigung

7. Ҳодисанинг содир бўлаётган жойини ифодаловчи суффикслар:

- ei - Gießerei
- (er)ei - Molkerei

8. Ишнинг пировард натижасини номловчи суффикслар (Nomina acti):

- ung - Sammlung
- nis - Erlaubnis
- tion - Formation

9. Баъзи предмет номларини ифодаловчи суффикслар:

- er - Wecker
- ling - Fäustling
- schaft - Barschaft

10. Кичрайтирувчи маъноли суффикслар:

- chen - Häuschen
- lein - Tischlein

Олмон тилида тўлиқ ҳамда ярим префикслар (Halbpräfixe) ҳақида Л.Шевелёва шундай дейди: "Im Deutschen gibt es eine ganze Reihe von Präfixen und Halbpräfixen, die deutlich das Sem<Verstärkung> + <Bewärtung> die synonymische Reihe erweitern: Präfixe un-, erz-, ur-; Halbpräfixe Haupt-, Grund-, Kern-,

Spitzen-, Bomben-, Riesen-, Super-, Maxi-, Makro-; blitz-, blut-, mords- (Unmenge, Unsumme, Unzahl, Erzfeind, Erznarr, Erzschurke - sie steigern die negative Eigenschaft, die in der Bedeutung des Wortes eingeschlossen ist); Unmensch, Unweib; Ungewalt (bekommt ein Sem mit positiver Bewertung); Hauptproblem - Person; Grundfrage, -widerspruch, -neigung, -wille, -eindruck; Hauptbahnhof, -arzt; Kernfrage, Spitzenleistung, Temperatur, Geschwindigkeit, Riesenfreude, Mordshunger, -appetit, -kerl; blitzsauber, blutjung, -arm; kreuzbar, -dumm, -fidel; Stockdumm, -taub, -blind)²⁰

Аблаут, умлаут, брехунг (Ablaut, Umlaut, Brechung)

Олмон тили тарихий ривожда янги сўзларнинг ясалиши ўзига хос товуш ўзгаришлари орқали ҳам амалга оширилган. Бу ҳинд-европа тиллари учун хос бўлган флексия ҳодисасининг амалда намоён бўлишидир. Флектив тилларда сўз негизининг ички ўзгариш, «синиш» ҳодисаси флексия дейилади.

Сўз негизидаги унлилар алмашинуви асосида янги сўзлар келиб чиқади. Бу олмон тилида аблаут (Ablaut) усули бўлиб, масалан, i>a, i>u, a>u унлиларининг алмашуви олмон тилига хос хусусиятдир. М.: Vinde - Band - Und; Hahn - Huhn, Sprache - Spruch.

Барча ҳинд-европа тилларида e>o алмашуви орқали сўз ясалиши эътироф этилган. М.: Kern - Korn; грек тилида lego - logos; рус тилида верх - ворох.

Умлаут ва брехунг орқали ҳам фақат аффиксация усулига ёрдамчи восита сифатида янги сўзлар ясалади.

Умлаут бу тарихий ассимиляция ҳодисаси бўлиб (der Umlaut ist historisch eine partielle Assimilation), урғули бўғиндаги унлининг кейинги ясама сўз бўғинида ассимиляцияга учраб, ўзгаришидир. М.: Verhältnis (verhalten), fröhlich (froh), kräftig (Kraft).

Брехунг ҳам урғули бўғиндаги унли ассимиляцияси ҳодисаси бўлиб, кейинги бўғинда кенг ёки топ унлига айланишидир. М.: Gebirge (Berg), irdisch (Erde).

Конверсия (Konversion) (Übergang in eine neue Wortart)

Конверсия тушунчаси бир сўз туркумидаги сўзнинг бошқа сўз туркумига ўтиб, янги сўз ҳосил қилиши демакдир. Бунда янги ҳосил бўлган сўзда грамматик моҳият, қисман маъно ўзгариши рўй

²⁰ I.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. М., 2004, S.72

беради. Ушбу қадимий сўз яшаш модели кўплаб тилларга хосдир. М.: димлама — димламоқ, емиш — емоқ, отиш — отмоқ, кулиш — кулмоқ ва ҳк.

Олмон тилида конверсия сермахсул сўз яшаш усулларида биридир. Бу жараёнда янги пайдо бўлган сўз асос сўзнинг хусусиятлари ҳамда грамматик категорияларига эга бўлади. М.: alt > der(die) Alte, leben > das Leben (des Lebens, dem Leben). Алоҳида таъкидлаш лозимки, конверсия натижасида грамматик омонимлар пайдо бўлади. М.: gut (Adj. Adv.) — das Gute (Subst.).

Олмон классик тилшунослигида бир сўз туркумидан иккинчи сўз туркумига ўтишнинг қуйидаги турлари ажратилади: от, феъл, сифат ва равиш ва ҳк. Булар орасида отлашган инфинитив кўп тарқалган ваулар барча сўз туркумларидан ясаишлари мумкин. М.:

der Laut — lauten
die Tiefe — tief
der Kleine — klein
der Zweite — zwei ...
der Verwandte, das Warum, das Ach, das Ich...

Ушбу усулда ясалган сўз маънолари ҳам ўзгаради. М.: das Aber — Widerspruch — эътироз, das Alte — etwas Vergessenes — ҳаёдан кўтарилган (нарса).

Ҳозирги замон олмон тилида бошқа сўз туркумларидан сифат категориясига ўтиш ҳам сермахсул усул ҳисобланади. Бунда отлардан ясалган сифатлар кўпроқ: laut, feind, schuld.

Турли сўз туркумларидан феъллар ясалади: grünen, wärmen, kürzen, bleichen, bluten, salzen, landen, trommeln, jobben, hämmern.

Хуллас, бир сўз туркумидан иккинчи сўз туркумига ўтиш олмон тилида кенг тарқалган. Бу усул нутқни жонли ва ранг — баранг эмоционал бўёқлар билан ифодалашга хизмат қилади.

Тақлидий сўзлар (Lautnachahmung)

Тақлидий сўзлар қадимий сўз яшаш усулларида бўлиб, шахс, предмет, воқеа — ҳодиса, турли жониворлар табиий товушлари, ҳаракати ҳамда ҳолатига тақлидни билдирувчи сўзлардир. Бундай сўзлар турли ихтиёрий ва ихтиёрсиз товушлар, қичқириқлар, ҳаракат ва ҳолатларни ифодалайди. Хаттоки баъзи олимлар тилнинг келиб чиқишини табиий товушларга тақлид билан боғлайдилар. Уларнинг фикрига кўра ибтидоий одамлар табиий

товушларга тақлид қилиш орқали мулоқот қилишган ҳамда ўз фикрини ифодалаганлар.²¹

Тақлидий сўзлар барча тилларда мавжуд. Масалан, ўзбек тилида какку, хуррак, тарс – турс, чий – чий; олмон тилида wau – wau, Kuckuck, miauen, schnarchen; рус тилида хрюкать, гав – гав, храпеть; инглиз тилида oink – oink, bow – bow; итальян тилида frou – frou, bu – bu; француз тилида aua – aua, wa – wa.

Товушга тақлид қилинган сўзлар асосан қуйидагича ясалади:

1. Турли ҳайвон ва жониворларнинг товушига тақлид: Kuckuck, Krähe, jodeln, krähen, miauen, piepsen, ticken, tacken, meckern; ўзбек тилида миёв, битбилиғ.
2. Турли предмет ва нарсаларнинг товушига тақлид: Ach! Äch! Äh! Juchhe! Tja! Bum! Klatsch! Heida! Plumps! Knacks! Hops! Patsch!

Тақлидий сўзлар товушнинг атамаси эмаслиги ва номинативлик хусусиятига эга эмаслиги билан ундов сўзларга яқин турса ҳам, маъно ва грамматик хусусияти билан фарқ қилади. Ундовлар сўзловчининг ҳис – ҳаяжони, хитоб ва буйруғини билдирса, тақлидий сўзлар ихтиёрий ва ихтиёрсиз юз берган ҳайқириқлар, жонли ва жонсиз предметлар товуши, ҳаракат ва ҳолатга шартли тақлидни ифода қилади. «Тақлидий сўзларнинг синтактик вазифаси ундовларга нисбатан анча кенгдир. Шунингдек, тақлидий сўзлардан от, феъл ва бошқа туркум сўзларнинг ясалиши ундовлардан ясалган сўзларга қараганда анча сермахсулдир. Масалан, ҳуштак, хуррак, гуррак, чапак, қарсақ, қўнғироқ, бодроқ, ҳиқилдоқ, шақилдоқ, тақа, қаҳқаҳа, дағдаға каби отлар, дангиллама, ярқироқ, йилтироқ, шаҳдирама, милтироқ каби сифатлар, чиқирла, гижирла, минғирла, қиқирла, тақилла каби феъллар тақлидий сўзлардан ясалган».²²

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, олмон тилида ҳам тақлидий сўзлардан ясалган сўзлар ундовлардан ясалган сўзларга қараганда кўпроқ экан.

Қисқартма сўзлар (Abbreviatur)

Ҳар бир тилнинг луғат таркиби бойиб боришида қисқартма сўзларнинг ўзига хос ўрни бор. Уларнинг пайдо бўлиши ёзувнинг келиб чиқиши ва ривожини билан боғлиқ. Вақтлар мобайнида ёзув материали ва вақтни тежаш мақсадида турли қисқартма белги ҳамда сўзлар яратила борган. Шунинг учун бўлса керак, дастлабки

²¹ Бу тўғрида тўлиқроқ қаранг: Умархўжаев М.Э. Умумий тилшунослик. Маърузалар. Андижон, 2008

²² У.Турсунов ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1965, 120 бет.

қисқартмалар аксарият ёзма, график қисқартмалар бўлган. Кейинчалик полиграфиянинг ривожини натижасида улар ўзлаштирилди ва оммалашди. М.: z.B: (zum Beispiel), usw. (und so weiter), u.a. (und andere), Anm. (Anmerkung); М.: (масалан, мисол учун).

Ҳозирги замон олмон тилида қисқартириш орқали сўз ясаш сермахсул усул ҳисобланади. Бундай сўзлар асосан қўшма сўзлар ва сўз бирикмаларидан ҳосил қилинади. Кўплаб қисқартма сўзларнинг пайдо бўлиши фан ва техника тараққиёти, халқаро сиёсий—маданий алоқаларнинг ривожини билан чамбарчас боғлиқдир. Фан, техника, сиёсат, публицистикада қисқартма сўзларнинг қўлланиш кўлами жуда кенг. М.: Laser (Light amplification by stimulated emission of radiation), WGB (Weltgewerkschaftsbund), Moped, CDU (Christlich—Demokratische Union, Ober (Oberkellner), Krimi (Kriminalroman), Pulli (Pullover) Uni, Bio ва хк.

Олмон тилида қисқартма сўзлар талаффуз томонидан асосан икки шаклга — ёзма ҳамда оғзаки шаклдаги қисқартмаларга бўлинади.

Ёзма шаклдаги қисқартма сўзлар текст ўқиладиганда тўла талаффуз қилинади. М.: a.D. — außer Dienst, gest.Ab. — gestern Abend, z.B. — zum Beispiel ва хк.

Оғзаки шаклдаги қисқартмалар қандай қисқартирилган бўлса шу шаклда талаффуз қилинади. М.: Zoo, Lok, Labor, Bus, Krimi, U—Bahn, UNO, U—Boot, D—Zug, S—Bahn, Fewa (Feinwaschmaschine).

Ясаиш шаклига кўра қисқартмалар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Сўзларнинг ўзақлари қисқартирилади, бундай усул олмон тилида энг содда қисқартириш усули бўлиб, **Stummel-кесилган бўлак** дейилади ҳамда нутқда тўла талаффуз қилинади. М.: gest.Ab. — gestern Abend, gez.Bl. — gezahlte Blätter, Dr. — Doktor ёки das Auto, das Photo, das Velo. Бундай сўзларда қўшма сўзнинг иккинчи қисми «кесиб» ташланган ва маъно маркази биринчи қисмда ифодаланadi.
2. Сўзларнинг бош ҳарфлари қисқартирилади ҳамда нутқда ҳам шу ҳолда талаффуз қилинади. М.: der LKW — Lastkraftwagen, die AEG — allgemeine Elektrizitätsgesellschaft.

Бундан ташқари қисқартмаларнинг бирқанча ўзига хос турлари ҳам мавжуд. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, аббревиатураларнинг маъноси ўзларининг шакл маънолари билан мос келади. Шу нуқтаи назардан қараганда, қисқартма сўзларни мустақил янги сўзлар дейиш, бизнинг назаримизда, юқорида сўзга берилган таърифга мос келмайди. Чунки сўз бўлиши учун бирликда унинг фонетик, морфологик ва семантик хусусиятлари

мавжуд бўлиши лозим. Аббревиатураларга келсак, уларнинг фонетик томони мавжуд, лекин морфологик қурилиши норматив кўринишга эга эмас, маъно жиҳатдан эса янги маъно пайдо бўлмай. қўшма сўз таркибидаги бирликлар маъноси такроридир. Шунинг учун буларни «сўзларнинг қисқартирилган шакллари» деб атасак, ҳақиқатга яқин бўлади. Бундай сўз шакллари яшаш усули Ҳинд — Европа тилларида сермахсул усул ҳисобланади. Ўзбек тилида қисқартма сўзлар учраса — да, бу услуб у даражада ривожланмаган.

ЎЗЛАШТИРМА СЎЗЛАР (ENTLEHNUNGEN)

Дунёда бошқа халқлар билан алоқада бўлмайдиган, алоҳида ажралиб яшайдиган халқлар йўқ. Хаттоки Жанубий Америка чангалзорларининг одам оёғи етмаган жойларида яшовчи қабилалар ҳам қандайдир йўл билан ташқи дунё билан алоқада бўлишлари исботланган. Уларнинг тилларида ҳам ўзга тиллардан ўзлашган сўзлар кузатилган.

Албатта, қадимда халқларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, босқинчилик урушлари, савдо — сотиқ, диний мулоқотлари туфайли ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Айниқса урушлар туфайли ғолиб халқ тилининг мағлуб халқ тилига, ёки аксинча, мағлуб халқ тилининг ғолиб халқ тилига ўта фаол таъсири натижасида тилларга янги сўзлар ўзлашиши жараёни кузатилган.

Ҳозирги замон ўзбек тили луғат таркибини 1980 йили чоп этилган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» асосида таҳлил қилганимизда араб, форс, рус тилидан ўзлашган сўзлар кўпчиликти ташкил қилиши аниқланди. Мисол учун, араб тилидан ўзлашган муаллим, муҳандис, муҳаррир, мударрис, муътабар, муқаддас, муҳокама, мунозара; форс — тожик тилидан ўзлашган сартарошхона, сартарош, дарбадар, дастурхон, хона, дутор, хўранда, пазанда, сардор, мардикор, рўзгор, якшанба, душанба, навбаҳор, бадавлат, зиёкор каби сўзларга эътибор беринг.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, мустақиллик йиллари мобайнида «ўзликни англаш», «тил софлигини сақлаш» учун амалга оширилган ишлар устида ҳам жиддий бош қотириб кўриш керакка ўхшайди, чунки вазир (министр), ҳоким, жарроҳ (хирург), талаба (студент), дастур (программа) каби лексемалар тарихий — этимологик жиҳатдан соф ўзбекча эмас, арабча ёки форсча — тожикча қатламга мансуб лексик бирликлардир.

Олмон тили ҳам бу борада истисно эмас. Чунки ҳозирги Германия ҳудудида истиқомат қилган қадимий қабилалар лотинлар, французлар, славянлар ва бошқа халқлар билан доимо ўзаро алоқада бўлганлар. Алоҳида таъкидлаш лозимки, олмон тили луғат таркиби ривожи тарихан уч манбага асосланган:

1. Қадим Ҳинд — Европа лексик қатламларидан ташкил топган сўзлар
2. Умумгерман тиллари лексик қатламларидан ташкил топган сўзлар
3. Бошқа чет тиллардан ўзлашган сўзлар қатламлари

Олмон олими А.Шмидтнинг ёзишича, ҳозирги замон олмон тили луғат таркибининг тўртдан бир қисми (ein Viertel der Grundwörter des heutigen Wortbestandes) Ҳинд — Европа лексик қатлаמידан ташкил топган.²³ Бу асосан инсон ва унинг тана аъзолари номлари, атроф — муҳит, уй ҳайвонлари, дарахтлар, қариндош — уруғчиликни ифодаловчи сўзлар қатламидир. М.: Tag, Nacht, Wind, Sommer, Ernte, Gans, Hund, Kalb, Kuh; Blume, Erbse, Birne; Neffe, Schwester, Vater, Mutter, Bruder, Enkel; bauen, beißen, binden, essen, liegen, gehen, sehen, sein; arm, dünn, tot, süß, kalt, lang, lieb, frei, gelb, neu; Zahlwörter, Pronomen.

Барча асос сўзларнинг 30%ини умумгерман лексик қатлами ташкил қилади. Булар асосан деҳқончилик, чорвачилик соҳалари, денгизчилик, балиқчилик, уй — рўзғор буюмлари, қурол — аслаҳа номларидир. М.: Brot, Fleisch, Schinken, Speck; Weiden, Herbst, Krippe, Lamm, Leder, Mähne, Ross, Tösten, Schaf, Hahn, Huhn, Henne, Taube, Rabe, Storch, Esse, Hof, Halle; Waffe, Schwert, Schild, Helm, Friede, Feige, Zwinger ва ҳк.

Ҳар қандай тил ривожда сўз ўзлаштириш жараёни катта аҳамиятга эга бўлгани каби, олмон тили тарихида ҳам бу қатлам сезиларли из қолдирган. Албатта, ўзлаштирама сўзлар салмоғи ҳар бир давлатнинг иқтисодий, техникавий, маданий ва сиёсий тараққиёт даражаси билан узвий боғлиқдир. Юқори тараққиёт даражасига эришган халқ қўшни мамлакатларга ўз таъсирини ўтказиши турган гап. Янги ҳодисалар, кашфиётлар, тушунчалар ва терминлар албатта қўшни тилларда ўрганилган ҳамда кераклари тил системасига қабул қилинган. Демак ўзлаштирама сўзлар адади, хусусиятлари, ўзлаштириш даражаси турли даврларда турлича бўлиши табиий.

Лотин тилидан ўзлашган сўзлар (Entlehnungen aus dem Latein)

Олмон тили луғат бойлигига XVI асрга қадар бошқа Европа тиллари сингари лотин тилининг таъсири катта бўлди. Уч тарихий давр оралиғида лотин тилидан олмон тилига кўплаб сўзлар ўзлаштирилди.

Биринчи давр — қадимги германлар даври (germanisches Altertum). Германларнинг ерлари римликлар томонидан истило

²³ A. Schmidt. Deutsche Wortkunde. Leipzig, 1949

қилиниб, романизация (Romanisierung) герман тиларига катта таъсир кўрсатди. Ушбу даврда кўплаб маданият ҳамда қурилишга оид сўзлар олмон тилига кириб келди. М.: Ziegel, Kalk, Pflaster, Mauer; мева—сабзавот ва шароб ишлаб чиқариш билан боғлиқ сўзлар — Birne, Wein, Pflaume, Rettich; озиқ—овқат билан боғлиқ сўзлар — Küche, Kessel, Schlüssel; савдо—сотиққа оид сўзлар — Kiste, Sack ва ҳк.

Иккинчи давр — қадимги олмон тили (frühdeutsche Zeit) даври — V асрдан VII—IX асрлар, олмон тилидаги иккинчи ундошлар силжиши даврига тўғри келади. Бу даврда олмонлар христианлаштирилди, биринчилардан бўлиб гот қабилалари христиан динини қабул қилдилар. Шунинг учун ҳам бу даврда грек тилидан ўзлаштирилган диний атамалар кўпчиликни ташкил қилади. М.: Kirche, Pfaffe, Engel, Teufel, Altar, Messe, Kreuz, Abt, Nonne, Zelle, Kloster, predigen, nüchtern, Chor. Сўнгра латин тилидан таълимга оид сўзлар кириб келди: Schule — lat. scola, Tinte — lat. tinkta, schreiben — lat. scribere, Tafel — lat. Tabula.

Учинчи давр — XIV—XVI асрлар оралигини ўз ичига олади. Бу давр уйғониш даври ҳисобланиб, илм—маърифатга қизиқиш кенг тус олди. Латин тили ушбу давр «илм тили»га айланди. Кўплаб ўзлаштирилган сўзлар илм—фан билан боғлиқ бўлди. Баъзи маълумотларга кўра бу даврда илм—фан, таълим ва ҳуқуққа тааллуқли 1571 сўз, таълимга тааллуқли 2000 сўз ўзлаштирилган. М.: Doktor, Professor, Lyzeum, repetieren, Abitur, Akademie, Aula, Klasse, Zensur, studieren; Akten, Archiv, Konferenz, Konzept; Manuskript, Format, illustrieren, korrigieren; Advokat, Arrest, Protest, adaptieren, legal ва ҳк.

Француз тилидан ўзлашган сўзлар (Entlehnungen aus dem Französischen)

Француз тилидан ўзлаштирилган сўзларни ҳам уч даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр — XII—XIV асрларга тўғри келади. Бу даврда француз сарой ҳаёти ва рицарликка оид қатор сўзлар ўзлаштирилди. М.: Turnier, Lanze, Visier, Banner; француз тилининг европа халқлари ҳаётига таъсири жуда кучли эканлиги туфайли нафақат француз тилидаги сўзлар, балки баъзи сўз ясовчи воситалар ҳам ўзлаштирилди. М.: partie, zouberie, jegerie; Partei, Malerei, hausieren, stolzieren, halbieren; mancherlei, vielerlei, allerlei; Abenteuer, Palast, Turm.

Иккинчи давр — XVI—XVII асрларга тўғри келиб, француз абсолютизмининг гуллаган даври — қирол Людовик XIV даври

ҳисобланади. Бу даврда француз тилининг таъсири жуда кучли бўлиб, айниқса сарой аҳли ва юқори доираларда олмон тилида гапириш одат саналмаган. М.: ўша давр мулоқот сўзларини эсланг — Monsieur, Madame, Mademoiselle. Ўша пайтларда хатто қариндош — уруғчиликни ифодаловчи олмонча сўзлар — Vater, Mutter, Oheim, Muhme, Base кабилар французча Papa, Mama, Onkel, Tante, Cousin, Cousine каби сўзлар билан алмаштирилган. Француз тилидан модага таалуқли сўзлар ўзлашган — Mode, Matresse, Kavallier, gallant, Pläsier, Kompliment, Reputation, Pöpel (Volksmenge), Ball, Balett, Maskerade, amüsieren, Promenade.

Француз тилидан бу асрларда қурилиш, жиҳозлар ва боғдорчилик билан боғлиқ қатор сўзлар ўзлаштирилган. М.: Balkon, Terasse, Bassin, Grotte, Galerie, Loge, Niscue; кийим — кечак ҳамда пардоз — андоз билан боғлиқ сўзлар: Kostüm, Korsette, Perücke, Pomade, Friseur, Parfüm; Озиқ — овқат ва ичимликлар билан боғлиқ сўзлар — Serviette, Rogaut, Omlette, Souce, marinieren, Kompott, Konfiture, Marmelade, Torte, Bisquitt, Limonade, servieren, Frikasse;

Учинчи давр — XVIII—XIX асрларни ўз ичига олиб, 1789 йилги француз буржуа революцияси воқеалари билан боғлиқдир. Давр руҳини ифодаловчи кўплаб сиёсий атамалар олмон тили луғат таркибига кириб келди. М.: Anarchist, Bürokratie, Emigrant, Jakobiner, Koalition, Komitee, Konstitution, Monarchist, Propaganda, Reaktion, Abgeordneter, Wahlmann, abstimmen, einstimmig, Stimmenmehrheit, Nationalversammlung, Fraktion, Veto.

1848 йилги революция таъсирида Rechtsstaat, Polizeistaat, Pressefreiheit, Fortschritt, freisinnig, Attentäter, Errungenschaft, Bundesstaat каби янги сўзлар пайдо бўлди.

Француз тилининг ўша даврларда фақат олмон тилига эмас, балки бошқа Европа тилларига ҳам таъсири кучли эди. Буни рус тили ва адабиёти тарихига назар ташласак яққол сезамиз. Буюк рус мутафаккири Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» романларидаги персонажлар нутқида қарийб ҳар бир жумлада французча сўзлар ишлатилади. Кейинчалик рус тили орқали французча сўзлар ўзбек тилига ҳам кириб келди. М.: ресторан, пардон, гараж ва ҳж.

Италян тилидан ўзлаштирилган сўзлар (Entlehnungen aus dem Italienischen)

XIV—XVI асрларда жанубий Германия вилоятлари билан юқори Италия орасидаги савдо — сотиқ алоқалари асосида ушбу соҳага оид қатор сўзлар ўзлаштирилди. М.: Lombard, Bank, Konto, Kredit, Kasse, Brutto, Kapital, Bilanz, Muster, Bankerott — ital. banca gotta; ҳарбий алоқалар натижасида қатор сўзлар ўзлаштирилди. М.:

Capitan, Kanone, Kavalerie, Alarm, Granate, Arsenal, Artillerie, Kommando, Kapelle, Sonata.

XVII—XVIII асрларда италян тилидан муסיқага оид кўплаб сўзлар ўзлаштирилди. М.: Agie, Bariton, Konzert, Oper, Mandoline, Solo. Ушбу сўзлар рус тили орқали ўзбек тилига ҳам ўзлаштирилган.

Славян тилларидан ўзлаштирилган сўзлар (Entlehnungen aus den slavischen Sprachen)

Олмон ва славян халқларининг географик нуқтаи назардан яқинлиги ҳамда олмон—поляк—рус савдо алоқалари натижасида олмон тилига XI асрдан бошлаб қатор славян сўзлари кириб кела бошлаган. Дастлабки сўзлар савдо, озиқ—овқат, ижтимоий соҳаларга оид бўлган. М.: Zobel, Stieglitz, Zeisig, Düse, Quark, Gurke, Kummet, Peitsche; жой номлари — Pankov, Leipzig, Brandenburg, Rostock.

Кейинчалик рус адабиёти таъсирида XVII—XIX асрларда рус халқи ҳаёт тарзини ифодаловчи қатор сўзлар ўзлаштирилди. М.: Steppe, Draschke, Kalatsche, Tornister, Balalajka, Trojka, Wodka, Samowar, Bliny u.a.

1917 йилги октябрь революциясидан сўнг олмон тилига бошқа Европа тиллари билан бир қаторда янги сиёсий ҳаракат ва давлат тизимига оид қатор сўзлар кириб келди. М.: Sowjet, Bolschewik, Kulak, Piopierpalast, Komsomol, Kolchos, Sowchos, Fünfjahrplan. Ўзбек тилидаги худди шу сўзлар билан солиштириб кўринг — совет, большевик, кулоқ, пионерлар саройи, комсомол, колхоз, совхоз, беш йиллик план.

Собиқ Германия Демократик Республикасида социалистик тузум таъсирида яратилган қатор сўз бирикмалари айнан рус тилидан олмончалоштирилган. М.: Held der Arbeit — меҳнат қаҳрамони, Verdienter Lehrer der Republik — Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи ва б.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг совет фан—техникаси, айниқса, космик техника ривожини асосида янги сўзлар рус тилидан ўзлаштирилган. М.: Kosmos, Sputnik, Kosmonaut, Lunik, Raumschiff, Perestrojka ва б.

Инглиз тилидан ўзлаштирилган сўзлар (Entlehnungen aus dem Englischen)

Олмон ва инглиз тиллари Ҳинд—Европа тиллар оиласининг герман тиллари гуруҳига кирса ҳам уларнинг ўзига хос тараққиёт йўллари, луғат бойлиги мавжуд. Шу боисдан ҳам тарихий тараққиёт жараёнида ўзаро сўз ўзлаштириш давом этган.

Инглиз тилидан олмон тилига асосан XVIII асрдаги қатор революциялар таъсирида сиёсий атамалар кириб келди. М.: Adresse, Debatte, Kommission, Session, Opposition, Präsident. Таржима орқали кириб келган сўзлар – Sprecher (speaker), ein Gesetz einbringen (to introduce a bill), zur Ordnung rufen (to call to order), Thronrede (Speech).

XIX асрдан бошлаб олмон тилига инглиз тилининг таъсири сезиларли даражада кучайди. Саноат терминлари билан бир қаторда кўплаб спорт атамалари ўзлаштирилди. М.: Export, Import, Trust, Konzern; Sport, Trainer, Outsiker, Finisch, Favorit, Tip, Tennis, Match, Team, Champion, Record, Fussball, Hockey, Polo, Golf. Замонавий кийим – кечак ва таомлар номлари: Smoking, Shorts, Schlips, Pullover, Sweater, Cape; Beefsteak, Roastbeef, Pudding, Keks, Toast, Drink.

Ҳисоб – китобларга кўра агар XVIII асрда инглиз тилидан олмон тилига 11 сўз ўзлашган бўлсаб XX аср бошларига келиб 332 сўз ўзлашган, ҳозирги кунда эса англо – американизмларнинг сони бору саноғи йўқ.²⁴ М.: Shop (Laden, Geschäft), Shopping – Centre (Einkaufszentrum), Glub – Cola, Tropen – Cola, Afri – Kola, Mimi – Cola, Safari – shirt, Sweatshirt, Polo – Shirt (Bluse ohne Ärmel), Slimhemd (Männerhemd), fit san (gesund, sportlich sein, sei fit!, Top – Secret (absolut geheim), o'key, hi, happy! ва б.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, собиқ Германия Демократик Республикасида яшовчи олмонлар тилига рус тилидан кўплаб сўзлар ўзлаштирилган бўлса, Германия Федератив Республикаси аҳолиси тилига асосан инглиз тилидан янги сўз ва тушунчалар ўзлаштирилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тиллардан ташқари қатор бошқа тиллардан ҳам олмон тилига сўзлар ўзлаштирилган. Булар асосан ўзлашмалар олинаётган тилларнинг ўзига хос реалиялари, предмет ва ҳодисаларини ифода қилувчи сўзлардир. М.: турк тилидан ўзлашган сўзлар: Kelim (Teppich), Pallasch (krummer Türkensäbel), Kaffee, Ulan (junger Mann, Leichter Reiter); араб тилидан олинган сўзлар: Algebra, Alkohol, Almanach, Atlas, Banane, Gambit (im Schahspiel), Harem, Magazin, Papagei; форс тилидан олинган сўзлар: Basar, Divan (vorerst Amtszimmer, dann Polsterbank), Karavane, Schah, Orange ва б.

Ҳинд, япон, баъзи Африка тилларидан ҳам олмон тилига ўзлаштирилган сўзлар мавжуд. М.: Dshungel, Mandarin, Punsch, Kimono, Terno, Zebra, Giraff, Schimpanse ва б.

Айтиб ўтиш керакки, сўзларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўзлашиши тарихан турлича бўлиши мумкин. Баъзи сўзлар

²⁴ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. М., 2004, S.145

бевосита, тўғридан — тўғри ўзлаштирилса, бошқалари билвосита, айниқса, географик жиҳатдан ўзаро узоқда жойлашган тилларда, бошқа бир тил орқали ўзлаштирилиши мумкин. Масалан, Meeting (Versammlung, Kundgebung) сўзи олмон тилига инглиз ёки француз тилидан ўзлашган, ўзбек тилига эса рус тили орқали кириб келган. Шарқ тилларидаги кўплаб сўзлар олмон тилига француз тили воситасида кириб келган. М.: Admiral, Schah, Paragei.

Сўз ўзлаштириш жараёнида кўп нарса воситачи тилнинг ижтимоий аҳамияти, жамиятда тутган ўрни ҳамда сиёсий нуфузига боғлиқ. Бунга мисол сифатида собиқ Совет даврида рус тилининг маъноси, сиёсий нуфузи ҳамда бошқа республикалар халқлари тилларига қанчалик салмоқли таъсир кўрсатганлигини эслатиб ўтиш кифоя. Барча Фарб тилларидан ўзлаштирилган сўзлар, сиёсий, илмий — техникавий терминлар аксарият рус тили «элагидан» ўтгачина бошқа қардош тилларга кириб келган. Бизнинг назаримизда бу жараён бир томондан ўзбек терминологияси системаси ривожига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида атамалар ясалишига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқ. Бу маънода қарайдиган бўлсак ўзбек терминологияси бошқа Европа тиллари терминология системаси ривожидан сезиларли ортда қолди.

Ўзлаштира сўзлар таснифи (Klassifikation der Entlehnungen)

Анъанага кўра ўзлаштира сўзлар икки гуруҳга бўлинади. Булар олмон тилига тўла «ўзлашиб» кетган сўзлар (Lehnwörter) ҳамда «чет тил» сўзларидир (Fremdwörter).

Тўла «ўзлашиб» кетган сўзлар асосан қадимги, ўрта ҳамда янги давр олмон адабий тили (althochdeutsche, mittelhochdeutsche und frühneuhochdeutsche Sprachperioden) давларида кириб келган ҳамда тўла «олмончалашиб» кетган сўзлар бўлиб, буларни ҳозир ҳеч ким чет тилидан кириб келган сўзлар сифатида идрок этмайди. М.: Fenster, Straße, Mauer, Mönch, tanzen, schreiben, fein u.a.

«Чет сўзлар» (Fremdwörter) олмон тилида кенг қўлланиладиган сўзлар бўлиб, уларнинг ўзлашган сўз эканлиги яққол кўриниб турсада, ҳорижий сўз сифатида кўрилмайди ҳамда олмонча эквиваленти билан алмаштирилиб ишлатилмайди. М.: Politik, Sport, interessant, Interview, Courage, Exchange, demonstrieren ва б.

Олмон тилига асосан қуйидаги йўллар билан сўзлар ўзлаштирилади:

1. Чет тилидаги сўзни ҳам шакли, ҳам маъноси билан бирга тўла ўзлаштириш, яъни энг оддий усул (einfache Entlehnung). М.: Kolchos, Sozialismus, Sputnik, Perestrojka, hi!, o'key!

2. Сўзларни калькалаш орқали таржима қилиб ўзлаштириш (Lehnübersetzung). М.: ингл. Football — Fußball, useless — nutzlos, франц. De-couvrir — entdecken; рус. Герой труда — Held der Arbeit, lat. Patria — Vaterland; engl. Order of the day — Tagesordnung, house of Lords — Herrenhaus; бундай усулда сўз ўзлашиши ўзбек тилида ҳам кузатилади. М.: футбол, волейбол, беш йиллик план ва ҳк. Ушбу усул асосан диний асарларни латин тилидан олмон тилига таржима қилиш жараёнида кенг қўлланган. Шундай ҳолни араб тилидан диний матнларни ўзбек тилига ўтириш жараёнида ҳам кузатишимиз мумкин.
3. Ўзлаштирилган интернационал сўзлар (Internationalismen). Булар турли тилларда бир хил шакл ва маънода ишлатиладиган сўзлар бўлиб, улар асосан турли соҳа терминларидан иборатдир.
 М.: олм. der Student
 ингл. student
 фран. le'tudiant
 рус. студент
 ўзб. студент

Интернационал сўзлар қаторига халқларнинг ўзига хос маданияти, хусусиятларини ифодаладиган ҳамда кўп тилларга ўзлаштирилган сўзлар ҳам киради. М.: Turban, Rikscha, Kuli, Samowar, Pilav, Kurasch, Halol, Schaschlyk ва ҳк.

Интернационал сўзларнинг аксарияти латин ҳамда грек тиллари асосида яратилган. М.: лот. Minimum, Provisor, Produkt, Republik, Projekt, Manufaktur, Examen, Medizin; гр. Demokratie, Epik, Mime, Musik, Pädagoge, Phänomen, Telephon, Turbine, Programm, Information ва ҳк.

Пуризм (Purismus)

Тилларга бошқа тиллардан хаддан ташқари кўплаб турли сўзларнинг кириб келиши, чет тили экспансияси, кириб келган сўзларнинг маълум тил учун қандай амалий аҳамиятта эга эканлиги масалаларини ўрганиш эҳтиёжи ҳамда ушбу экспансияга қаршилиқ қилиш йўналиши сифатида Европада XVI асрдаёқ пуризм ҳаракати пайдо бўлди. Пуризм латинча "purus" — олм. rein — тоза сўздан олинган бўлиб, тилни ёт, кераксиз элементлардан тозалаш демақдир. Ушбу ҳаракатнинг пайдо бўлиши бежиз эмас ҳамда жуда кўп тиллар учун характерли ҳодиса бўлиб, миллатлар, халқлар ва умуммиллий тилнинг шаклланиши, ривожига билан боғлиқдир. Ушбу даврдан бошлаб, масалан, Франция академияси француз тилига латин ва итальян тиллари элементларининг хаддан ташқари кўп кириб келишига қарши кураш бошлади. Бу тўғрида аввало олим ва

ёзувчилар бонг урдилар. Бундай безовталик Россияда ҳам сезиларли даражада кўзга ташланди. Рус пуристаридан А.С.Шишков (1754 – 1841) хатто барча чет тилидан кирган сўзларни чиқариб ташлаб, ўрнига русча сўзлар ишлатиш, янги русча сўзлар ихтиро қилиш таклифи билан чиққан. Масалан, у «фортепиано» ўрнига «тихогром», «карнизы» ўрнига «прилепы», «зеркало» ўрнига «сверкальцо», «галаш» ўрнига «мокроступы» сўзларини ишлатишни таклиф қилган.²⁵

Пуризм ҳодисаси олмон тили ривожига ўзига хос ҳодиса сифатида юзага келди. XVI – XVII асрларда олмон пуризми ижобий характерда бўлиб, тилни тозалаш мақсадида лотин, грек, француз тилидан ўзлаштирилган ўта кераксиз, ортиқча сўзлар чиқариб ташланди, қадимдан халқ учун тушунарли, «ўз» сўзларига айланган сўзлар муомалада қолдирилди. Натижада олмон тили луқат таркиби ижобий бойиди. Бу умуммиллий олмон тили ёзма нутқ нормалари шаклланишига катта туртки бўлди.

Пуризм тарихида икки йўналиш мавжуд – биринчи йўналиш ижобий, прогрессив пуризм, иккинчиси эса агрессив, салбий, жанговар пуризм (Ultrapurismus).

Агрессив ёки ультрапуристар ўзлаштирилган сўзларни улар керакми ёки йўқми, маъно кўлами кенгми ёки торми, олмонча сўзлар билан алмаштириш имконияти борми ёки йўқми, бундан қатъий назар олмон тили луфат таркибидан таг томири билан чиқариб ташлаш ғояси билан чиқдилар ҳамда уларни олмонча эквивалентлар билан алмаштиришга уриндилар.

Олмон янги давр поэзияси санъати асосчиси, “Buch von der deutschen Poeterey” (Олмон поэзияси китоби) муаллифи Мартин Опитц (1597 – 1639) ашаддий пуристарнинг машҳур намояндalarидан эди. Ушбу асарда у бу масалада ўз ғояларини баён қилди ҳамда чет тиллардан сўз ўзлаштиришга қарши курашди. XVII аср бошларидан бошлаб бутун Германия худудида пуристар жамиятлари ташкил этилиб, пуристар олмон тилини ҳорижий элементлардан тозалаш учун кураш бошладилар, бир қатор ҳорижий сўзларни маънолари яқин бўлган сўзлар билан алмаштиришни таклиф қилдилар.

M.:	Kompanie	–	Gesellschaft
	Qualität	–	Eigenschaft
	konstatieren	–	feststellen
	Bouillion	–	Fleischbrühe

Албатта, ўзлаштира сўзлар маъноларини олмонча сўзлар тўла акс эттира олмайдилар. Масалан, Kompanie – Gesellschaft сўзлари тўла эквивалент бўлолмайдилар. Бундай ҳолларда пуристар

²⁵ A. Iskos, A. Lenkova. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960. S.111

ҳорижий сўзни таржима қилишни таклиф қилганлар. М.:
Visitenkarte — Besuchskarte, Bankerott — Bankbruch, patriotisch —
vaterländisch.

Ашаддий пуристардан яна бири Филипп Цезен (1719—1789)
эса ўзлаштирма сўзларни умуман олмон тилидан чиқариб ташлаб,
ўрнига кўпинча тушунтириш қийин бўлган сўзларни қўллашни таклиф
қилди. Лекин бундай сўзлар тил меъёрларига
тўғри келмади ва истеъмождан тушиб қолди.

М.:	Imperativ	—	Gebrauchsweise
	Mantel	—	Windfang
	Fenster	—	Tageleuchter
	Natur	—	Zeugenmutter aller Dinge
	Nase	—	Löschhorn

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Цезен томонидан таклиф
қилинган ва ҳозирда ҳам ишлатиб келинаётган айрим сўзлар унинг
ашаддий пурист эканлигини юмшатмайди.

М.:	Moment	—	Augenblick
	Armee	—	Heer
	Autor	—	Verfasser ва ҳк.

Цезен давомчиларидан бири ашаддий пурист Иоахим Ҳайнрих
Кампе (1746—1818) барча «чет» сўзларни олмон тилидан чиқариб
ташлаб, олмончалоштиришни тарғиб қилди. Ўзининг 1801 йилда чоп
этилган "Wörterbuch zur Erklärung und Verdeutschung der unserer
Sprache aufgedrungenen fremden Ausdrücke" (Braunschweig, 1801)
луғатида ўзидан аввал олмончалоштирилган сўзларни келтириб, ўзи
ҳам қатор сўзларни қўшди.

1807—1812 йилларда чоп этилган "Wörterbuch der deutschen
Sprache" луғати тўла пуризм таъсири остида чиққан. Унда қатор
олмончалоштирилган сўзлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисми
ҳозирда ҳам муомалада.

М.:	Arrest	—	Haft
	Kuvert	—	Umschlag
	Grad	—	Stufe
	Harmonie	—	Übereinstimmung, Einklang
	Vis a vise	—	gegenüber ва ҳк.

Кампе барча қўлаб келаётган, тил нормасига ўзлашиб кетган
баъзи сўзларни, ҳатто ой номларини ҳам олмончалоштиришни
таклиф этган.

М.:	Januar	—	Neujahrsmonat
	März	—	Frühlingsmonat
	April	—	Wandelmonat
	August	—	Sommermonat
	September	—	Herbsmonat
	Oktober	—	Weinmonat
	November	—	Reifmonat

Ультрапуристуларнинг бундай ашаддий оломнчалоштириш ҳаракатларига қарши прогрессив, ижобий пуризм вакиллари ўз нуқтаи назарларини эълон қилишди. Уларнинг ҳаракати 1617 йилда Ваймар шаҳрида ташкил этилган “Die fruchtbringende Gesellschaft” ҳамда “Palmenorden” тил жамияти фаолияти билан боғлиқ. Бу жамият фаоллари олмон илм — фани, прогрессив адабиёти намояндалари эдилар. Жамият қисқа вақт ичида ўз тарафдорларини топди. Унинг ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири машҳур тилшунос Йустус Георг Шоттелиус (1612—1676) бўлиб, олмон тили грамматикасига қатор янги терминларни киритди. Прогрессив пуристуларнинг фикрича, чет тиллардан кириб келган қуйидаги талабларга жавоб берса, олмон тилида сақланиб қолиши муқаррар:

1. Агар чет тилдан кирган сўзнинг олмон тилида муқобил варианты бўлмаса ҳамда уни фақат изоҳлаш (Umschreibung) орқали ифодалаш мумкин бўлса.
2. Агар чет тилдан кириб келган сўз ҳатто шу чет тилини билмаган кишилар учун ҳам тушунарли бўлса.
3. Агар чет тилдан кириб келган сўз олмон тили қонун — қоидаларига мос келса. М.: Text, Kollege, Doktor, Post ва бошқа қатор сўзлар то шу кунгача олмон тили нормаларида мавжуд. Агрессив пуристулар ана шундай сўзларни ҳам олмончалоштириш учун курашганлар.

Шу билан бир қаторда прогрессив пуристулар қатор ўзлаштирма сўзларни олмончалоштирдилар, натижада тил луғат таркиби бойишига ҳисса қўшдилар.

М.:	Dialekt	—	Mundart
	Fontaine	—	Springbrunnen
	Numerus	—	Zahl
	Zentrum	—	Mittelpunkt
	Orthographie	—	Rechtschreibung

Прогрессив пуристулар гоёсини қувватлаган олимлардан бири машҳур файласуф Вильҳелм Лайбниц хис — ҳаяжон, эмоцияни ифодалайдиган сўзлар ўзлаштирилишига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим, лекин илм — фан, сиёсат билан боғлиқ сўзларни четлаб ўтиш мумкин эмас деган фикрни баён қилади.

Тилшунослардан Якоб Гримм (1785—1863), олмон адабиёти клаассиклари Лессинг, Гёте ва Шиллер прогрессив пуристулар гоёларини қўлаб — қувватлаган. Гётенинг “Briefe an Riemer” рисоласида унинг бу борадаги фиклари ифода этилган: “Die Muttersprache reinigen und bereichern sei das Geschäft der besten Köpfe, Reinigung ohne Bereicherung aber sei oft geistlos”.

XIX—XX асрларда ҳам олмон тилида агрессив пуристарлар жиддий из қолдирди. Уларнинг шиори шундай бўлган: **“Kein Fremdwort für das, was ebensogut deutsch gesagt werden kann!”** Ушбу мақсадда бу даврларда ҳам қатор сўзлар олмончалоштирилди.

М.:	telegraphieren	—	drahten
	Telegrammadresse	—	Drahtanschrift
	Billet	—	Fahrkarte
	Perron	—	Bahnsteig
	Kondukteur	—	Schaffner
	Publikum	—	Zuschauer
	Redakteur	—	Schriftleiter
	Telefon	—	Fernsprecher
	Fakt	—	Tatsache

Бундай ҳаракатни ўзбек халқи тарихида ҳам кузатиш мумкин. XX асрнинг 20—йилларида Абдурауф Фитрат, Отажон Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Мунавварқори Абдурашидхонов каби миллатпарварлар ташаббуси билан «Чигатой гурунги» ташкилоти тузилиб, у ўзбек тилининг софлиги учун фаол ҳаракат олиб борган. Ташкилот аъзолари ўзбек тилига кириб келаётган русча — байналминал сўзларни «таржима» қилиш билан ҳам шуғуланганлар ҳамда поездни оташпарава, велосипедни шайтонарава, пионерни кашшоф, партияни фирка, самолётни учок деб аташган. Лекин давр ўз ишини қилди, улар юзлаб сўзларни таржима қилиш билан банд бўлиб турганларида, бошқа минглаб сўзлар ўзбек тилига қонуний равишда ўзлашиб, луғат таркибидан ўрин олди: машина, автомобиль, ручка, парта, стол, стул, диван, шкаф, электр, ток, радио ва ҳоказо.

Айнан шундай ҳаракат 80—йиллар охири ва 90—йиллар бошида ҳам кузатилди ҳамда уша даврда ўзбек тилига кириб ўзлашиб қолган сўзларни бошқасига алмаштириш ҳаракати авж олди. Бу ҳаракатнинг ҳам прогрессив, ҳам регрессив томонлари кўзга ташланади:

1. Прогрессив ёндошув туфайли гүрүх, туман, вилоят, дастурлаш, муҳаррир, хайъат, девонхона, девон, вазирлик каби янги бирликлар юзага келди.²⁶
2. Регрессив ёндошув натижасида эса раиони овознигор, транспортни нақлиёт, самолётни тайёра, журнални мажалла, газетани жарида каби сўзлар билан алмаштиришга ҳаракат қилинди, бироқ мазкур лексемалар ўзбек тили луғат таркибидан мустаҳкам ўрин ололмагани боис уларнинг уринишлари зое кетди.

²⁶ Аслида бундай сўзларнинг ўзлари ҳам қачонлардир бошқа тиллардан ўзлаштирилганлигини ёддан чиқармаслик керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир тилнинг луғат бойлигини кўпайтиришда ўзлаштирма сўзларнинг аҳамияти катта. Лекин сўз ўзлаштириш меъёрида, зарурий ҳолатдагина амалга оширилиши зарур. Акс ҳолда тилларнинг ўзига хослиги йўқолиб боради, грамматик структура сақланиб қолган бўлсада, тилнинг тарихий, миллий хусусиятларини ифода қилувчи сўзлар истеъмолдан четлашади. Хатто буюк Алишер Навоийнинг туркий тиллар тозалиги, бойлигини сақлаш борасида қилган сайъи ҳаракатларини биз энди тушуниб етаётганга ўхшаймиз.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, туркий тиллар мутахассислари олдида кўндаланг турган вазифалардан бири тилимизда ҳозирги кунда қанча араб, форс, хитой, рус ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар, қанча соф туркий сўзлар сақланиб қолганлиги таҳлили эҳтироғи бўлиши лозим.

СЎЗ МАЪНОЛАРИ ЎЗГАРИШИ ОРҚАЛИ ЛУҒАТ ТАРКИБИНИНГ БОЙИШИ (BEREICHERUNG DES WORTSCHATZES DURCH BEDEUTUNGSWANDEL)

Ҳар қандай тилнинг луғат таркиби фақат сўз яшаш ва ўзлаштириш орқалигина бойиб бормай, балки тил системасидаги мавжуд сўзларнинг маъно ўзгаришлари орқали ҳам бойиб боради. Ушбу маъно ўзгаришлари жараёни, сўзларнинг маъно «дунёси» билан лексикологиянинг **семантика (Semantik)** бўлими шуғулланади.

Бу термин грекча **semantikos** – номловчи, маъно касб этувчи – **der Bezeichnende, der Bedeutende** маъноларини ифодалаб, сўзнинг контекста боғлиқ бўлмаган, эътироф этилган маъноси билан (**mehrheitlich akzeptierte Bedeutung**) шуғулланади.

Маълумки, баъзи сўзлар бирнеча маъноларга эга, яъни **полисемантик** маъноли сўзлардир. Масалан, олмон ва ўзбек тилларидаги **Flügel** – **қанот** сўзларининг маъноларини таҳлил қилиб кўрайлик.

Лангеншайдт изоҳли луғатида бу сўз маъноларига қуйидагича изоҳ берилган:

Flügel der, 1. einer der zwei bzw. Vier Körperteile bei Vögeln u. Insekten, mit deren Hilfe sie fliegen <ein Vogel schlägt mit den Flügeln; ein Vogel breitet die Flügel aus, legt die Flügel an (= zieht sie an den Körper)> || K-: Flügel-, -schlag || -K: Schmetterlings-. 2. *gespr*, eine der zwei Flächen, die sich seitlich am Rumpf von Flugzeugen befinden (u. die ermöglichen, daß das Flugzeug durch die Luft gleitet) = Tragfläche. || 3. der rechte od. Linke Teil e-s (symmetrischen) Ganzen, das aus zwei od. mehreren Teilen besteht: *die Flügel e-s Altars, e-s Fensters; der*

linke, rechte F. der Nase, Lunge. || K-: Flügel-, -altar, -fenster, -tür|| -K: Altar-, Fenster-, Lungen-, Nasen-.

4. mst Pl; eines der flachen (Metall)Stücke, die sich um das (rotierende) Zentrum e-s mechanischen Geräts bewegen; die Flügel e-s Ventilators, e-r Windmühle, e-r Schiffsschraube || -K: Windmühlen-. 5. der seitliche Teil e-s großen komplexen Gebäudes, der sich an den zentralen Bau anschließt: Im östlichen F. des Krankenhauses ist die Chirurgie untergebracht|| -K: Seiten-. 6. Pol; e-e mst größere Gruppe von Mitgliedern e-r Partei, deren politische Meinung (in einigen Bereichen) von der offiziellen Haltung der Partei abweicht: der linke, rechte F. der SPD||K-: Flügel-, -kämpfe. 7. Sport; der linke od. der rechte vordere Teil e-r Mannschaft.|| K-: Flügel-, -stürmer, 8. Mil; der linke od. rechte äußere Teil e-r aufgestellten Truppe|| D j-m die Flügel hängen lassen gespr, mst hum; deprimiert, traurig sein. Flü-gel der, -s, -; e-e Art großes Klavier, bes für Konzerte, dessen Deckel mst geöffnet wird, wenn man darauf spielt|| -K: Konzert-.

Ўзбек тилидаги қанот сўзининг маънолари 1981 йилда чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қуйидагича берилган:

1. Қуш ва ҳашаротларнинг учиш органи
2. Самолётнинг ердан кўтарилиб ҳавода муаллақ туриш учун хизмат қиладиган қанотсимон ёйиқ қисми
3. Автомобиль, велосипед каби машиналар йилдираги устига лойдан ҳимоя қилиш учун ўрнатилган мослама
4. Эшик, дераза ва ш.к.ларнинг тавақаси
5. Ёйиқ, чўзиқ нарсаларнинг бирор томони ёки чеккаси
6. Зина, кўприк ва ш.к.ларнинг ёнига ўрнатилган тўсиқ; панжара
7. Ҳарбий ёйиқ жойлашган қўшинларнинг, фронтнинг ўнг ёки сўл томони; фланг
8. Кўчма. (сиёс.) Бирор ташкилот ичида энг революцион ёки энг реакцион ғояларни олға сурувчи гуруҳ.
9. Кўчма. Суянчиқ; кўмакчи.

Қуйидаги иборалар маъноларига эътибор беринг:

Қанот бағишламоқ — куч, ғайрат бағишламоқ, далда бермоқ

Қанот ёймоқ, (ўз) **қаноти остига олмоқ**, **қаноти остида сақламоқ** (551 — 552 бетлар)

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, олмон ва ўзбек халқлари бир-биридан анча узоқда жойлашган бўлсада, сўз маънолари кўчиши, ўзганиши жараёни, баъзи ҳолатларни ҳисобга олмаганда, айнан бир хил. Фақатгина Flügel сўзининг фортепиано маъноси ўзбек тилида мавжуд эмас. Шу билан бирга ўзбек тилидаги қанот сўзининг велосипед қаноти, панжара ҳамда кўчма

маънодаги **суянчиқ, кўмакчи, далда** бериш маънолари олмон тилида қайд этилмаган.

Албатта, сўз маъноси ҳамма давр, замонда бир умрга қотиб қолган деб қаралмаслиги керак. Маъно ўзгаришлари табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар билан бир вақтда содир бўлиши турган гап. Натижада янги сўз ва маънолар пайдо бўлади.

Ҳар бир сўзнинг маъно тараққиёти ўзига хос кўринишга эга. Масалан, олмон тилига француз тилидан кириб келган *Fabrik* сўзининг тарихи ҳақида А.Искос, А.Ленковалар қуйидагича ёзадилар: "Das Wort *Fabrik* aus dem frz. *fabricue* hat einen langen Entwicklungsgang durchgemacht; zuerst bedeutete es "Konstruktion", dann — "eine konstruierte Sache", und später als Ergebnis der weiteren Entwicklung der Produktionskräfte und Produktionsverhältnisse, die zur Vereinigung der Arbeit im Produktionsprozeß führten, begann das Wort auch den Ort zu bezeichnen, wo diese Gegenstände erzeugt werden".²⁷

Маъно ўзгаришларининг ўзига хос қизиқ ҳолатини *Manufaktur* сўзи тарихидан кўришимиз мумкин. "Dieses aus dem Lateinischen entlehnte Wort bezeichnete ursprünglich die Tätigkeit mit den Händen (manus — *Hand*, *facere* — *machen, tun*), dann "die Handarbeit, später die *verfertigte Sache*, ferner den Ort, wo diese Handarbeit ausgeführt wurde, und schließlich eine bestimmte Produktionsweise."²⁸

Маъно ўзгариши жараёнига, албатта, энг аввало тилдан ташқари омиллар, яъни экстралингвистик омилларнинг таъсири сезиларли бўлади, шу билан бирга баъзи бир лингвистик омиллар таъсири ҳам кўринади. Масалан, сўз шаклининг ўзгариши, урғусиз бўғиндаги товушларнинг редукцияга учраши аста-секин маъно ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Юқорида таҳлил қилинган *Friedhof* сўзини олиб кўринг, ёки редукция натижасида ўзгарган *Messer. Welt* сўзлари бунга яққол мисолдир.

Тасвир билан ассоциация муносабатида сўз маъноси кенгайиши, маъно структурасида ўзгаришлар юз бериши мумкин. Масалан, Bezeichnung: Tier → Körper des Tieres — Pflanze:

Löwenzahn, Löwenmaul, Hahnenfuß;

Bezeichnung: Tier → Gegenstand: Ameise, Eidechse, Kammbär.

Bezeichnung: Mensch → Mensch, Xantippe <eine böse Frau>, Quisling <Verbrecher>

Mensch — Gegenstand, Abstraktum: Ohm, Röntgen

Маънолар ўзгариши сўзларнинг

²⁷ A. Iskos, A. Lenkova. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960. S. 123

²⁸ A. Iskos, A. Lenkova. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960. S. 123

синонимик муносабатлари, сўз майдони ва қаторларининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, Herrin — Frau — Weib — Dame ва ш.к.

Баъзан сўз шакли сақланган ҳолда ўзгарган маъно ёки янги денотатга эга бўлиши мумкин. Масалан, Tier ҳамда Vieh сўзлари ўз маъноларини ўзгартирган. Tier келиб чиқишига кўра тўрт оёқли ҳайвонни номлаган. Унинг маъно доирасига Vögel, Fische, Würmer кирмаган. Кейинги сўзлар Vieh сўзи орқали умумлашган ҳолда номланган. Tier сўзи маъноси ўзгариши натижасида одам (Mensch) ва ҳайвонни (Tier) қарама қарши қўйишга урғу берилган: Mensch und Tier; tierisch — geistlich, Vernunft — Seele ва ш.к.

Олмон тилида маъно ўзгаришларининг асосан уч хил йўналиши мавжуд.

1. Маънолар кенгайиши (Bedeutungserweiterung)
2. Маънолар торайиши (Bedeutungsverengung)
3. Маънолар кўчиши (Bedeutungsverschiebung, Bedeutungs-
verlagerung, Bedeutungsübertragung)

1. **Тил ва жамият тараққиёти таъсирида баъзи бир сўзларнинг қадимий маънолари кенгайиши мумкин.** Масалан, *Diele* ahd. *Dil(o)* — *Brett*, *Brettwand*, *Brettboden*. Кейинчалик *Vorraum*, *Korridor*, ниҳоят *Zimmer* (*Eisdiele*, *Tanzdiele*) маънолари кенгайиши кузатилмоқда. Ёки *Held* сўзи фақат урушда қаҳрамонлик кўрсатганларга нисбатан ишлатилган бўлса, ҳозир ишлатилаётган сўзлар маъноларини солиштиринг: *heldisch*, *Heldentat*, *heldenhaft*, *Heldentum* ва ш.к. Бу сўз XVII асрдан бошлаб «асарнинг бош қаҳрамони» мазмунида ишлатила бошлади. Рус тили орқали эса бу сўз янги маъно билан олмон тилига кириб келди: *Held der Arbeit*, *Held der Sowjetunion*. Яна бир мисол, *Mütze* қадимда фақат руҳонийларнинг бош ва елкасини ўраб турадиган устибош сифатидагина ишлатилган бўлса, ҳозирда умуман бош кийим маъносига эга.

2. **Маъно торайиши** абсолют маънонинг конкретлашуви, умумий маънонинг яхлит маъно касб этиши асосида рўй беради. Масалан *ledig* сўзи келиб чиқишига кўра *beweglich*, *frei*, *nicht behindert* маъноларига эга бўлган. Ҳозирги кунда эса фақат ўйланмаган. бўйдоқ маъносида ишлатилади. Олмон тилидаги *Hochzeit* сўзи илгари ҳарқандай хурсандчилик, тўй — тантанани ифодалаган бўлса, ҳозирда фақат биргина никоҳ тўйини белгилайди (*Hochzeit, die — mit der Eheschließung verbundenes Fest*).²⁹ Ўзбек тилида эса «тўй» сўзининг маъноси кенгайганлиги диққатга сазовордир.

3. **Маъно кўчиши** қуйидаги йўллар билан амалга ошади:

²⁹ R.Klappenbach, W. Steinitz. Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache. Bn.3, Berlin, 1965, S.1876

1. Метафора (das Metapher)
2. Метонимия die Metonymie)
3. Эвфемизм (Euphemismus)

Метафора сўзи грек тилидан олинган бўлиб, *meta* – *über* ҳамда *phero* – *tragen*, *Übertragung*, яъни кўчириб ўтмоқ маъносини ифодалайди. Бирон предмет ёки ҳодиса номининг форма ҳамда функция ўхшашлиги асосида бошқа предмет ва ҳодисага кўчиши метафора дейилади. Масалан,

Nagelkopf	– <i>Kopf</i> маъносининг кўчиши
Landzunge	– <i>Zunge</i> маъносининг кўчиши
Flaschenhals	– <i>Hals</i> маъносининг кўчиши
Berg Rücken	– <i>Rücken</i> маъносининг кўчиши
Stuhlbein	– <i>Bein</i> маъносининг кўчиши

Бундай маъно кўчишини ўзбек тилидаги метафоралар билан солиштиринг: қопнинг оғзи, қозоннинг қулоғи, кўчанинг боши, столнинг оёғи ва б.

Баъзи ҳайвонлар хусусиятидан келиб чиқиб улар номининг инсонларга кўчирилиши ҳам метафоранинг турларидан биридир. Масалан, *Du bist ja Schwein, du bist ein Hund, dieser Mann ist ein Fuchs. Du – Esel!*

Жонлантириш – персонификация (Personifikation) ҳам метафора турларидан бири бўлиб, бу жонсиз предметларнинг жонлантирилиши орқали ном кўчишидир. Масалан, *die Uhr schlägt, geht*. Персонификация орқали пайдо бўлган баъзи сўзларнинг жуда кўп ва узоқ дарлардан бери ишлатилиб келаётгани туфайли улардаги кўчма маъно баъзан сезилмайди ҳам. Масалан, *seine Augen sprechen, die Stunde ist gekommen, die Jahre gehen*.

Шакл ўхшашлиги асосида ном кўчиши ҳам метафора турларидан биридир. Масалан, *Schlange stehen* – навбатда турмоқ.

Предмет ва ҳодисаларнинг ички хусусияти асосида ном кўчиши орқали метафора ҳосил қилиниши мумкин. Масалан, *hartes Wort, bittere Worte, bitterer Spott, süße Liebe* ва ш.к.

Бундан ташқари синестезия ва аллегорик ном кўчиш натижасида ҳам метафора ҳосил қилинади. Масалан, *süße, seidene Stimme*; Аллегория, яъни символларнинг кўчма маънолари асосида юзага келган метафоралар: *der alte Mann – der Winter, Freund Lenz – der Frühling*.

Метафоранинг поэзияда қўлланилиши айниқса диққатта сазовордир. Лекин лексик метафора билан поэтик метафорани фарқлаш лозим. Ижодкорлар томонидан қўлланган метафоралар стилистика фанининг тадқиқот объекти ҳисобланади. Чунки бундай метафоралар тил луғат таркибидан ўрин олиши учун вақт имтихонидан ўтишлари, тил системасидан ўрин олишлари керак бўлади.

Метонимия сўзи ҳам грек тилидан олинган бўлиб, *meta* — *über*, *опота* — *Name*, яъни ўзгача номлаш, бошқача номлаш демакдир. Масалан, *Schlauporf, die ganze Stadt lachte*. Бу метонимик ном кўчишларида маълум шахснинг характери, аҳоли ўрнида «бутун шаҳар» иборалари пайдо бўлмоқда. Бунда метафора каби шаклан, вазифадошлик асосида ном кўчиши кузатилмайди.

Метонимия предмет ва ҳодисалар ўртасидаги мантиқий боғлиқлик асосида ном кўчишидир.

Метонимия қуйидаги муносабатлар асосида пайдо бўлади:

1. Предмет ва ҳодисанинг ўзаро ҳудудий муносабати асосида ном кўчиши (*Raumverhältnis*). Масалан, *die ganze Klasse, der Westen verbreitet eine Nachricht*.
2. Бутун билан қисм орасидаги мантиқий муносабат асосида ном кўчиши (*pers pro toto* — гр. *Mitverstehen* — *Synekdoche*). Масалан, *Mein Fuß* (anstatt "ich") *betritt nicht diese Schwelle. Die Menge zählte tausende Köpfe*.
3. Муаллиф билан унинг асари ўртасидаги мантиқий муносабат асосида ном кўчиши. Масалан, *ich habe Goethe tausendmal gelesen. Das ist bei Schiller geschrieben*.
4. Идиш билан унинг ичидаги предмет орасидаги муносабат асосида ном кўчиши. Масалан, *er hat schon eine ganze Tasse getrunken. Eine volle Flasche ist getrunken*.

Метонимиянинг яна бошқа қатор турлари ҳам мавжуд. Мисолларга эътибор беринг: *Frauenzimmer, Handelskammer, Mercedes, Damast, Macintosh, Zinger, Boston — Start, Boston — Tanz, Boston — Stoff, Boston — Kartenspiel*.

Маъно ўзгариши воситаларидан яна бири **муболага, гипербола** — *Hyperbel* бўлиб, предмет ва ҳодисанинг белги ва хусусиятини табиий ҳолатга нисбатан кучайтириб, бўрттириб кўрсатиш усулидир. Мисолларга эътибор беринг, олмон ва ўзбек тилидаги муболага қарийб бир хил:

Ich habe Sie eine Ewigkeit nicht gesehen.

Ich habe Ihnen tausendmal gesagt!

Ein Meer von Tränen.

Tausend Grüße und Küsse!

Vor Langeweile sterben, Wolfshunger haben.

Гиперболага қарама-қарши маъно ўзгариш воситаси **кичрайтириш, литота** — *Litotes* бўлиб, предмет ва ҳодисанинг белги ва хусусиятини табиий ҳолатга нисбатан кичрайтириб ифодалаш усулидир. Бу ҳолат ҳам олмон ва ўзбек тилларида қарийб бир хил ифода хусусиятига эга.

Ein paar Menschen.

Zu einer Tasse Tee einladen.

Яна бир мисолга эътибор беринг. Шахмат ўйинидаги барча халқлар тушунадиган «мот» термини ҳам литотага яққол мисолдир. Чунки форс тилидан кириб келган «Шоҳ мот» термини олмон тилида ҳамда бошқа Европа тилларида "Der König ist tot!" мазмунида қўлланилган. XIV асрдан кейингина бу сўзнинг маъноси «юмшаб», ҳозирги маъносини кашф эта бошлаган.

Олмон тилида **ein paar...** литотаси кенг тарқалган. Масалан, *ein paar Worte, ein paar Sachen, ein paar Meter* ва б.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, кичрайтириш орқали маъно ўзгаришлари муболафага нисбатан камроқ ишлатилади. Бошқа сўз ясаш усулларига нисбатан ҳам бу иккала усул кам қўлланади.

Эвфемизм сўзи ҳам грек тилидан олинган бўлиб, *eu – gut, pheme – spreche* маъносига эга. Бу баъзи ҳодисаларни тўғридан – тўғри аташ ўрнига бошқа чиройлироқ, ёқимлироқ ном билан аташ усулидир.

Масалан, олмон тилида *sterben* сўзи ўрнида *entschlummern, ableben, der ewige Schlaf, die ewige Ruhe* сўзлари ишлатилади. Ўзбек ва рус тилларида ҳам эвфемизм ҳодисаси кўп учрайди. Мисолларга эътибор беринг: ўлмоқ – оламдан ўтмоқ, бандачилик қилмоқ, кўз юммоқ, чин дунёга кетмоқ; умереть – закрыть навеки глаза, отправиться к праотцам, уйти в иной мир.

Эвфемизмнинг келиб чиқиши табу билан боғлиқ. Табу полинезия халқлари тилидан олинган бўлиб, баъзи диний, сирли, қўрқинчли табиат ҳодисалари, предметларни ўз номи билан аташни тақиқлаш асосида маъно ўзгаришидир. Масалан, **Gott** сўзини тўғридан – тўғри атамасдан, ўрнига *der Allwissende, der Allmächtige, Er, himmlischer Richter* ва бошқа эвфемизмлар қўлланади. Ўзбек тилида ҳам бундай ном кўчиши ҳодисаси айнан шундай учрайди – Худо сўзи ўрнига Ўзи, Яратганнинг ўзи, Аллоҳ, Холик сўзлари ишлатилади.

Эвфемизмларнинг яна бир тури ижтимоий – ахлоқий эвфемизмлар бўлиб, жамиятдаги этик нормалар билан боғлиқ. Мулоқот жараёнида баъзи бирликлар «юмшатиб» айтилиши кузатилади. Масалан, **stehlen** – *lange Finger haben, Mein und Dein verwechseln, schwanger sein – guter Hoffnung sein, in anderen Umständen sein, schwer zu Fuß sein*. Киноявий тарзда ишлатиладиган қуйидаги бирликларни солиштиринг: *süßer Herr, nette Geschichte, schöne Beschreibung; Ein netter Kerl!, Ein großer Held* ва ш.к.

ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ МАЪНО ПАРАДИГМАСИ (SEMANTISCHE PARADIGMATIK DES WORTSCHATZES)

Юқорида таъкидлаганимиздек луғавий бирликлар ўзига хос системага эга бўлиб, доимо бир – бири билан турли муносабатда бирликлар семантикаси «ёришади», системалашади. Ана шундай

системалашган муносабатлардан бири бирликларнинг маъно парадигмасидир. Анъанага кўра барча тиллар луғавий бирликларининг маъно муносабатларига кўра парадигмаси типлари синонимия, антонимия, омонимия, полисемия ва сўз оилалари деб эътироф этилади.

Синонимия (Synonymie)

Синонимия сўзи грек тилидан олинган бўлиб, *synonymos* – *gleichnamig* – бир хил номлаш маъносига эга.

Синонимлар турли шаклдаги сўзлар бўлса ҳам, улар ифодалаётган тушунчалар бир хил ёки яқин бўлади, яъни бир неча сўзларнинг ўзаро маъно муносабатидан иборат бўлади.

Синонимлар бир маънони ифодаласа ҳам синонимик қатордаги сўзлар маъносида албатта тушунчавий, коннотатив ва стилистик фарқлар мавжуддир. Шунга қарамасдан баъзибир олимлар синоним сўзлар ҳар қандай контекста тўла алмаштирилиши мумкин деб фикр юритадилар. Масалан С.Ульманн бир маъно ва ҳиссиётни ифодаловчи «тоза синонимлар» (*reine Synonyme*)ни фарқлайди.

Теа Шиппан синонимларга куйидагича таъриф беради: "Synonyme sind Wörter, die zu gleicher Zeit in ein- demselben sprachlichen System dieselbe Bedeutung haben. Sie unterscheiden sich durch konnotative Seme, sekundäre begriffliche Merkmale und stilistische Markierung, besitzen gleiche potentielle Valenz: Verehlichung – Eheschließung – Vermählung; Restaurant – Gastwirtschaft – Gasthaus – Kneipe"

Демак, ушбу тил бирликлари мунтазам бир системани ташкил этади. Улар бир хил денотатни ифодаласаларда, ушбу денотат ижтимоий, идеологик ёки эмоционал хусусиятлари томонидан ажратиб ифодаланади. Ушбу нуқтаи назардан олганда синонимларнинг бирликларни эвфемистик қўллаш натижалари билан боғлиқлиги сезилади. Масалан, *sterben* – *entschlafen* – *zur Ruhe gehen*; *Hausmädchen* – *Haushilfe* – *Hausangestellte*.

Л.Шевелёва шундай ёзади: "Synonyme sind also der Lautgestalt nach verschiedene Wörter, die un der Bedeutung mindestens ein zusammenfallendes sem enthalten, wodurch ein zusammenfallendes Merkmal desselben Denotatums abgesondert wird. In manchen Kontexten können synonymische Wörter einander ersetzen, ohne die Bedeutung des Satzes (= des Textes) wesentlich zu verändern".³⁰

Баъзи сўзлар кўп маънога эга. Ҳар бир маънонинг ўзига хос алоҳида синонимик қатори мавжуд. Масалан, *Малл* сўзи уч маънога эга бўлиб, учала маъно ҳам ўз иерархик структурасига эга.

³⁰ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.107

Mann	< männlicher Mensch >	– 1
	< Ehemann >	– 2
	< Mensch >	– 3

Биринчи маъно синонимлари: *Herr* – лекин барча контекстларда ҳам уларни эркин алмаштириб бўлмайди, чунки *Herr* сўзининг ўзи ҳам бирқанча маъноларга эга.

Иккинчи маъно синонимлари: *Gatte, Ehemann, Gemahl*.

Учинчи маъно синонимлари: *Mensch – Leute*.

Бундан ташқари синонимик қатор ҳам мавжудки, бунда бир маънони ифодаловчи бирликлар синонимик гуруҳ ташкил қилади. Масалан, *Deutsch unterrichten – Deutsch geben – Deutsch erteilen – Deutsch bringen – Deutsch lehren*; *komisch – lächerlich – lachhaft – spaßhaft*; *humoristisch – humorvoll – kurios – passierlich – lächerlich*.

Ҳерберт Гёрнер ва Гюнтер Кемпкелар томонидан 1999 йили чоп этилган “*Wörterbuch. Synonyme*” луғатида ҳозирги замон олмон тилида қўланиб келинаётган синоним сўзларнинг луғатшунослик нуқтаи назаридан янгича, тўлиқ намуналари берилган.³¹

Синонимлар таснифи (Klassifikation der Synonyme)

Замонавий лингвистикада синонимлар парадигматик ва синтагматик нуқтаи назардан тасниф қилинади.

1. Парадигматик – синтагматик синонимлар (*paradigmatisch – syntagmatische Synonyme, echte Synonyme*). Буларга абсолют синонимлар (*Auto – Kraftwagen*) ҳамда семантик синонимлар (*tapfer – furchtlos*) киради. Бундай синонимлар тил системасида жуда озчиликни ташкил этади ва аксарият терминларга хосдир. Парадигматик синонимлар турига семантикаси кучайтирилган стилистик синонимлар, масалан, *groß – riesig – kolossal*, эмоционал жилоси кучайтирилган синонимлар *Gesicht – Fratze – Visage* кабилар мансубдир.

2. Синтагматик синонимлар (*syntagmatische Synonyme*) фақат баъзи контекстларда кўринади. Улар ҳақиқий синонимлар эмас. Масалан, *Goethe – Dichter – Verfasser*.

Синонимларнинг анъанавий таснифи (Traditionelle Klassifikation der Synonyme)

1. Идеографик синонимлар (*ideographische Synonyme*). Булар бир хил денотатив маънога эга бўлган сўз ва иборалар бўлиб, лекин маъно бўёғи, нутқда ишлатилиши билан бир – биридан фарқ

³¹ H. Görner, G. Kempcke. Wörterbuch. Synonyme. München, 1999

қилади. Масалан, **Lohn** (иқтисодий термин) – *Lohn der Arbeiter* – *Lohn der Angestellten* – *Honorar* (Lohn der Künstler) – *Sold* (Lohn der Soldaten).

2. **Стилистик синонимлар** (stilistische Synonyme). Бундай синонимлар ўз стилистик жилоси, функционал услублари билан бир-биридан фарқланади. М., *Gesicht* – *Antlitz* – *Fratze* – *Visage*; *sich verheiraten* – *sich verehelichen* – *ein Weib heimführen* – *sich beweiben*.

Ёки олмон тилидаги *Pferd* сўзининг маънолари доирасини кўриб чиқайлик.

Pferd, das: 1. (*Haustier*) *Ross* (*süddt österr schweiz*); *Gaul* (*landsch, auch abwert.*); *Mähre*, *Klepper*, *Schinder*, *Schindmähre* (*abwert*); *Rosinante* (*scherzh.*); *Hotto*, *Hotthü* (*kindersp.*) + *Krippensetzer* – *Krippenbeiser* – *Arbeitspferd* – *Reitpferd* – *Rennpferd* – *Schimmel* – *Rappe* – *Fuchs* – *Falbe* – *Schecke* – *Pony*. ||*dicht. Ross*|| *umg. Kracke* (*landsch abwert*); *auch Fohlen*. 2. *zu Pferde sitzen* – *reiten*; *wie ein Pferd arbeiten, anstrengen, schuften*; *die (jungen) Pferde scheu machen* – *verwirren*; *aufs falsche Pferde setzen* – *irren*; *jmdm. gehen die Pferde durch* – *Beherrschung*.

Қуйида араб тили синонимик имкониятларининг кенглиги ҳақида ҳикоя қилинишича, ўрта аср Бағдод тилшунослик академиясида араб тили фонетикаси тўғрисида мунозара бўлган экан. Олимлардан бири ушбу мунозарада маъруза қилиши лозим бўлган. Қарангки, маърузачи «р» товушини талаффуз қила олмас экан. Шунга қарамасдан олим қарийб бир соат давомида араб тили талаффуз қойдалари тўғрисида маъруза қилган, лекин маърузасида «р» товуши бўлган биронта ҳам сўз ишлатилмаган экан. Бундан хулоса шуки, биринчидан, араб тили синонимларга бой, иккинчидан, олим ҳақиқий тилшунос, учинчидан, нотиклик санъати шу қадар юқори даражага етган.

Лекин синонимларни контекстда хоҳлаганча алмаштириб бўлмаслиги ҳақида машҳур олмон лексикологи Фридрих Дорнзайф ҳазиломуз шундай ёзган эди: "Ein unfähiger Botschafter kommt zu seinem Vorgesetzten zurück. Der Botschafter entschuldigt sich: Ja, die deutsche Sprache ist so schwer, immer bedeuten zwei Wörter das Gleiche: speisen und essen, springen und hupfen, schlagen und hauen, senden und schicken. Darauf sagte der Chef: Das stimmt nicht mit. Eine Volksmenge kann speisen, aber nicht essen, eine Tasse springt, aber hüpft nicht. Die Uhr kann schlagen, aber nicht hauen, und Sie sind ein Gesandter, aber kein Geschickter".³²

3. **Территориал дублетлар (дахжалар) (Territoriale Dubletten)**. Олмон тилининг қўлланилиш кўлами, географик тарқалиши тарихан анча

³² Dornseiff F. Der deutsche Wortschatz synonymisch geordnet. Berlin-Leipzig, 1933, S.12

кенг. Германия ҳамда Австрия мамлакатлари давлат тилларининг шаклланиш жараёни ҳам ўзига хослиги сабабли бу икки мамлакат ва Германия жанубидаги худудларда олмон тилининг территориал дублетлари юзага келган. Масалан, *Sonnabend* олмон адабий тили варианты бўлса, жанубий Германия ва Австрияда *Samstag* сўзи ишлатилади. Шу каби *Mädchen, Apfelsine, Wange, Mütze* шимолий олмон тилида — *Mädel, Orange, Backe, Karpe* жанубий олмон тили шеваларида ишлатилади.

Хулоса қилиб айтганда олмон тили бошқа тиллар каби синонимларга бой. Синонимлар нутқни ранг — баранг жилолантириш, фикр ва ҳиссиётнинг нозик томонларини ифодалашда катта аҳамиятга эга.

Антонимия (Antonymie)

Биз яшаётган дунё муъжизаларга тўла. Ана шундай муъжизалардан бири ақл бовар қилмайдиган даражада доимий қарама — қаршилиқ мавжудлигидир. Ҳар бир предмет ёки ҳодисанинг антиподлари мавжудки, бу албатта тилларда ўз аксини топиши турган гап. Масалан, *Tag und Nacht, alt und jung, reich und arm, groß und klein* ва б.

Тил бирликларининг ўзаро зид маъноларни англатишига кўра гуруҳлашиши ҳодисаси антонимия дейилади. Ушбу сўз ҳам грек тилидан олинган бўлиб, *anti* — *gegen*, *опота* — *Name*, яъни зид маъноли номлар демакдир. Антонимия ҳодисаси барча сўз туркумларига хос. Масалан, *hoch — klein, dumm — klug, nehmen — geben, Erfolg — Mißerfolg, stehen — sitzen, Reichtum — Armut, Himmel — Erde, Hitze — Kälte*.

Антонимлар келиб чиқишига кўра икки гуруҳга ажратилади.

1. Аввалдан зид маънога эга бўлган антонимлар. Буларнинг сони кўп бўлиб, асосан от ва сифатларга хосдир. Масалан, *Wahrheit — Lüge, Leben — Tod, Friden — Krieg, Liebe — Haß, Morgen — Abend, Freund — Feind, trocken — naß, tapfer — feige, hart — weich, fleißig — faul, satt — hungrig, gesund — krank, schwarz — weiß*.
2. Сўз маъноси ўзгариши натижасида пайдо бўлган антонимлар. Масалан, *gut — schlecht, teuer — billig, reich — arm*.
3. Янги сўзлар ясалиши орқали ҳам антонимлар пайдо бўлади. Олмон тилида аффиксация орқали сўз яшаш асносида қатор антонимлар юзага келади. Масалан, *zumachen — aufmachen, zunehmen — abnehmen, aufdecken — zudecken, einpacken — auspacken, einschaffen — ausschaffen* ва бошқалар. Зид маънони ифодаловчи *ent-*, *un-*, *miß* каби

префикслар воситасида ҳам антонимлар пайдо бўлади. Масалан, Glück – Unglück, Geduld – Ungeduld, lieb – unlieb, decken – entdecken, Achtung – Mißachtung, trauen – mißtrauen.

Л.В.Шевелёвнинг таъкидлашича "Die Präfixierung nimmt in der Wortbildung der Antonyme einen großen Platz – ungefähr 40% – ein... Die produktivste Abart im modernen Deutsch ist die affixale Antonymie, die etwa 60% ausmacht... In der deutschen Sprache sind etwa 200 antonymische Wortpaare zu finden".³³

Ўзбек тилида ҳам юқорида кўрсатилган усуллар билан антонимлар ясалиши кенг тарқалган.

Қандай тушунчани ифодалашига қараб антонимлар бир қанча гуруҳларга ажратилади:

Биринчидан, инсон фаолияти ва ҳолатини ифодаловчи антонимлар.

Масалан,	Gesundheit	–	Krankheit
	Jugend	–	Alter
	Stärke	–	Schwäche
	kräftig	–	schwach
	fröhlich	–	traurig

Иккинчидан, хис – ҳаяжонни ифодаловчи антонимлар.

Масалан,	Liebe	–	Haß
	Grobheit	–	Zärtlichkeit
	Freude	–	Traurigkeit
	gut	–	böse

Учинчидан, табиат ҳодисаларини ифодаловчи антонимлар.

Масалан,	Wärme	–	Kühle
	Trockenheit	–	Feuchtigkeit
	aufblühen	–	abblühen

Тўртинчидан, нарса, ҳодисалар сифатини ифодалайдиган антонимлар.

Масалан,	schön	–	häßlich
	gerade	–	krumm
	rein	–	schmutzig
	nützlich	–	schädlich

Бешинчидан, турли вақт тушунчаларини ифодалайдиган антонимлар.

Масалан,	Abend	–	Morgen
	Tag	–	Nacht
	tags	–	nachts
	früh	–	spät
	damals	–	jetzt

³³ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.117

Таъкидаб ўтиш лозимки, антонимик маънога эга бўлган сўзлар бадий адабиётда, оғзаки нутқда кўп ишлатилади. Бунда бир мартали антонимларни лексик антонимлардан фарқлаш лозим. Контекстуал антонимлар стилистика фанининг объектидир. Масалан, «Фауст» дан: "Grau, lieber Freund, ist alle Theorie,
Doch ewig grün des Lebens goldner Baum.

Антонимик муносабатларни янада яққолроқ кўрсатиш мақсадида Ханс – Юрген Гриммнинг³⁴ таниқли луғатшунос Э.Агриколанинг «Немис тили антонимлар луғати» ва В.Мюллернинг 1998 йилда чоп этилган «Қарама – қарши сўзлар луғати» таҳлилига бағишланган тақризини таржимасиз беришни лозим топдик:

Die Antonyme führen (zum Beispiel im Unterschied zu den Synonymen) in der praktischen Lexikographie eher ein Randdasein. So konnten C. und E. Agricola vor gut zwanzig Jahren mit Stolz behaupten, ihr Wörterbuch sei „das erste umfangreiche, spezielle Verzeichnis von Gegensatz-Wortpaaren der deutschen Sprache“. Einer der Gründe für dieses Randdasein von Gegenwart-Wörterbüchern dürfte auch im vergleichsweise geringen Frage- und Informationsbedürfnis der Muttersprachler zu suchen sein: Oft sucht man nach dem treffendsten Wort für das, was man ausdrücken möchte - man greift zu einem Synonymwörterbuch. Wie oft aber sucht man in der Kommunikation nach einem Gegenwart?

Deutlich anders ist die Situation des Lehrers oder des Lerners der Fremdsprache Deutsch: Er bemüht sich den Wortschatz der Fremdsprache in situativen, kontextuellen, aber auch sprachsystematischen Zusammenhängen (zu denen wir vor allem die paradigmatischen Bedeutungsbezeichnungen – damit auch die Antonymie - rechnen) zu vermitteln bzw. sich anzueignen. Diese Rezension will Möglichkeiten und Grenzen des vorliegenden verdienstvollen Buches namentlich mit Blick auf die Erfordernisse des Lehrens und Lernens von Deutsch als Fremdsprache aufzuzeigen versuchen. Müller hat uns mit seiner Bemerkung im Vorwort neugierig gemacht: „Sowohl Deutsch lernenden Ausländern als auch Muttersprachlern kann dieses Antonymenbuch eine Hilfe sein - bei jeweils anderen Fragestellungen und Schwerpunkten.“. Vergleichende Blicke in bereits seit längerem vorliegende Gegenwart-Wörterbücher (vor allem von Agricola und Bulitta) können zusätzliche Eindrücke vermitteln.

Neuartig für deutschsprachige Gegenwart-Wörterbücher ist, daß sich der Vf. vom kumulativen Darstellungsprinzip abwendet, indem er zahlreiche Antonymenpaare durch ein Satz- oder Wortgruppenbeispiel illustriert (Als einzelner ist er ganz unauffällig, aber in der Masse flippt er aus; die alte Regierung vs. die jetzige Regierung) und/oder den Wortpaaren eine semantische Paraphrase beigibt (Altersdichtung: Lileratur, die ein Dichter o. ä. im Alter

³⁴ Hans-Jürgen Grimm. Rezension zum "Gegenwort-Wörterbuch. Ein Kontrastwörterbuch mit Gebrauchshinweisen" von Wolfgang Müller. Verlag Walter de Gruyter, Berlin/New York, 1998

geschrieben hat). Das unterscheidet aus der Sicht unseres Faches das vorliegende Wörterbuch wohlthuend von den früher erschienenen. Häufig beschränkt sich der Vf. jedoch - ähnlich wie seine Vorgänger - nur auf die Zuordnung bestimmter funktionaler Bereiche (*Altflur: Landwirtschaft*). Andere Lexempaare schließlich werden ohne jede Erläuterung nur genannt (*blutiger Anfänger vs. alter Hase*). Die Kriterien, nach denen sich der Vf. für das eine oder andere Ausstattungsverfahren der Lemmata entscheidet, sind nicht immer nachvollziehbar. Lehrer und Lerner des Deutschen als Fremdsprache hätten es sicher begrüßt, wenn - wo immer das möglich ist - jedes Lemma sowohl eine semantische Paraphrase als auch die Zuordnung zu einem funktionalen Bereich als auch (ein) Beispiel (e) für die Verwendung des Wortes enthielte.

Ebenso neuartig - und aus unserer Sicht sehr begrüßenswert - ist das zu Beginn des Wörterbuchteils auf etwa 25 Seiten angebotene Verzeichnis antonymischer Wortbildungsmittel (*ab- vs. an-: abmachen vs. anmachen; abstoßen vs. anziehen*) und antonymischer grammatischer Ausdrucksmittel (*-end <Part. I> vs. -en <Part. II>: einladend vs. eingeladen; end <Part. I> vs. -zu ...end <Gerundivum>: ausbildend vs. auszubildend*).

Der Rezensent begrüßt die Aufnahme vergleichsweise vieler Wortbildungskonstruktionen (vor allem Komposita) in das Wörterbuch: Während z.B., Agricola mit ALT- nur acht Lemmata ansetzt (*altbacken, Altbau, der/die Alte, Alter, altern, altklug, altmodisch, Altphilologe*), bietet Müller (der auf *altklug* verzeichnet) darüber hinaus noch *Altbauwohnung, Altermutter, Altersdichtung, Alterskleid, Alterswerk, Altertum, Altflug, Altflur, Althegeianer, Altmoräne, Altschnee, Altsprachler, altsprachlich u. a.*). Ein solch reichhaltiges Angebot an Wortbildungskonstruktionen hilft dem Fremdsprachler sehr, denn er verfügt ja über lange Zeit hinweg nicht über die (produktive) Wortbildungskompetenz des Muttersprachlers.

Die großzügige drucktechnische Gestaltung (je des Gegenwortpaar wird als selbständiges Lemma angeführt; jede Seite ist zweispaltig angelegt: links steht das Gegenwortpaar, rechts die eingangs beschriebene Ausstattung) macht das Buch sehr benutzerfreundlich. Das hat aber seinen - aus der Sicht des Rezensenten eher bedauerlichen - Preis: Viele bei Agricola oder Bulitta verzeichnete Antonyme bleiben unerwähnt. Dem Wort *normal* ordnet der Vf. nur *unnormal* zu (gefolgt von den Komposita *Normalgröße vs. Lberggröße* und *Normalspur vs. Breitspur, Schmalspur*), während Agricola außerdem noch nennt: *abnorm, anomal, anormal / abweichend, auffällig, sonderbar / zusätzlich, überschüssig, überzählig / außergewöhnlich, außerordentlich, extrem / krankhaft, pervers / irr, verrückt, wahnsinnig / fett* (Schriftart). Auch einige Komposita, die Agricola verzeichnet, verschweigt Müller (*Normal-gewicht vs. Unter-, Lbergewicht; normalhörig vs. schwerhörig; normalsichtig vs. schwach-, kurz-, weit- und übersichtig*). Das Müllersche Wörterbuch verschwendet unseres Erachtens stellenweise Platz, den besser weitere Lemmata einnehmen sollten (z.B. werden bei Berufsbezeichnungen grundsätzlich jeweils zwei Gegenwortpaare angesetzt: *Altphilologe vs. Altphilologin* und (!) *Altphilologin vs. Altphilologe* - hier hätte wohl ein allgemeiner Gebrauchs- hinweis genügt).

Der Rezensent sieht in dem vorliegenden Werk eine sehr willkommene und notwendige Bereicherung des Angebots an Gegenwart-Wörterbüchern der deutschen Sprache. In ihm steckt eine immense lexikographische Arbeit. Der Vf. bemerkt zu Recht: „Dieses Wörterbuch ist auf Grund jahrelanger Sammlungen und Beobachtungen entstanden.“ Und es bietet eine Fülle von Informationen - auch für Lehrende und Lernende des Deutschen als Fremdsprache, was hier nur anhand weniger Problemkreise angedeutet werden konnte. Aber es sollte auch deutlich geworden sein, daß ein Desiderat von Lehrenden und Lernenden des Deutschen als Fremdsprache bestehen bleibt - der Wunsch nach "echten" Lehr- und Lernwörterbüchern, die die (quantitativen und qualitativen) Vorzüge kumulativer und interpretativer Wörterbücher in sich vereinigen.

Полисемия ва омонимия (Polysemie und Homonymie)

Юқорида таъкидланганидек, тил системасидаги кўпчилик сўзлар полисемантик маънога эга. Полисемия термини грек тилидан олинган бўлиб, *poly* – *viel*, *semanticos* – *Bedeutung*, яъни **кўпмаънолилик** демақдир.

Маълумки, ҳар бир сўз маълум предмет, белгининг номи сифатида пайдо бўлади. Бу ном кўпинча бошқа турдаги предмет ва ҳодисага нисбатан қўлланилиб, сўзнинг лексик маъносида ўзгариш содир бўлади, бир маъноли сўз аста-секин кўп маъноли сўзга айланади.

М.Д.Степанова ва И.И.Чернышёвалар семасиологиянинг классик намояндаларидан бири Х.Кронассернинг фикрларидан иқтибос берадилар: "Als Resultat der semasiologischen Prozesse ist die Polysemie der in der heutigen Sprache funktionierenden Wörter zu betrachten: die Anzahl der Wörter, die in den verschiedenen Alltagssprachen wirklich gesprochen und verstanden werden, ist verhältnismäßig klein... Dennoch hat aber der Mensch mit dieser begrenzten Wortzahl die unendliche Vielfalt der unausgesetzt bewegten Innen- und Aussenwelt zu bewältigen".³⁵

В.Шмидтнинг фикрларини қувватлаб М.Д.Степанова ва И.И.Чернышёва яна шундай ёзадилар: "Als eines der Beispiele der mehrdeutigen Wörter nennt W.Schmidt das Verb kommen in 19 Kontexten: mit Hilfe von Ersatzproben ergeben sich folgende "aktuelle Bedeutungen": "sich nähern", nahen; (der Vater kommt, jetzt kommt bald die Station N., das Ende kommt); "sich erstrecken" (ein Weg kam von dem Berge hinab; "gelangen nach" ..., eintreffen" (mein Bruder

³⁵ Kronasser H. Handbuch der Semasiologie. Heidelberg, 1952. Stepanowa M.D., Tschernyschewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975. S.21

kommt nach Leipzig); "erscheinen" (Kommen Sie heute Abend zu der Feier? u.a.)³⁶

Бундай хусусият барча тиллар учун хосдир. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» қўлланмасида биргина «учмоқ» сўзининг қатор маънолари орқали полисемия ҳодисаси яққол мисоллар билан ёритилади.³⁷

Кўп маъноли сўзлар таҳлили омонимлар таҳлили билан боғлиқ. Бу тил ҳодисаларини бир—биридан аниқ ажратиб олиш энгил иш эмас. Шу боисдан бўлса керак кейинги йилларда қатор тилшунослар бу масалага катта эътибор қаратдилар. Кўплаб изланишлар натижасида маълум бўлдики, полисемияда лексик маънолар ўзаро боғлиқ бўлади, бири иккинчисини изоҳлайди, бир маъно иккинчиси воситасида пайдо бўлади.

Омонимларнинг маънолари эса ўзаро боғлиқ бўлмайди. **Номопун** термини грек тилидан олинган бўлиб, *homos* — *gleich*, *опота* — *Name* маъносини беради. Омонимлар бир хил талаффуз қилинадиган, бир хил ёзиладиган тил бирликлари бўлиб, бу бирхиллик асосан фонетик ва график жиҳатдан кўринади. Семантик жиҳатдан эса омонимлар бир—бири билан боғланмаган. Демак омонимлар товуш томондан бир хил, маъно томондан эса ҳар хил тил бирликларидир. Масалан,

Star	a) Singvogel
	b) berühmter, beliebter Darsteller, Singer
	c) Augenkrankheit

Турли тилларда омонимларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

1. Сўз шаклий тенглитига асосланган, ҳам талаффуз, ҳам график, ҳам грамматик шакллари мос келган тўла омонимлар. Масалан, *der Nagel* — миҳ, *der Nagel* — тирноқ, *klappen* — тақиллатмоқ, *klappen* — яхши муносабатда бўлмоқ, *die Schnur* — шнур, арқон, *die Schnur* — келин. Ўзбек тилидаги қовоқ, сузмоқ сўзларининг маъноларини солиштиринг.
2. **Омофонлар**, яъни талаффузи қарийб бир хил, ёзилиши турлича бўлган тил бирликлари. Масалан, *Meer* — *mehr*, *Bund* — *bunt*.
3. **Омографлар**, яъни талаффузи бир хил, грамматик жиҳатдан турлича бўлган тил бирликлари. Масалан, *der Band* — *das Band*, *der Flur* — *die Flur*, *der Tor* — *das Tor*, *der Leiter* — *die Leiter*.

³⁶ Schmidt W. Lexikologie und aktuelle Bedeutung. Berlin, 1963. S.36-43. Stepanowa M.D., Tschernyschewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975. S.21

³⁷ У.Турсунов ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1965, 125—б.

Leiter (f) – (Stiege, Treppe) (mhd. leiter: ei>ei [ai])

Leiter (m) – (Führer) (mhd. liten > nhd. Leiten [ai])

Баъзи омонимлар лексик – грамматик нуқтаи назардан ҳам фарқланади. Масалан, führen (Prät.Konj.) – führen (Infinitiv)
Fall (Substantiv) – fall! (Imperativ)
Bogen(Substantiv) – bogen (Prät. von biegen)

Олмон тилидаги омонимларни фарқлашда тил бирликларининг роди катта аҳамиятга эга. Масалан,

der Band – das Band

der Leiter – die Leiter

der Kiefer – die Kiefer

der Gehalt – das Gehalt

Баъзида омонимлар этимологик жиҳатдан бир – бири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан,

der Band (das Buch) – das Band (Gewerbestreifen)

der Bund (Bündnis) – das Bund (Bündel)

der Flur (Diele) – die Flur (Feld)

der Kunde (Käufer) – die Kunde (Nachricht)

Этимологик жиҳатдан омонимлар бир – бирига боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан,

der Kiefer <Teil des Gesichts>

die Kiefer <Nadelbaum>

der Alp <Traum>

die Alp <Bergweite>

der Harz <Berg in Deutschland>

das Harz <Baumabsonderung>

Омонимлар баъзан турли сўз туркумларига таалуқли бўлиши ҳам мумкин. Масалан, übersetzen – das Übersetzen, tief – die Tiefe, tags/nachts – der Tag, die Nacht, dank – der Dank u.a.

Умуман олганда полисемияда бирдан ортиқ маънони англатувчи бир сўз ҳақида гап юритилса, омонимияда шаклан тенг келадиган бирдан ортиқ сўз ҳақида гап кетади.

Нутқ жараёнида омонимия турли тилларда турли мақсадларда қўлланилиши ҳақида У.Турсунов шундай ёзади: «... омонимиядан махсус поэтик жанр – туюқ тузишда кенг фойдаланилади. Маълумки, туюқ халқ оғзаки ижодида ҳам, классик ва ҳозирги адабиётда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Аския ҳам омонимиядан жуда усталик билан фойдаланишни талаб қиладиган жанрдир».³⁸

³⁸ У.Турсунов ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1965, 148 – б.

СЎЗ БОЙЛИГИ ТАХЛИЛИДА МАЙДОН НАЗАРИЯСИ (DIE FELDTHEORIE BEI DER WORTSCHATZERFORSCHUNG)

Юқорида таъкидлаганимиздек, тилнинг лексик системаси турли принциплар асосида турли синф ҳамда категорияларга бўлиниши мумкин. Ушбу ҳолатлар тил системаси ёндош системалардан ташкил топганигининг яққол исботидир. Шу билан бирга сўз бойлигини анъанавий тарзда синоним ва антоним, полисемия ва омонимия ҳодисалари воситасида ўрганиш биринчи навбатда амалий аҳамиятга эга бўлсада, сўзларнинг бир-бирига боғланиш йўллари, тил элементларининг системалашганлигини тўла очиб бера олмайди. Шу сабабли сўзларни соф семантик принцип асосида тасниф қилиш катта илмий аҳамиятга эгадир. Албатта, бу йўл осон йўл эмас.

Бу масалага биринчилардан бўлиб Л.Ельмслев³⁹ алоҳида эътибор қаратган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида тилдаги катта лексик группаларни тематик принцип асосида бўлиш ғояси юзага келди. Бу ғояни олдинга сурган ва ривожлантирган олимлардан В.Вартбург, З.Трир ҳамда Ф.Дорнзайфларнинг ишлари катта аҳамиятга эга.⁴⁰

Тил луғат бойлигини семантик нуқтаи назардан системалаштиришга бўлган ҳаракат янги махсус сўз тахлили йўналишларини юзага келтирди. Улардан бири муносабат назариясидир (Beziehungstheorie). Бу ҳақда М.Д.Степанова ва И.И.Чернышёва ёзадилар: "Diese Theorie charakterisiert gleichzeitig so unterschiedliche Schulen wie die kopenhagenerische Glossematik, den Neohumboldtianismus in der BRD und den amerikanischen Deskriptivismus. Bezeichnend für die Beziehungstheorie ist die Aussage von L.Hjelmslev, daß das Ganze nicht aus Dingen, sondern aus Beziehungen besteht, (таъкид бизники) daß nicht die Substanz, sondern nur ihre inneren und äusseren Beziehungen wissenschaftlich Existenz haben. Eine spezifische Entwicklung findet die Theorie der lexikalischen Korrelationen bei den Vertretern des Neohumboldtianismus in der BRD, in erster Linie in den Arbeiten von L.Weisgerber, der sein "Gesetz des Feldes", sowohl mit dem Begriff der "geistigen Zwischenwelt" als auch mit dem Begriff "des Geistes der Muttersprache" verknüpft".⁴¹

³⁹ Ельмслев Л. Можно ли считать, что значение слов образуют структуру? - Новое в лингвистике. М., 1962. вып. 2, стр.134

⁴⁰ Wartburg W. Einführung in die Problematik und Methodik der Sprachwissenschaft. Halle/Saale, 1943. Teil: Das Wort und seine Umwelt; Trier S. Der deutsche Wortschatz im Sinnbezirke des Verstandes. Die Geschichte eines sprachlichen Feldes. Heidelberg, 1931; Dornseiff F. Der deutsche Wortschatz synonymisch geordnet. Berlin/Leipzig, 1933

⁴¹ Stepanowa M.D., Tschernyschewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М., 1975. S.26

А.Вайсбергернинг «тил майдони» (sprachliches Feld) гоёси маълум миқдорда З.Трирнинг «семантик майдон» гоёсига мос келади ҳамда маълум мономайдонларни қошлайди. Кенг қамровли изланишлар натижасида «сўз майдони» (Wortfeld), «семантик майдон» (semantisches Feld) тушунчаларига қуйидагича таъриф берилди:

1. Майдон ташкил қилишда иштирок этаётган сўзлар бир системага таалуқли бўлиши лозим.
2. Барча сўзлар бир хил сўз туркумига (Wortklasse) таалуқли бўлиши лозим.
3. Ҳар қандай сўз бир луғавий маънога эга бўлиши лозим, чунки ўша маъно билан гуруҳдаги камида битта сўз маъноси бир хил хусусиятга эга бўлиши керак.

Масалан, олмон тилидаги ҳаракатни ифодаловчи феълларни олайлик: gehen, wandern, steigen, laufen. Биринчидан, бу сўзлар олмон тилига таалуқли. Иккинчидан, бу сўзларнинг барчаси бир категорияга мансуб. Учинчидан, улардаги умумий хусусият бир маънони – одамнинг оёқ ёрдамида ҳаракатланишини ифодалайди.

Яна бир мисолни кўрайлик: sprechen феълени архилексема сифатида олсак, қуйидаги майдон кўринишига эга бўламиз:

Oberbegriff: (асосий тушунча)

Menschliche Eigenschaft – Lautäußerung – dient der Kommunikation

sprechen (Archilexem)

laut	heiter	entspannt	leise	undeutlich	abgehackt	neutrale
				artikuliert	stottern	Lautstärke

Қуйидаги сўз майдонларини ўзбек тилидаги муқобил вариантлар билан таққослаб кўринг:

lachen, weinen:

brüllen, flennen, grinsen, heulen, jammern,

jauchzen, jaulen, jubeln, juchzen, kichern,

klagen, kreischen, lächeln, lachen, losplatzen,

plärren, scherzen, schluchzen, schmunzeln,

schreien, sich kugeln, strahlen, weinen, wiehern,

wimmern, winseln...

essen, trinken:

essen, fressen, futtern, knabbern, kosten,
mampfen, nippen, saufen, schmausen,
schnaubulieren, sich einverleiben, spachteln,
speisen, trinken, vertilhen, verzehren, ausstülpen...

Майдон назарияси буйича Ф.Дорнзайфнинг қарашларига
Лейпциг университети Германистика институти профессори
Райнер Кёслинг шундай муносабат изҳор қилади:⁴²

Der neue Dornseiff. Forscher überarbeitet Lexikon

Die Rede ist hier von Franz Dornseiffs "Deutschem Wortschatz nach Sachgruppen". Dornseiff (1888–1960) lehrte von 1948 bis 1960 an der Universität Leipzig als Ordinarius für klassische Philologie. Unter seinen zahlreichen Arbeiten fanden jene über das Alphabet in Mystik und Magie, über den Stil des griechischen Lyrikers Pindar sowie seine Pindarübersetzung besondere Beachtung; die weiteste Verbreitung jedoch erfuhr das Wörterbuch "Der deutsche Wortschatz nach Sachgruppen". 1934 erschien es zuerst im Druck, und bis 1970 folgten sieben, z.T. neu bearbeitete Auflagen. Wer immer sich sprachlich präziser Darstellungsweise befleißigte, dem diente es bei der Suche nach dem rechten Wort, der treffenden Wendung als ein reichhaltiges Repertorium.

Seit kurzem liegt nunmehr – auch sie erschienen bei Walter de Gruyter – die "8., völlig neu bearbeitete und mit einem vollständigen alphabetischen Zugriffsregister versehene Auflage von Uwe Quasthoff" vor. "Mit einer lexikographisch–historischen Einführung und einer ausgewählten Bibliographie zur Lexikographie und Onomasiologie von Herbert Ernst Wiegand". Der Leipziger PD Dr. Uwe Quasthoff stützte sich bei seiner Arbeit auf Daten des Projekts Deutscher Wortschatz, die in der Abteilung Automatische Sprachverarbeitung am Institut für Informatik der Universität Leipzig gesammelt und geordnet werden. Aus einem alltags – wie fachsprachliche Texte erfassenden Korpus von rund 230 Millionen laufenden Wörtern wählte er jene aus, die mindestens 20–mal darin erschienen (Sondersprachen etc. fanden dabei jedoch nur bedingt Berücksichtigung), und ordnete sie den betreffenden Sachgruppen zu. Das Buch enthält rund 90000 Einträge, 970 Sachgruppen sind durch Querweise miteinander verbunden, in 22 Hauptgruppen zusammengefaßt, deren inhaltliches Spektrum gegenüber den früheren Ausgaben weiter gespannt und aktualisiert wurde und sich von "Natur und Umwelt", "Leben", "Wesen,

⁴² R.Köstling. Der neue Dornseiff. Forscher überarbeitet Lexikon. Universitätsheft. Leipzig, 2004

Beziehung, Geschehnis" über "Fühlen, Affekte, Charaktereigenschaften" zu "Wissenschaft", "Essen und Trinken", "Sport und Freizeit", "Gesellschaft" sowie "Religion und Übersinnliches" u.a. erstreckt.

Dem Sachgruppenteil stehen drei Beiträge voran, die jeweils gleichsam konzentrisch auf das Werk ausgereichtet sind: Der Heidelberger Linguist Prof. Dr. Wiegand beurteilt in seinen gewichtigen Ausführungen den Dornseiff kritisch unter wissenschaftsgeschichtlichem Aspekt, um dann im Hinblick auf Funktion und Möglichkeiten der Neuausgabe generell festzustellen: "Moderne Sachgruppenlexikographie ist Lexikographie für Gebildete, die das, was sie suchen, längst kennen, und etwas, was sie nicht suchen, dabei entdecken und nutzen können" (S.61f.). In seiner "Methodologischen Einführung" beschreibt Quasthoff das Verfahren der Neubearbeitung sowie die Anlage der Sachgruppen und Artikel. Beide Autoren verdeutlichen in einem dritten Teil, direkt an die Leser gewandt, die weitreichenden Möglichkeiten zu einer effektiven Nutzung des neuen Dornseiff.

Als ein Beispiel sei hier kurz die Sachgruppe "11.29. Verstehen" (S.203) vorgestellt: Darin werden zunächst Interjektionen ("ach so! aha! in Ordnung!") verzeichnet, darauf folgen die einschlägigen Substantive ("Verständnis, Einsicht, Vernunft, Deuter" etc.) und Adjektive ("aufschlußreich, ergiebig, lehrreich" usw.), schließlich eine größere Anzahl Verben ("verstehen, dämmern, eingehen,; begreifen, durchblicken, erfassen, kapieren; klar sehen, begeistert mitgehen" u.a.).

Neben den verschiedenen semantischen Akzentuierungen werden dabei ebenfalls die stilistischen Differenzierungen deutlich. Querverweise auf sechs andere Wortgruppen erweitern die Zugriffsmöglichkeiten.

Mit der reichen Fülle des zugrunde liegenden Wortmaterials, mit dessen sorgfältiger und differenzierter begrifflicher Zuordnung, sowie dank seines vollständigen Zugriffsregisters, besitzt der neue Dornseiff alle Vorzüge eines modernen umfassenden Nachschlagwerkes. Sie werden durch wissenschaftliche Darlegungen und eine respektable Bibliographie vermehrt. Zahlreiche Linguisten haben das Projekt unterschützt. Ihnen allen, dem Verlag, vor allem jedoch dem Bearbeiter gebühren dafür Anerkennung und Dank.

ЛУФАТ ТАРКИБИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ (DIE DIFFERENZIERUNG DES WORTSCHATZES)

Ҳар қандай тилининг луфавий бирлиги доимий қаракатдаги, очиқ системадир. Ўзгаришлар фақатгина баъзи сўзларнинг маъно структураси, маъно ҳажми доирасидагина амалга ошмай, балки

баъзи сўзларнинг эскириши, истеъмодан чиқиши, янги сўзлар ясалиши, чет тилларидан сўз ўзлаштирилиши, маълум соҳа лексикасининг умумлуғавий бирликларни бойитиб бориши орқали ҳам амалга ошади. Ушбу нуқтаи назардан ҳар бир тилнинг луғат таркиби территориал ва социал жиҳатдан дифференциацияланади.

Ҳозирги замон олмон тили ҳам бу борада четда қолмайди. Мекленбургда айtilган сўз Саксонияда ёки Баварияда ўзгача жаранглайди. Шунинг учун ҳам расмий ва шахсий мулоқот, кундалик муомала, илмий соҳада қўлланиладиган лексемалар кўлами турлича бўлиши табиий.

Таниқли олмон тилшуноси Р.Гроссе олмон тилини территориал, социалингвистик ҳамда стилистик нуқтаи назардан қуйидагича изоҳлайди:⁴³

№	Erscheinungsweise (Funktion)	räumlich	soziologisch (historisch)	stilistisch
	Erscheinungsform			
I	Schriftsprache	Einheitssprache Gemeinsprache	Hochsprache	Kultursprache Standartsprache
II	Umgangssprache oder Halbmundart	Landschaftssprache	(Stadtsprache)	Verkehrssprache -----
III	Mundart	Ortssprache	(Volkssprache)	Alltagssprache ----- Haussprache

Барча олмон халқи учун қабул қилинган (allgemeingültig) олмон тили кўриниши **Schriftsprache** деб юритилади. Ушбу термин фақат ёзма олмон тили кўринишигагина эмас, балки оғзаки тилга нисбатан ҳам қўлланилади. Дарвоқе, адабий тилнинг шаклланиш тарихида ёзувдаги бирлаштирувчи анъанавий хусусият оғзаки тилни ҳам ягона норма атрофида мувофиқлаштиради. Ёзма тил ижтимоий нуқтаи назардан олганда тилнинг нормалаштирилган шакли бўлиб, оғзаки кўринишда саҳнада, кино ва театр, расмий музокараларда қўлланилади. Ёзма кўринишда эса бадиий ва илмий адабиёт, оммавий ахборот воситалари, расмий ҳужжатларда ишлатилади. Иккала ҳолатда ҳам ёзма тил нормасига амал қилиш талаб этилади. Тил нормасининг реализация қилиниши (*Realisierung der Sprachnorm*) олмон тилида **Hochsprache** деб юритилади. Бу баъзи ҳудудий бўёқларга эга бўлмаган, маданий функция бажарувчи

⁴³ Große R. Sprachsoziologische Schichtung im Wortschatz // Deutsch als Fremdsprache, 6, 1972. S.327
 Схема Степанова М.Д., Тшчернышевца И.И. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М., 1975. китобидан олинди. 173—6.

(Kultursprache) амалдаги ёзма тил бўлиб, баъзан стандарт тил деб ҳам юритилади.

Шундай қилиб, умумхалқ тили (*Gemeinsprache*) территориал ва маҳаллий тилдан фарқ қилиб, барча олмон халқи учун ягона ва умумий бўлган луғавий бирликларни ўз ичига олади, олмон тилида гаплашувчи барча ҳудудлар учун умумий тилдир.

Умумхалқ тилининг баъзибир ўзига хос кўриниш ҳамда чегарага эга бўлган яна бир хусусияти мавжуд. Бу кундалик мулоқот тили (*Umgangssprache*) бўлиб, умумхалқ тили билан территориал, маҳаллий тил/оралиғидаги кўринишга эга ҳамда мулоқот воситаси (*Verständigungsmittel*) сифатида шаклланган бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эгадир:

1. Аксарият оғзаки мулоқотда қўлланилади.
2. Мулоқот иштирокчилари конкрет бўлади.
3. Территориал лексиканинг қўлланиши чегараланган.
4. Ушбу тил услуби ўта субъектив ҳамда тайёргарликсиз амалга ошади.
5. Мантиқий нуқтаи назардан фикр ифодалаш структураси ўта жиддий шаклланмаган, камчиликлардан холи эмас.
6. Грамматик нуқтаи назардан гап тугалланган бўлиши шарт эмас ва фикр экстралингвистик факторлар воситасида тўлдирилади.

Кундалик мулоқот тили масалалари олмон тилшунослари томонидан фақатгина илмий нуқтаи назардангина эмас, амалий — лексикографик жиҳатдан ҳам ўрганилмоқда. Бу борада Ҳ.Купшпернинг уч томли "Wörterbuch der deutschen Umgangssprache" луғатини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу луғатда 20000 дан ортиқ сўз ва ибораларнинг лексик, фонетик, морфологик ҳамда стилистик хусусиятлари изоҳланган. Масалан, *arbeiten wie ein Pferd, brüllen wie ein Stier, Geld wie Heu*.

Умуман олганда олмон тили луғавий бирликлари қуйидагича тақсимланади:

1. Германиянинг бутун территориясида яшовчи ҳамда олмон тилида гаплашувчи шахсларга тушунарли ва улар томонидан қўлланадиган сўз ва иборалар.
2. Баъзи территория ҳамда ижтимоий гуруҳлар орасида қўлланадиган сўз ва иборалар.
3. Баъзи конкрет территориядагина қўлланадиган сўз ва иборалар (*landschaftlich beschränkte Lexik*).

Олмон миллий адабий тилининг шаклланишида Мартин Лютер томонидан амалга оширилган Инжил таржимаси ҳам катта роль ўйнаган.

Олмон миллий тилининг асосини ўрта Шарқ диалектлари ташкил этади (*ostmitteldeutsche Dialekte — Obersächsisch und*

Ostthüringisch). Бу вариант XVI—XVII асрларда жанубий ва шимолий—ғарбий ҳудудларга тарқалди ҳамда секин—аста шеваларга кириб борди. Миллий тил доимо диалектлар лексикаси билан муштарак ривожланган ҳамда бир—бирига ўзаро таъсири сезиларли бўлган. Ушбу мураккаб ҳодиса олмон тилшунослигида турлича номланади. Адабий тил тушунчаси эса қуйидаги атамалар орқали ифодаланади:

Hochsprache
Schriftsprache
Gemeinsprache
Nationalsprache
Einheitssprache
Kultursprache
Literatursprache
Standardsprache

Кундалик мулоқот тили тушунчаси қуйидаги терминлар орқали ифодаланади:

Umgangssprache
Alltagssprache
Landschaftssprache
Konversationssprache
Stadtsprache

Диалектлар қуйидаги терминлар билан ифодаланади:

Mundart
Dialekt
Volkssprache
Halbdialekt
Stadtmundart
Verkehrsdialekt

Олмон тили диалектлари (Die deutschen Mundarten)

Олмон тилида бошқа тиллардаги каби бирқанча диалектлар мавжуд бўлиб, маълум территорияда яшовчи халқлар тилининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Диалектизмлар адабий тил луғат таркибига кирмаган сўз ва иборалардир.

Сўнги ярим аср давомида олиб борилган тадқиқотлар натижаси ўлароқ олмон тилининг қуйидаги диалектлари фарқланади:

I. Шимолий олмон тили диалектлари (die norddeutsche Dialekte):

- a) Niederfränkisch, Niederländisch, Flämisches
- b) Niedersächsisch (Plattdeutsch)

II. Ҳрта олмон тили диалектлари (Mitteldeutsch, hochdeutsche

Дialekte):

- a) Ostmitteldeutsch (Obersächsisch, Thüringisch)
- b) Westmitteldeutsch (Mittel – und Rheinfränkisch)

III. Юқори олмон тили диалектлари (Oberdeutsche Dialekte):

- a) Nord – und Südbayrisch, Oberpfälzisch, Österreichisch)
- b) Allemannisch (Schwäbisch, Niderallemanisch – Elsässisch, Hochallemanisch – Schweizer Deutsch)
- c) Süd – und Ostfränkisch und Südthüringisch.

Диалектизмлар асосан оғзаки нутқда ишлатилади, ёзувда эса ўзига хос структура ва қонуниятлар мавжуд.

Германиянинг барча ҳудудларида герман қабилаларининг ўзига хос шевалари сақланиб қолган. Диалектизмлар мулоқотнинг эмоционал ва ифодали шаклланиши учун хизмат қиладиган воситалардир. Масалан, бирликда ишлатиладиган отларнинг шевада кўпликда ишлатилиши бунга мисол бўла олади. Die Eiche ist ein schöner Baum – dialekt. Eichen sind schöne Bäume; er hat blondes Haar – dialekt. Er hat blonde Haare.

Аксарият шеваларда негатив маънога эга бўлган эмоционал сўзлар майдони кенгроқ бўлади. Масалан, schimpfen, stehlen, lügen, betrügen, streiten, verrückt sein, betrunken sein u.a. Биргина Берлин шевасида betrügen феълининг қуйидаги маъно вариантлари кузатилади: beschummeln, beluxen, beschnupsen, bemogeln, besimpeln, hochnehmen, einseifen, blaßmieren, lackmieren, lakieren, zudecken, balbieren.⁴⁴ "In der Altenburger Mundart – дуб ёзади Л.В.Шевелёва, – gibt es folgende Synonyme für "das Geld verschwenden": verhauen, verjubeln, verpulvern, vermöbeln, verjuxen, versilbern, versumsen, vertobsen, verputzen u.a. In der Nassauer Mundart nennt F.Stroh 23 Wörter für tadeln. 40 – für züchtigen (bestrafen), 17 – für betrügen, 10 – für sich betrinken. In einigen schweizer – deutschen Mundarten gibt es etwa 1600 Ausdrücke für den Begriff Frau".⁴⁵

Шевалар асосан феъл сўз туркумига бой бўлади. Масалан, Рейн шевасида gehen ёки laufen феълларининг маъноси 100 га яқин диалектал сўзлар билан ифодаланadi: den tragen, schlendernden, nachlässigen Gang; das müßige, linkende, steife, plumpe, watschende, schleidende, zappelnde, tänzelnde Gehen.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, олмон тили шевалари бир – биридан фонетик, лексик, баъзида грамматик томондан сезиларли

⁴⁴ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.130

⁴⁵ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.130

даражада фарқ қилади. Барбара Вотякнинг қуйидаги мисолларни диалектал формалар исботи тарзида келтирамиз:

"Heinrich, geh vom Bürgersteig, da kommt eine Dame" гапи турли диалектларда қандай берилишига эътибор беринг:

Hein, jon vom Trottoir eraaf, do kött en Madam — *Kölsch* (Köln)

Henner, gehe ma vom Drotteware, es kimmet ne Dame — *Kasseler Dialekt* (Kassel)

Heinrich, geh vom Bojersteisch eronner, do kemmt e Dame — *Rheinfränkisch* (Saarland)

Heiri, gang vom Trottoir ahe, es chont e Frau — *Schweizerdeutsch* (Aargau)

Ehj, Heinrich, jeh vom Bürjerschteich runta, da kommt Eene — *Berlinerisch*

A her Heinrich her, paß' ä mol uff, da kommdt e Fra, gesche mol Bürgersteh runner — *Badisch*

Hinneck, ga vonn Bürgersteig, dor kumt ne Frow — *Plattdeutsch* (Emsland)

Heine, gang ronder vom Trottwar, da kommdt a Froau — *Schwäbisch*

Heiner, geh na a wengla auf d'Seidn, do kummt a feins Madla — *Fränkisch*

Heini, geh vom Trottoir oba, do kimmt a Dame — *Oberbeyerisch*

Heini, jan van der Bordsting eronge, do kött en Madam — *Utscher* (Aachen)

Heinrich, mache dich vom Fußwäsch, da vorne gommd äne Dame — *Sächsisch*

Луғавий бирликларнинг социал дифференциацияси
Махсус лексика
Soziale Differenzierung des Wortschatzes
Sonderlexik

Модомики тил ижтимоий ҳодиса экан, жамиятда содир бўлган ҳар қандай воқеа ва янгиликлар тилда ўз инъикосини топади. Ҳар қандай жамият турли ижтимоий қатламлардан ташкил топади. Ушбу қатламлар турли соҳалар, маълум касб—кор доирасида бирлашган бўлиб, тарихан ўз қизиқишлари асосида махсус тилларини шакллантирганлар. Натижада ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос ва мос лексикаси, сўз ва иборалари юзага келган.

Ҳозирги замон олмон тилида ҳам тарихий шакланган бир қатор тил қатламлари мавжуд. Масалан, *Jägersprache*, *Buchdruckersprache*, *Ackerbauersprache*, *Bergmannssprache*, *Kaufmannssprache*, *Kanzleisprache*, *Soldatensprache*, *Gaunersprache*, хаттоки ёзувчилар, эркаклар ва аёллар тили қатламлари мавжуд.

Ушбу социал гуруҳлар лексикасини умумтил луғавий бирликлари билан қиёсланганда уларнинг қўлланиш доираси ҳамда кўлами яққол намоён бўлади. Бу лексика ёзма шаклда фан, техника, махсус адабиёт соҳаларида, баъзан стилистик мақсадларда қўлланилади. Олмон тилининг социал қатламларини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий изланишлар мавжуд.⁴⁶

Германистикада анъанага кўра махсус лексик қатламлар асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

Терминлар (Fachlexik)

Термин (атама) маълум фан, ижтимоий соҳалар ёки техник бирлик тушунчасини ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир. Термин тушунчани аниқ, лўнда ифодалаш зарур. Терминларнинг қўлланиш кўлами жуда кенг бўлиб, тиббиёт, техника, металлургия, космонавтика, информатика, лингвистика, фармацевтика, сиёсат, спорт, маданият ва бошқа соҳаларнинг ўзига хос атамалари мавжуд. Баъзи маълумотларга кўра ҳозирги замон терминлар системаси **бир миллиондан** ортиқ бирликдан иборат. Биргина 1935—1955 йиллар оралиғида терминлар сони 25 мингдан 50 минг бирликка кўпайган. Айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли соҳа терминлари илм—фан ривожини натижасида сезиларли даражада кўпайди.

Терминларнинг асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Терминлар фақат изоҳлаш орқали тушунтирилади.
2. Терминлар баъзи бир назариялардан келиб чиқиб, атамалар элементи сифатида мавжуд бўлади.
3. Терминлар маъноси юқори даражада абстракцияга яқинлашади.
4. Одатда терминлар бир маъноли бўлиб, баъзида синонимик терминлар учраб туради.
5. Терминлар стилистик нуқтаи назардан нейтраль, эмоционал—экспрессив бўёқ ҳамда коннотатив маънога эга эмас. Лекин сиёсий, фалсафий, диний атамаларнинг баъзилари, баъзи саноат атамалари стилистик мақсадларда қўлланиши мумкин.

Умуман олганда терминлар системаси умумлуғавий бирликлар системаси таркибида тез ўзгаришга учрайдиган системадир. Бу жамият ривожини билан узвий боғлиқ ҳолдир.

⁴⁶ Kluge F. Rotwelsch. Quellen und Wortschatz der Gaunersprache und der verwandten Gemein- und Berufssprachen. Leipzig, 1919; Behagel O. Die deutsche Sprache. Halle/Saale, 1954; Stepanowa M.D., Tschernischewa J.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975. A.Iskova, A.Lenkova. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960.

Буни XX асрнинг 80—90—йилларидаги ўзбек халқи ҳаётида содир бўлган ҳодисалар мисолида кўришимиз мумкин.

Мустақиллик шарофати билан дунёга танилишимиз терминология соҳасида ҳам туб ислохотларнинг содир бўлишига олиб келди. Авваллари фақат рус тили воситасида бойиган ўзбек терминологияси ўзининг ички ва ташқи имкониятлари асосида ривожлана бошлади.

Биргина спорт соҳасини олиб кўрайлик: фристайл, триатлон, корт каби атамаларнинг фаоллашуви, ўзбек кураши билан боғлиқ ҳолда чала, ҳалол, дакки, таңбех сингари лексемаларнинг бошқа тилларга кириб боришини биз тасаввур ҳам қилмаган эдик. Ўзбек тили фақат олувчи эмас, балки термин узатувчи тилга ҳам айланиш босқичини бошдан кечирмоқда.

Атамалар умумтил луғавий бирликлари ҳамда чет тилидан ўзлаштирилган бирликлар воситасида юзага келади. Масалан, олмон тилининг сўз ясаш имкониятлар воситасида юзага келган атамаларни кўриб чиқинг: Fernsehen, Landung, Getriebe, Vergaser, Scheibe, Rahmen u.a. Олмон тилида қисқартма сўзлар воситасида атамалар ясаш кенг тарқалган: Akku, E—Lock, Radar, U—Bahn; Баъзан тушунчани аниқроқ ифодалаш мақсадида қўшма сўзлар воситасида терминлар ҳосил қилинади: die Kaltwasserheilstalt, Datenverarbeitungsmaschine.

Ҳозирги кунда жаҳонда фан ва техниканинг мислсиз ривожини натижасида янги—янги терминлар юзага келмоқда, тиллардан тилларга ўзлашмоқда, халқаро характерга эга бўлмоқда. Терминларнинг аксарият қисми латин ва грек тиллари асосида ясалган бўлса ҳам, давр тақозоси билан инглиз ва рус тиллари асосида ясалган терминлар интернационал характерга эга бўлмоқда. Масалан, Sputnik, Lunochod, Trägerakete, Internet, Summit ва ҳк.

Олмон тилида ҳам интернационал атамаларнинг салмоғи катта:

1. Фалсафий атамалар — Materie, Materialismus, Subjekt, Objekt, Dialektik, Logik, Kategorie;

2. Табиий фанлар атамалари — Refraktion, Diffraktion, Ionosphäre, Fusion;

3. Адабиётшунослик атамалари — Drama, Sujet, Fabel, Tragödie, Komödie, Novelle, Roman;

4. Тилшунослик атамалари — Phnem, Morphem, Sem, Suffix, Präfix, Dialekt;

5. Спорт терминлари — Start, Finisch, Sprint, Trainer, Training, Hockey;

Ўзбек курашининг халқаро аренага чиқиши муносабати билан бир қатор кураш атамалари интернационал атамалар қаторидан жой олди — Kurash, Halol, Jonbosh ва б.

Касбий лексика ёки профессионализмлар (Beruflexik bzw. Professionalismen)

Касбий лексика ёки профессионализмлар терминлар сингари касб—кор билан боғлиқ коммуникацияга хизмат қилади. Улар чегараланган, маълум касб—кор билан боғлиқ лексика бўлиб, терминлардан стандартлашмаганлиги, атама сифатида изоҳланма—ганлиги (*nichtdefinierte Fachwörter*) билан фарқ қилади. Профессionalизмлар маълум касб—кор эгалари доирасидагина ишлатилади. Таъкидлаш лозимки, бу нисбий тушунча бўлиб, баъзан профессионализмлар умумтил системасига ўзлашган бўлиши мумкин. Масалан, *Analyse, Basis, Charakter, Faktor, Kollektiv*; ўзбек тилида қиёсланг — конун, шартнома, чеканка, квартет ва б. сўзлар фаол лексикага айланиб кетган.

Ишлаб чиқарилган янги махсулотта ном бериш умумтил лексикасидаги маълум сўзларнинг маънолари кенгайиши ёки махсус маъно касб этиши орқали амалга оширилади. М.Д.Городникованинг бу ҳақдаги фикрларини Л.В.Шевелёва келтиради: "Der Bedarf an neuen Bezeichnungen, der mit der Entwicklung der Produktionsprozesse verbunden ist, wird durch "Spezialisierung bereits vorhandener gemeinsprachlicher Wörter gedeckt (M.D.Gorodnikowa): Strom bekommt eine neue spezialisierte Bedeutung, verwendet im Bereich Elektrotechnik: Stromnetz, Wechselstrom, Gleichstrom. Das folgende Beispiel zeigt nicht nur die Spezialisierung der Bedeutung des Verbs bohren, sondern auch die Entwicklung seiner Bedeutungen (der polysemen Struktur); nach Erdöl, Wasser, Kohle bohren|| ein Loch in ein Brett bohren, ein Loch in den Zahn bohren (das Flugzeug bohrt sich in den Erdboden), die Nägel ins Fleisch bohren|| die Augen bohren sich in die Dunkelheit; Astlochbohrer, Kanalbohrer, Kronenbohrer, Theaterbohrer, Zentrumsbohrer. Die Bedeutungen der allgemeinen Wörter erweitern die Zahl der Seme in ihren Bedeutungen bei der Verwendung dieser Wörter in verschiedenen Fachkontexten, in Fachwortschätzen".⁴⁷

Ижтимоий гуруҳлар лексикаси (Lexik der sozialen Gruppen)

Инсон ҳар қандай жамиятда ўз қизиқишлари, ҳаёт шароити орқали маълум гуруҳларга жамланади. Натижада ўзига хос гуруҳ тиллари (Gruppensprache) шаклланади. Олмон тилида анъанага кўра бундай гуруҳлар сирасига овчилар тили (Jägersprache), солдатлар

⁴⁷ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.172

тили Soldatensprache), ўқувчилар тили (Schülersprache), дайди, безорилар тили (Gaunersprache) ва бошқалар киради.

Бундай группавий лексика умумтил лексикасидан қўлланишининг чегараланганлиги, аксарият оғзаки нутқ бирлиги сифатида қўлланиши билан фарқ қилади. Ёзма кўринишда эса фақат стилистик мақсадларда қўлланиши кузатилади. Термин ва профессионализмлардан улар ўзининг эмоционал-экспрессив характери, умумтил лексикасига нисбатан эвфемистик синоним сифатида қўлланиши, кўпроқ метафорик маънода шакланганлиги билан билан ажралиб туради. Масалан, овчилар тилида Hirsch – männlicher Edelhirsch, Wild – weiblicher Edelhirsch маъносига, Hirschfänger – овчилар пичоғи маъносига, die Ohren – Löffel маъносига ишлатилиши кузатилади.

Солдатлар тили аксарият ҳолларда метафорик ва метонимик маънолар орқали шаклантирилади. Масалан, *blaue Bohnen – Kugeln, Heldenprüfer – Militärarzt, Wassermittwasser – хўрда, Chinesenschweiß – dünner Tee, Negerschweiß – dünner Kaffee* маъноларида ишлатилади.

XVII–XVIII асрлардан бошлаб олмон тилида ўзига хос талабалар тили (Studentensprache) шакллана бошлади. Кўпгина ҳазиломуз сўзлар олмон тилидаги ўзакка грек, лотин, француз тиллари суффикслари қўшиш йўли билан ясалган. Масалан, Pechös – aus Pech haben, Politikus – Schlaukopf, listig; Student сўзини ифодалаш учун қатор жаргонизмлар қўлланилган – Bursche, Fuchs, Brander. Биринчи курс талабаларини Pennalputzer, Fuchs, Mutterkalb сўзлари билан аталган. Ёшлар лексикасининг асосий манбаси умумтил лексикаси, диалектлар, жаргонизмлар, ўзлаштирма сўзлардир. Ҳозирги кунда асосан инглиз ва француз тиллари ўзлашмалари оммавийлашмоқда. "In den 80-er Jahren – , деб ёзади Л.В.Шевелёва, – waren populär: Hobby (Steckenpferd), Hitmusik, Hitparade, Ferienjob, Jobsucher, Hobbyst, Hobbysmus, jobben; Abkürzungen: Stip, Audimax, Uni usw."⁴⁸

Жаргонизмлар ва арго (Jargonismen, das Argot, Rotwelsch)

Жаргонлар (Jargons) аслида миллий тилдан узоқлашган махсус лексика бўлиб, кўп сонли бўлмаган кичик гуруҳлар лексикасидир.

Бир қатор жаргонизмлар қадимги яҳудий (althebräisch) ҳамда лўлилар (Zigeunersprache) тилидан кириб келган яширин маънога

⁴⁸ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.178

эга бўлган, бошқа социал гуруҳлар учун тушунарли бўлмаган сўз ва иборалардир. В.Шмидтнинг ёзишича, XIX асрда жамиятни ана шундай гуруҳлардан эҳтиёт қилиш мақсадида маҳкама (Behörde) томонидан хатто шу гуруҳлар тили жамоатчиликка етказилган экан. XIX асрдан бошлаб кўшгина жаргонизмлар ўзларининг дастлабка маъноларини йўқотиб, кундалик мулоқот тилига ўзлашиб кета бошладилар, баъзи жаргонизмлар ҳозирги кунда ёшлар сленгида сақланиб қолган. Масалан, лўлилар тилидан олинган баъзи сўзларнинг ишлатилишига эътибор беринг: *bolo* – Schwein, *grai* – Pferd, *maro* – Brot u.a.

Умуман олганда жаргонизмлар умумтил лугавий бирликлари асосида ясалади. Бу ҳақда М.Д.Степанова ва И.И.Чернышёвалар: "Alles, was zur Schaffung der Argotismen auf Grund gemeinsprachlicher Lexik ausgewertet wurde, trug einen sehr bedingten Charakter. Vgl. Regenwurm für Wurst, Wetterhahn für Hut, Windfang für Mantel, Breitfuß für Gans, Spitzfuß für Katze, Brotlade für Mund. Vor Fremdsprachen war vor allem das Hebräisch sehr produktiv, aus dem z.B. folgende Argotismen entlehnt wurden: Kette für Gefängnis, achein für essen, lechem für Brot, jochem für Wein, maccuum für Stadt, Gefahr für Dorf, Kies für Silbergeld..." деб ёзадилар ⁴⁹

Талабаларнинг ҳам ўзига хос жаргон сўзлари мавжуд. Масалан, *Zahn* – hübsches Mädchen, junges Fräulein, *Typ* – Herr, *Menage* – Essen, *ein Rohr brechen* – eine Flasche trinken, *in die Schlune gehen* – ins Kino gehen, *die Lappen* – Geld, *die Mause* – Geld, *die Regierung* – Eltern, *die Wuchtbrumme* – wunderbares Mädchen, *die Lulle* – Zigarette, *Chef gemacht* – eine gute Prüfung gemacht, *Plaudertasche* – Mikrophon, *Mottenkiste/Leierkasten* – Kamera usw.

Мактаб ўқувчиларининг ҳам ўзига хос жаргон сўзлари мавжуд. Масалан, *Bio* – Biologie, *Erdi* – Erdkunde, *Gesch* – Geschichte, *Tri* – Trigonometrie, *Litte* – Literatur, *Latte* – Latein, *Franz* – Französisch, *Matte* – Mathematik, *Direx* – Schuldirektor, *Abbi* – Reifeprüfung, *Penne* (*Pennal*, *Kasten*, *Gefängnis*, *Kaff*) – Schule, *Brummer* (*Doppelfalter*, *Großvater*, *Hüter*) – Sitzenbleiber usw.

Das Argot француз тилидан олинган бўлиб, фирибгар, ўғри, безори, дайди (Gauner, Bettler) ва бошқа жамиятдан ташқари элементлар (deklassierte Elemente) тилини ифода қилади. **Rotwelsch** сўзи тушуниб бўлмайдиган, дайди ва бошпанасизлар тили маъносини берсада, "rot" сўзи бу ерда "Bettler" маъносини ифодалайди.

⁴⁹ М.Д.Степанова, И.И.Тшчернишова. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М., 1975. S.184 – 185

Луғавий бирликларнинг тарихий дифференциацияси (Historische Differenzierung des deutschen Wortschatzes. Das alte und das neue Wortgut)

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир тилнинг луғавий бирликлари доимо динамик тарзда ривожланиб боради. Баъзи бирликлар эскириб, истеъмодан чиқади, маъносини ўзгартиради. Бунинг акси сифатида тилда давр тақозоси билан янги сўзлар, иборалар пайдо бўлади, бошқа тиллардан ўзлаштирилади.

Лексиканинг эскириб, истеъмодан чиқиш жараёни аста — секинлик билан амалга ошса, янги лексиканинг тилга кириб келиши тараққиёт характериға узвий боғлиқ бўлади.

Тил тараққиёти нуқтаи назаридан лугат таркибида уч қатлам мавжуд:

I. Лугат бойлигининг синхрон қатлами, яъни тилнинг маълум даврда жамият томонидан рационал, кундалик мулоқот жараёнида ишлатиладиган лексик қатлам. Бундай сўзларда эскириш ёки янгилиниш хусусиятлари, жилоси мавжуд эмас. Маълумки, тилнинг синхрон луғавий бирликларининг асосини шундай лексика ташкил этади.

II. Лугат бойлигининг диахрон, архаик қатлами, яъни маълум сабабларға кўра эскириб, истеъмодан чиққан лексика.

III. Лугат бойлигининг янги лексикаси, яъни маълум даврда тилда янги пайдо бўлган лексика — неологизмлар.

Лугат бойлигининг синхрон қатлами юқорида ҳар томонлама, атрофлича таҳлил қилинганлиги сабабли бу ҳақда алоҳида тўхталмасдан, тилнинг диахроник қатлами ҳамда неологизмларға батафсил тўхталиш, уларни атрофлича таҳлил қилишни лозим топдик.

Архаизмлар (Archismen)

Архаизм сўзи грекча *archaios* — *veraltet* — ўзб. эскирган маъносига эга. Архаизмларнинг пайдо бўлиши тарихий жараён бўлиб, ҳозирги замон олмон тили нуқтаи назаридан архаик маъноли деб қаралаётган сўз ўз даврида одатий сўз бўлганлиги аниқ. Масалан, ўрта асрларда *Mase* — *Verwandte*, *Degen* — *Krieger*, *Magd* — *Mädchen* маъносида синхрон характерға эга бўлган. Архаик сўзлар билан бир қаторда уларнинг эскирган маънолари, фонетик ва грамматик шакллари тил системасида сақланиб қолган. Шунга кўра архаизмлар қуйидагича таснифланади:

1. Тушунча мазмуни эскирган архаизмлар
2. Сўз маъноси эскирган архаизмлар
3. Шаклан эскирган архаизмлар

Баъзида маълум халқнинг турмуш тарзида нарса ва ҳодисаларнинг эскириши натижасида улар ифода қилаётган тушунча ва маъно истеъмодан чиқиб кетади. Бундай архаизмлар историзмлар (Historismen) дейилади. Масалан, олмон халқи тарихи ҳақида феодализм ва рицарлар даври билан узвий боғлиқ бўлган тушунчаларни олайлик. Фақат тарихий тушунчаларни билдирадиган қуйидаги сўзлар ўша давр тарихий воқелигини ифодалайди: *Minnesang* – Minne – Liebe, *das Gewand* – Kleid, *die Lanze* – найза, *der Spieß* – найза, *der Harnisch* – совут. Бу каби историзмлар ўзбек тилида ҳам талайгина – қози, амин, олампаҳо, улус, ақча каби.

Маълум маъноси эскирган архаизмларнинг хусусияти шундайки, маънолардан фақат биттаси эскирган, бошқа бир маънога эга бўлган ҳолда эса ҳозирги замон тилида мавжуд бўлган сўзлардир. Масалан, *Schild* сўзининг ҳозирги кунда "*Platte mit einer Aufschrift*" маъноси билан бирга эскирган "*Schutzwaffe*" маъноси ҳам бор: *Ein Schild an der Wand heißt – Rauchen verboten! Er schob ein Felsstück vor sich her wie einen Schild.* (E.Strittmatter).⁵⁰ Яна бир мисол. *Zunge* сўзи ҳозирги кунда инсон тана аъзоларидан бирини номлайди. Қадимда эса бу сўз *Sprache* маъносида ҳам қўлланган.

Баъзида сўзнинг қадимий маъноси эскирган бўлиб, уларнинг шакллари ҳозирги кунда тилда қўлланмайди. Масалан, *Minne* – Liebe маъносида, *sonder* – ohne маъносида, *mahnen* – erinnern маъносида, улар архаизмлар қаторидан мустаҳкам жой олган.

Шаклан архаик сўзларга ўзларининг замонавий ва шу билан бирга архаик шаклига эга бўлган, баъзан қўлланиб турадиган сўзлар киради. Масалан,

Gülden	–	Golden
Odem	–	Atem
Herre	–	Herr
Jungfer	–	Jungfrau
Herze	–	Herz
Turnei	–	Turnier

Бундай архаизмлар стилистик нуқтаи назардан баъзан бадиий адабиётда давр колоритини ифодалаш мақсадида қўлланади. Баъзи грамматик шакли эскирган архаизмлар ҳам худди шу мақсадларда қўлланади. Масалан, *ward* – wurde, *begunnen* – begonnen, *auf Erde* – auf Erden, *auf dem Gebiete* – auf dem Gebiet.

Неологизмлар (Neologismen)

Неологизм сўзи грекча *нео* – *neu*, *logos* – *Wort* сўзларидан олинган бўлиб, «янги сўз» маъносида қўлланади.

⁵⁰ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.158

Ҳар қандай тил системасининг доимо янги сўзлар билан бойиб бориши табиий ҳол. Чунки жамият тараққиёти жараёнида янги тушунчалар, янги предмет ва ҳодисалар юзага келадики, уларни номлаш учун янги сўз юзага келади. Шундай экан янги сўзларнинг пайдо бўлиши давр тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Бундай сўзлар вақт ўтиши билан неологизм характерини йўқота бориб, тилнинг фаол луғат таркибидан жой олади. Масалан, XX аср бошларидаги ижтимоий – иқтисодий тараққиёт туфайли бир қатор неологизмлар юзага келди. Масалан, Telefon, Telegraph, Radio, Fernseher, Kühlschrank, Staubsauger ва б. Бу сўзлар ҳозирги кунда янги сўз «охори»ни йўқотиб, одатий сўзлар қаторидан жой олди.

Неологизмлар олмон тилига хос бўлган қўшма сўзлар ясаш, маъно ўзгаришлари, янги фразеологизмлар ясаш, сўз ўзлаштириш каби усуллар воситасида пайдо бўлади. Энг сермахсул усуллардан бири қўшма сўзлар воситасида янги сўз ясаш ҳисобланади. Масалан, *Weltfrieden, Friedenslager, Konkerrenzfähig, Aufbauprogramm, hauseigen, fälschungssicher* ва б. Қатор неологизмлар аблайтунг ҳамда аббревиатура йўли билан ясалган: *Entmilitarisierung, Remilitarisierung, U-Bahn, KKW (Kernkraftwerk), FHZ (Freihandelszone), GUS (Gemeinschaft Unabhängiger Staaten)*.

Неологизмлар ясалиш усулига кўра уч гуруҳга бўлинади:

1. Янги сўзлар – *Neuwörter*
2. Янги ясалган сўзлар – *Neuprägung*
3. Янги маънолар – *Neubedeutung*, семантик неологизмлар

Янги сўзларнинг аксарияти тил жамоасига тушунарлидир. Масалан, Computer, Videorecorder, digitalisieren, der Tend (die Tendenz), das Espresso (Kaffee\Cafe); file, server, modem, user; инглиз ва француз тилларидан кирган реклама билан боғлиқ неологизмлар: Care – Tex (der Stoff für verschiedenen Typen der Kleidung, etwas Modernes), das Tefal, das Teflon, das Lypex u.a.

Тилда мавжуд сўз ясаш усуллари, аналогия воситасида ҳам янги сўзлар ҳосил қилиниши мумкин. Масалан, Kult – компонентли сўзларга эътибор беринг: Kultbuch, Kultfilm, Kultauto, Kultfigur, Kult – Musical, kultig.

Ўзбек тилида ҳам аббревиатура воситасида янги сўзлар ясалиши ва тилимизга ўзлашиб кетиши кузатилмоқда. Масалан, ЎЗМУ, ЎЗКорАм, ЁТРК, Кибо (Kinder+бола), Янис (Янгиқўрғон+Испания) ва ҳқ.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, ҳозирги кунда олмон тилида сўзлар кўп ҳолатларда полисемантик характерга эга бўлади. Айниқса тараққиёт жараёнида бир қатор сўзлар янги маънолар

касб этмоқда. Масалан, *Maus* сўзи ҳозирда ўз маъноси билан бир қаторда техник термин маъносига ҳам эга.

Хулоса қилиб айтганда неологизмлар тақдири турлича кечади. Баъзан янги сўзлар аксарият ҳолларда ўз тушунча ва маъно ифодаси билан умумтил луғат таркибидан мустақкам жой олади, баъзан бундай сўзларнинг истеъмодан чиқиб кетишлари ҳам мумкин. Бунга бир томондан экстралингвистик факторлар сабаб бўлса, иккинчи томондан лингвистик факторлар сабаб бўлади. Бундай сўзларнинг тақдирини аниқловчи олий ҳакам – вақтдир.

ФРАЗЕОЛОГИЯ (PHRASEOLOGIE)

Ҳар қандай тилнинг луғат бойлиги фақат янги сўзлар ясалишигагина эмас, балки янги иборалар, турғун бирикмалар ҳисобига ҳам сон жиҳатидан (quantitativ), ҳам сифат жиҳатидан (qualitativ) бойиб боради. Тилдаги ана шундай турғун бирикмалар «дунёси» билан шуғулланадиган фан фразеология (Phraseologie) фанидир. Фразеология иборалар ҳақидаги таълимот бўлиб, бу терминни 1928 йилда Е.Д.Поливанов қўллаган эди: «Я позволю себе употребить термин «фразеология» для обозначения особой дисциплины (наряду с фонетикой, морфологией, синтаксисом, лексикой...), занимающей по отношению к лексике то же положение, какое синтаксис занимает по отношению к морфологии».⁵¹

Дарҳақиқат сўнги ярим аср давомида фразеология жаҳон тилшунослигининг диққат марказида бўлди. Бир қатор монографик илмий изланишлар натижасида унинг объекти аниқланди, тадқиқот методлари ишлаб чиқилди ва бу фан тилшуносликнинг бошқа соҳалари қаторида ўз ўрнини шакллантирди.

Ҳозирги кунда олмон ва ўзбек тилларида фразеология термини икки маънода қўлланилмоқда.

1. Die Gesamtheit aller stehenden Wortverbindungen (Phraseologismen) – тилдаги фразеологик бирикмаларнинг жами.

2. Der Zweig der Sprachwissenschaft, der sich mit der Erforschung stehender Wortverbindungen befaßt – турғун ибораларни ўрганувчи соҳа, фан.

Сўнги йилларда кўплаб тиллар материали асосида олиб борилган кенг кўламли фразеологик тадқиқотлар натижасида фразеологизмлар кўйидагича таърифланмоқда:

Икки ёки ундан ортиқ компонентдан ташкил топган, яхлит фразеологик маъно англатувчи турғун тил бирлиги фразеологизм ёки фразеологик бирикма (ибора) дейилади.

⁵¹ А.М.Бушуй. О фразеологической концепции Мухтара Умарходжаева // Хорижий филология, Самарканд, 1(30), 2009, с.19

Масалан, олмон тилида *durch die Lappen gehen* – entwischen, *große Augen machen* – staunen, *auf die Beine kommen* – genesen, *Mann und Maus, fix und fertig, j-m Sand in die Augen streuen* – belügen, *Morgenstunde hat Gold im Munde, schlau wie ein Fuchs, den Rubikon überschreiten, viele Köche verderben den Brei, man soll den Teufel nicht an die Wand malen* иборалари;

Ўзбек тилида ковун туширмоқ, оғзи қулоғида, дўшиси яримта, сиркаси сув қўтармас, темирни қизигида ур, тарвузи қўлтигидан тушмоқ, гул тиконсиз бўлмайди, аравани қуруқ олиб қочмоқ, сичқоннинг ўйи минг танга иборалари бунга мисол бўла олади.

Ғарб тилшунослари орасида биринчилардан бўлиб Ф. де Соссюрнинг шогирди Ш.Балли фразеология терминини 1905 йили қўллаган ва фразеологизмларни стилистик нуқтаи назардан тилнинг ифода бирлиги сифатида таққин қилган. XX асрнинг иккинчи ярмида собиқ совет тилшунослари томонидан кўплаб тилларнинг фразеологик бирикмалари тадқиқ қилинди. Бунга асосий туртки сифатида академик В.В.Виноградовнинг 1946–1947 йилларда эълон қилинган илмий изланишларини тилга олиб ўтиш лозим. Олим рус тили фразеологиясини семантик классификация қилди. Ушбу классификация асосида нафақат собиқ Совет Иттифоқи тилшунослари тилларнинг фразеологик бойлигини ўрганди, балки Ғарб тиллари фразеологияси монографик тадқиқотлар объектга айланди. Ушбу ўринда инглиз тили фразеологияси тадқиқотчилари Н.Н.Амосова, А.В.Кунин, олмон тили фразеологияси тадқиқотчиларидан И.И.Черньшёва, А.Д.Райхштайн, француз тили фразеологияси тадқиқотчиларидан М.И.Рецкер каби олимларнинг назарий ва амалий изланишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

XX асрнинг 60–70 йилларида фразеологик тадқиқотлар таҳлили муаллиф томонидан Германиянинг Лайпциг шаҳрида чоп этиладиган “Sprachpflege” журналда атрофлича ёритилган эди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу таҳлил ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги сабабли журнал мақоласини тўла беришни лозим топдик.

Bemerkungen zur phraseologischen Forschung in der UdSSR⁵²

Es ist bekannt, daß die Erforschung der phraseologischen Einheiten von den Arbeiten des Schweizer Linguisten Ch.Bally ausging. Die durch Bally erstmals aufgestellte stilistisch – semantische Klassifizierung der Phraseologismen ist auch heute noch von Bedeutung. (1) Ballys Konzeption der Behandlung phraseologischer Einheiten wurde in den Arbeiten sowjetischer Sprachwissenschaftler

⁵² М.Умарходшайев. Bemerkungen zur phraseologischen Forschung in der UdSSR.// Sprachpflege, Leipzig, 1971, №4, S 82-85

eingehend erörtert; deshalb ist es nicht notwendig, an dieser Stelle **nochmals** darauf einzugehen. (2) Die weitere Entwicklung der **phraseologischen** Forschung war mit dem Erscheinen der Arbeiten des **Akademienmitgliedes** Winogradow eng verbunden. Die auf der **Grundlage** der russischen Sprache erarbeitete **Klassifikation** **phraseologischer** Einheiten wurde auch für die Erforschung anderer **Sprachen** übernommen (z.B. für das Englische, Deutsche, Türkische), **ohne** jedoch deren Spezifik zu berücksichtigen.

In den letzten 15 bis 20 Jahren erschienen in der Sowjetunion und **im** Ausland viele Publikationen, in denen die semantische **Klassifikation** Winogradows erneut einer kritischen Betrachtung **unterzogen** wurde. (3)

Hatten die Erkenntnisse sowjetischer Phraseologen in den **fünfziger** Jahren in Lehrbüchern zur Lexikologie und in Wörterbüchern **verschiedener** Arten und Sprachen ihren Niederschlag gefunden (4), so **waren** deren Arbeiten in den letzten Jahren der Aufstellung von **Unterscheidungsmerkmalen** phraseologischer Einheiten sowie der **Festlegung** des Umfangs und der Grenzen der Phraseologie gewidmet.

Ausgehend von der Struktur und der Semantik der **phraseologischen** Einheiten, werden folgende Unterscheidungs-
merkmale vorgeschlagen: Reproduzierbarkeit, Unmöglichkeit der **wörtlichen** Übersetzung, Idiomatik, Teilbarkeit (раздельноформлен-
ность), Bildhaftigkeit, Stabilität. Hierbei ist jedoch kritisch zu **bemerk**en, das diese Kriterien nicht nur für Phraseologismen spezifisch **sind**. So ist z.B. das Kriterium der Reproduzierbarkeit ebenso typisch **für** Wörter und Wortverbindungen nichtphraseologischen Charakters, **und** das Kriterium der Unmöglichkeit wörtlicher Übersetzung trifft auch **auf** bestimmte Wörter (Realien) nationaler Färbung zu.

Andererseits gibt es in verschiedenen Sprachen **parallele** **phraseologische** Einheiten, die wörtlich von einer Sprache in die andere **übersetzt** werden können, z.B. deutsch wie *Hund und Katze leben*, russisch *как кошка с собакой*, usbekisch *ит мушук бўлиб яшамок* oder Internationalismen wie deutsch *Chinesische Mauer*, russisch *китайская стена*, usbekisch *Хитой девори*.

Durch den Vergleich von Wort und phraseologischer Einheit **wurden** entsprechende Übersetzungsmerkmale aufgestellt. In den **Arbeiten** Smirnickis ist die Untrennbarkeit (цельноформленность) des **Wortes** und die Trennbarkeit (раздельноформленность) der **phraseologischen** Einheit betont worden. Und hierin ist auch das **wesentliche** Merkmal der Differenzierung von Wort und **phraseologischer** Einheit zu sehen.

Von anderen Forschern wurde eine Reihe von Klassifikationen für **verschiedene** Sprachen erarbeitet: strukturelle, grammatische, **semantische**, funktionale und andere. Im Zusammenhang mit der **Untersuchung** verschiedener Aspekte der phraseologischen Polysemie,

Synonymie, Homonymie und Varianz entstanden mehrere aufschlusreiche Arbeiten. (5) Von besonderer Bedeutung unter den in den letzten Jahren erschienenen Veröffentlichungen sind die Habilitationsschriften Amossowas, Kunins (auf dem Gebiet der englischen Sprache), Tagiews, Shukows, Kopylenkos (russische Sprache) und Tschernyschewas (deutsche Sprache) sowie Artikel und Monographien, die der Theorie und Praxis der Phraseologie in verschiedenen Sprachen gewidmet sind: «Устойчивые фразы в современном русском языке» (Archangelski), «Фразеология современного русского языка» (Schanski), «Русская фразеология» (Babkin). Dazu kommen viele richtungsweisende Artikel Rojsensons über die verschiedenen Gesichtspunkte der Phrseologie.

Von den Sprachwissenschaftlern werden verschiedene Methoden zur Untersuchung phraseologischer Einheiten angewandt: die kontextologische Methode (Amossowa) (6), die Methode der Identifizierung (Kunin), die komplexe Methode (Tschernyschewa), die Methode der Untersuchung der Umgebung (Tagiew), die Applikationsmethode (Shukow). Obgleich sich die Methoden unterscheiden, enthalten die allgemeinen Konzeptionen dieser Forscher viele gemeinsame Züge. Fast alle sind der Meinung, das die Phraseologie als selbständige linguistische Disziplin zu definieren ist. Trotz alledem existieren aber noch theoretische Hypothesen über den nichtsystemhaften Charakter phrseologischer Einheiten; außerdem betrachtet man Phraseologismen als Erscheinungen, die in der Sprache "überflüssig" sind. So stellt z.B. Nikitin die Behauptung auf, phraseologische Einheiten seien nur Material der "parole", dienen lediglich als Stilmittel der Rede und stellen keine Einheit des Sprachsystems dar. (7) Die Anhänger dieser Theorie sind jedoch nicht zahlreich; sie stützen sich auf die Grundkonzeption Ballys von der Identifizierung der phraseologischen Einheiten mit dem Wort und entwickeln diese Konzeption weiter.

Die unzulängliche Begründung der Identifikationstheorie von Bally wurde häufig kritisiert. Man kann schwerlich der Auffassung zustimmen, daß phraseologische Einheiten in der Sprache "überflüssig" seien. Es kommt im Gegenteil sogar vor, das es in einer bestimmten Situation schwerfällt, eine Laune oder ein Gefühl allein mit Hilfe eines bestimmten Wortes oder einer Wendung auszudrücken; oft ist man gezwungen, sich zusätzlich der Mimik oder Gestik zu bedienen. Das Kriterium der Identifizierung von Bally erweist sich als unzureichend für die Widerspiegelung der Unterscheidungsmerkmale phraseologischer Einheiten, weil es nicht deren Spezifik erfaßt:

1. Viele phraseologische Einheiten können nicht identifiziert werden, z.B. *Morgenstunde hat Gold im Munde* oder *zwei Fliegen mit einer Klappe schlagen*.

2. Die Eigenschaft der Identifizierung ist auch den freien Verbindungen und anderen Verbindungen nichtphraseologischen Charakters eigen, so z.B. der freien Verbindung *das kleine Haus* = "*das Häuschen*", "*das Hauslein*".

Man kann feststellen, daß das Kriterium der Identifizierung der phraseologischen Einheiten keine allgemeine Anerkennung gefunden hat. Wie bereits angedeutet wurde, haben die meisten Sprachforscher, die sich mit der Lösung der Probleme der Phraseologie befassen, trotz einiger Meinungsverschiedenheiten in der Mehrzahl gleiche Auffassungen. Sie stimmen darin überein, das die Phraseologie als sprachliches Mikrosystem (einige sprechen sogar von einer sprachlichen Ebene) zu betrachten ist, beweisen den systemhaften Charakter phraseologischer Einheiten in verschiedenen Sprachen und deuten auf die qualitative und quantitative Verschiedenheit der Phraseologismen gegenüber anderen sprachlichen Einheiten hin. Tatsächlich liegen die gesetzmäßigen Unterscheidungsmerkmale und Eigenschaften phraseologischer Einheiten im Vergleich zum Wort einerseits und der freien Verbindung andererseits auf der Hand.

Ausgehend von den vorhandenen Arbeiten zu dieser Thematik kann man heute schon einige Thesen zur Ähnlichkeit und zu den Unterscheidungsmerkmalen zwischen Wort und phraseologischer Einheit (PhE) formulieren.

1. Zum Problem der Ähnlichkeit:

- 1.1. Fähigkeit des Wortes als Satzteil \neq Fähigkeit der PhE, als Satz-
aufzutreten. z.B. *das Wasser* (Sub- = teil aufzutreten. z.B. *ins Was-
jekt, Objekt) ser fallen* (Prädikat)
- 1.2. Mögliche Fähigkeiten des Wortes \neq mögliche Fähigkeiten der PhE
zur Variation. z.B. *nutzen* = *nützen* = zur Variation
z.B. *jmdm. an die Hand gehen* =
jmdm. zur Hand gehen
- 1.3. Möglichkeit des Vorhandenseins \neq Möglichkeit des Vorhandenseins
von Polysemie beim Wort. z.B. = von Polysemie bei der PhE. z.B.
der Zug = 1. "Zugkraft". 2. *das die (eine) Runde machen* =
Bewegen der Spielfiguren 1. *einen Rundgang machen*;
einen Bezirk prüfend abschreiten
2. *von einem zum anderen wei-*

tergegeben werden. 3. sich schnell verbreiten; in aller Leute Munde sein.

- 1.4. Möglichkeit des Vorhandenseins von Synonymie beim Wort \neq Möglichkeit des Vorhandenseins von Synonymie bei der PhE. z.B. z.B. *leben—wohnen—bewohnen—hausen* *die Augen schließen — ins Gras beißen — um die Ecke gehen*
- 1.5. Möglichkeit des Vorhandenseins von Homonymie beim Wort. z.B. *der Zug—Schluck — Der Zug — Eisenbahn* \neq Möglichkeit des Vorhandenseins von Homonymie bei der PhE. z.B. *Einen Stich haben—verderben, schlecht sein; einen Stich haben—verdreht, überspannt sein*
- 1.6. Möglichkeit des Vorhandenseins von Antonymie beim Wort. z.B. *schwarz — weiß, schnell — langsam* \neq Möglichkeit des Vorhandenseins von Antonymie bei der PhE. z.B. z.B. *etw. durch eine rosa Brille sehen — etw. durch eine schwarze Brille sehen*
- 1.7. Möglichkeit der Derivation beim Wort. z.B. *lessen — Lesung — Leser* \neq Möglichkeit der Derivation bei der PhE. z.B. *Grillen fangen—der Grillenfanger*
- 1.8. Zugehörigkeit des Wortes zu bestimmten Stilschichten z.B. *essen (normalsprachlich) speisen (gehoben) — füttern (umgangssprachlich)* \neq Zugehörigkeit der PhE zu bestimmten Stilschichten z.B. *den Mund halten (normal—sprachlich) — den Mund halten (salopp) — die Fresse halten (derb.) [8]*

Ungeachtet der äußeren Ähnlichkeiten, existieren jedoch auch gewisse qualitative und quantitative Verschiedenheiten. So ist z.B. die phraseologische Polysemie ärmer als die des Wortes. Analogem Verhältnissen begegnen wir zwischen phraseologischer Antonymie und Homonymie einerseits und der Antonymie und Homonymie des Wortes andererseits.

Dieser Überblick über einige Vorstellungen vom Gegenstand der Phraseologie und über die Möglichkeiten ihrer Bestimmung zeigt, daß eine adäquate Beschreibung der Phraseologie nur aus der Gesamtheit vieler Kriterien abgeleitet werden kann.

2. Zum Problem des Unterschieds zwischen phraseologischer Einheit und Wort, dargestellt in binären Oppositionen.

2.1. Das Wort ist die Einheit der lexikalischen Ebene	≠	Die PhE ist die Einheit der phraseologischen Ebene (9)
2.2. Das Wort ist Gegenstand der Lexikologie und der Lexikographie	≠	Die PhE ist Objekt der Phraseologie und Phraseographie (10)
2.3. Das Wort ist stabil auf der lexikalischen Ebene	≠	Die PhE ist stabil auf der phraseologischen Ebene
2.4. Das Wort ist in seiner Struktur nicht trennbar (цельнооформленно)	≠	Die PhE ist ihrer Struktur nach trennbar (раздельнооформленно)
2.5. Das Wort hat lexikalische Bedeutung	≠	Die PhE hat phraseologische Bedeutung (11)
2.6. Das Wort besteht aus einem oder mehreren Morphemen	≠	Die PhE besteht aus der Verbindung von mindestens zwei Wörtern
2.7. Das Wort kann strukturell-semantic modelliert werden oder nicht	≠	Die PhE kann nicht modelliert werden
2.8. Das Wort hat freie Valenz	≠	Das Wort als Komponente der PhE hat eine geringe Valenz

3. Ebenso kann auch Unterschied zwischen PhE einerseits und freien Verbindungen in binären Oppositionen andererseits dargestellt werden, z.B.:

3.1. Stabilität der PhE	≠	keine Stabilität der freien Verbindungen
3.2. Vorhandensein der phraseologischen Bedeutung bei der PhE	≠	Gesamtbedeutung der freien Verbindungen ergibt sich aus der Summe der Bedeutungen der Komponenten
3.3. strukturell-semantic Nichtmodellierbarkeit der PhE	≠	strukturell-semantic Modellierbarkeit der freien Verbindungen (12)

Anmerkungen:

(1) Ch.Bally. Французская стилистика. М., 1961

(2) z.B. W.W.Winogradow: Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. В.кн. «А.А.Шахматов», М-Л, 1947; N.N.Amosowa. Основы английской фразеологии. Л. 1963; A.W.Kunin. Основные понятия английской

- фразеологии и создание англо-русского фразеологического словаря. (Докт. дисс.) М., 1964, S.2-17.
- (3) N.N.Amosowa. a.a.O.: A.W.Kunin, a.a.O.: A.V.Larin: Очерки по фразеологии. Ученые записки ЛГУ. №198, 1956. S.I.Oshegow. О структуре фразеологии. Лексикографический сборник, вып. 2. М., 1957. I.I.Tschernyschewa: Фразеология современного немецкого языка. (Докт.дисс.) М., 1964. W.L.Archangelski: Устойчивые фразы в современном русском языке. Rostow, 1964. R.Klappenbach: Feste Verbindungen in der deutschen Gegenwartssprache. In: "Beiträge zur Geschichte der deutschen Sprache und Literatur", 82.Band, Halle(Saale), 1961. S.443-457.Probleme der Phraseologie. In.: "Wissenschaftliche Zeitschrift der Karl-Marx-Universität", Leipzig. Gesellschafts- und Sprachwissenschaftliche Reihe. 1968, 2-3, S.221-227. W.Schmidt: Lexikalische und aktuelle Bedeutung, Berlin, 1963; E.Agricola. Einführung in die Probleme der Redewendungen. In: "Wörter und Wendungen", Leipzig, 1970.
- (4) Davon zeugen Bibliographien, phraseologische Wörterbücher, Sammelbände: Проблемы фразеологии. Академия Наук СССР. М-Л. 1964; Вопросы фразеологии. Taschkent, 1965. S. 147-234. sowie das neuerscheinende Buch von L.Rojsenson und A.Buschuj: Материалы к общей библиографии по фразеологии. Вып. 2., 1963-69. Die Bibliographie enthält etwa 3000 Titel (70 Sprachen der Welt).
- (5) A.W.Kunin. Некоторые вопросы английской фразеологии (Английско-русский фразеологический словарь), М., 1955; J.D.Apresjan. Фразеологические синонимы типа «глагол+существительное» в современном английском языке. М., 1956. A.P.Hasanowitsch. Синонимия во фразеологии современного немецкого языка. (Канд.дисс.), 1958.I.I.Tschernyschewa. Некоторые особенности фразеологии современного немецкого языка. Сб. «Принципы научного анализа языка», М., 1959. G.I.Kramarenko. Фразеологические варианты современного немецкого языка. (Канд.дисс.) М., 1962. Ch.Ch. Jesiew. Полисемия фразеологических единиц современного немецкого языка (канд.дисс.) М., 1970.
- (6) Die Klassifikation von Amosowa und Tschernyschewa wurde in dem Artikel von R.Klappenbach (siehe Anmerkungen 3) ausführlich behandelt.
- (7) W.N.Nikitin. Об отношении фразеологии к уровням языка. О спорных вопросах общей теории фразеологизмов и об

уточнении понятия «фразеологизм». «Уровни языка и их взаимодействие» (Тез. научной конф.), М., 1967.

(8) Einige der angeführten Beispiele sind aus Arbeiten von Tschernyschewa und Jesiew zitiert.

(9) Von mehreren Forschern wird die Postulierung einer phraseologischen Ebene angefochten, doch haben sich gerade in jüngster Vergangenheit viele Verfasser für die Annahme einer solchen Ebene ausgesprochen, so z.B. A.W.Kunin: Фразеологический уровень языка. «Уровни языка и их взаимодействие» (Тез. научн. конф.) М., 1967, С.90; I.I.Tschernyschewa: Фразеологический уровень и фразеологическая система языка. а.а.О. С.165. W.L.Archangelski.

(10) Unter *Phreseographie* verstehen wir die Theorie und Praxis der Zusammenstellung phraseologischer Sammlungen und Nachschlagewerke.

(11) Unter *phraseologischer Bedeutung* verstehen wir mit Jesiew folgendes:

Die lexikalische und phraseologische Bedeutung ist die durch Sprachtradition gegebene Möglichkeit einer einheitlichen Identifizierung (durch die Vertreter einer Sprachgemeinschaft) der Einheit des denotativen, signifikativen und konnotativen Aspekte, die einen bestimmten Platz im semantischen System der Sprache einnimmt. Neben ihren integrierten Merkmalen und den gleichen Aspekten unterscheiden sich die lexikalische und die phraseologische Bedeutung bei der Realisierung ihrer Aspekte und dem Verhältnis der letzteren zueinander. Der Umfang der phraseologischen Bedeutung in der Sprache ist bedeutend enger als der denotative Aspekt der lexikalischen Bedeutung (Nach einer Übersetzung des Verfassers).

Siehe ausführlich Ch.Ch. Jesiew. Полисемия фразеологических единиц в современном немецком языке. (Автореф. канд. дисс.), М., 1969, S. 9.

(12) Siehe A.W. Kunin (Anmerkung 9).

Демак фразеологизм сўз каби луғавий бирлик ҳисобланади. Улар ҳам сўзлар каби тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлганлиги сабабли нутқ ҳодисаси эмас, балки тил ҳодисасидир. Сўз лексик маънога эга бўлгани каби фразеологизм ҳам ўзининг фразеологик маъносига эга. Сўздаги барча парадигматик, синтагматик хусусиятларни фразеологизмларда ҳам яққол кўриш мумкин. Шу билан бирга фразеологизмлар сўз ва эркин сўз бирикмасидан юқорида кўрсатилган бир қанча хусусиятлари билан фарқланади. Масалан, фразеологизм фразеологик сатҳ элементи, бирлиги,

фразеология ва фразеография⁵³ объектидир. Фразеологияни ташкил этувчи компонентлар маъно бутунлигига эга эмас, улар фақатгина шакл ва товуш томони билан сўзга ўхшайди. Уларни ташкил қилувчи компонентларнинг фразеологик маъноси турғун, кўпроқ эмоционал — экспрессив жилогга эга бўлган белги, ҳаракат кабиларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам фразеологик маъно лексик маънодан бир қанча жиҳатлари билан фарқланади. Аксарият фразеологизмларнинг идентификатори мавжуд эмас, яъни кўпгина фразеологизмларнинг ифодалаб келаётган маъноларини бир сўз билан алмаштириб бўлмайди, бу маъно эркин сўз бирикмаси билан изоҳланиши мумкин холос.

Фразеологизмлар таснифи (Klassifikation der Phraseologismen)

Тиллардаги турғун ибораларнинг илмий таснифи биринчи навбатда фразеологизмларга берилган атамаларни тартибга солиш билан бошланмоғи зарур. Чунки сўнги йилларда тилшунослиқда тилнинг ушбу ноёб ҳодисаси бир қатор янги — янги атамалар билан номлаб келинмоқда. Масалан, **Idiome, idiomatische Wendungen** каби классик терминлар билан бир қаторда **stehende, starre Wortverbindung, Phraseologismus** ва б.

Албатта, бундай ҳолат турғун ибораларнинг семантик, структурал ва функционал нуқтаи назардан мураккаблиги билан изоҳланади. Шу сабабли ҳам фразеологизмлар структурал — семантик, семантик, стилистик, комплекс, гапдаги синтактик функцияси ва бошқа принциплар асосида классификация қилиб келинган.

Фразеологизмларнинг структурал — семантик принцип асосидаги классификацияси анъанавий классификация бўлиб, Европа тилшунослигида ҳам қўлланиб келинади. Ушбу принципга асосан фразеологизмлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: *Wortpaare, Idiome, geflügelte Worte, Sprichwörter.*

Wortpaare (Zwillingsformeln) — жуфт сўзлар — бир хил сўз туркумига тегишли бирликлардан ташкил тошган турғун фразеологик маъноли иборалар. Масалан, *Mann und Maus, fix und fertig, Schritt für Schritt, Stunde um Stunde, mit Mühe und Not, Rat und Tat, mit Mann und Maus, weit und breit* u.a.

Idiome — идиомалар — ушбу термин грек тилидан олинган бўлиб, **idios** — **eigentlich, originell** маъноларини ифодалайди. Идиомалар турғун иборалар бўлиб, воқеа, ҳодиса ва предметларни ифодали тасвирлаш мақсадида ишлатиладиган, маъноси уларни

⁵³ «Фразеография» термини каминга томонидан 1971 йили юқорида кўрсатишган мақолада қўлланилган, яъни у фразеографик лугатлар назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи фандир.

ташқил қилувчи компонентлар маънолари йиғиндисидан келиб чиқмайдиган, янги фразеологик маъно касб этувчи тил бирлигидир. Масалан, *die Augen in die Hand nehmen* – "genau sehen", *sich die Beine in den Leib stehen* – "lange warten, sich matt fühlen", *unter die Haube bringen* – "verheiraten"; Ўзбек тилидаги ўпқасини кўлтиқлаб, бир ёстикка бош қўймоқ, тарвузи кўлтиридан тўшмоқ, аҳмоққа Кува бир тош, аталадан суюк чикмоқ каби ибораларни солиштириб кўринг.

"Das Idiom **Pech haben**, – ёзади А.Искос ва А.Ленкова, – bedeutet "**Unglück haben**". Diese Wendung stammt aus der Berufslexik der Vogelsteller. Der an der Leinrufe klebende Vogel hat Pech (an den Federn) und wird gefangen. So entwickelte sich der mit der Summe der Bedeutungen der Komponenten nicht übereinstimmende umgedeutete Sinn".⁵⁴

Баъзи бир идиомалар маъноси бошқа бир сўз билан ифодаланиши ҳам мумкин. Лекин идиомадаги қўшимча стилистик жило, коннотатив маъно синоним сўз билан тўла қопланмайди. Масалан, *auf der Bärenhaut liegen* – "faulenzten", *j–m Sand in die Augen streuen* – *betrügen* сўзларини қиёслаб кўринг.

Geflügelte Worte – **ҳикматли сўзлар** – турғун ибораларнинг ўзига хос алоҳида тури ҳисобланади. "Ein geflügeltes Wort, – деб изоҳ беради Р.Клаппенбах, – ist Äußerung einer (bekannten) Person, die häufig angeführt wurde und so sprichwörtlich geworden ist".⁵⁵

Ҳикматли сўзларни ўтмиш донишмандлари, замонамизнинг атоқли арбоблари келтирган афористик мулоҳазалар, шиорлар (*Losung*), луқмалар (*Sentenz*), цитаталар ташқил этади.

Aphorismus (гр.–лат. die abgesonderte, vereinzelt geistvolle Aussage; **Losung** – **Aufruf**; **Sentenz** (лат. Meinung) – **bekannter Ausspruch**; **Zitate** (лат. citatum – nennen) – **wörtlicher Auszug aus einem Text**.⁵⁶

Ҳикматли сўзларнинг асосий хусусиятлари уларнинг донишомуз маъноси, интернационал характери, маълум бир муаллифга таалуқлилигидир. Уларнинг мана шу хусусиятлари турғун иборалар сафидан жой олиш учун асосий мезон ҳисобланади. Вақт ўтиши билан баъзи хоссалари эскириб қолса ҳам улар тилда турғун ибора сифатида сақланиб қолади.

Антик мифологиядан олинган *Apfel der Zwietracht, auf dem Olymp sitzen*, халқ эртақларига таалуқли *der Geist des Hauses, der dritte Hahnenschrei*, тарихдан олинган *der gordische Knoten* ибораларини таҳлил этиб кўринг.

⁵⁴ A.Iskos, A.Lenkova. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960, S.178

⁵⁵ R Klappenbach, W.Steinitz. Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache. Bn.2, Berlin, 1968, S.1483

⁵⁶ A.Iskos, A.Lenkova. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960, S.183

А.Искос, А.Ленковада шундай изоҳ берилади: "Der gordische Knoten – ein kunstvoller Knoten, übertragen bedeutet es "eine verwickelte Angelegenheit auf eine unerwartet einfache Weise zur Entscheidung bringen"; Den Rubikon überschreiten – Rubikon – ein Fluß, der die Grenze zwischen Italien und Gallien bildete. Cäsar überschritt mit seinen Legionen den Rubikon und entfesselte dadurch einen Krieg. Daher bedeutet dieser Ausdruck "einen schwerwiegenden Entschluß fassen".⁵⁷

Мақоллар (Sprichwörter)

Мақоллар ҳам фразеологизмларнинг бир тури бўлиб, улардан шакл ва мазмуни билан фарқ қилади. Одатда улар гап структураси каби шаклланади ҳамда ҳикматомуз жилоли фикрни ифодалайди. Масалан, *von schönen Worten wird man nicht satt, viele Köche verderben den Brei, man schmiedet das Eisen, solange es heiß ist, besser ein Ende mit Schrecken, als ein Schrecken ohne Ende, Morgenstunde hat Gold im Munde u.a.*

Ўзбек тилидаги қуйидаги мақолларни қиёслаб кўринг: Кўйчивон кўп бўлса кўй харом ўлади, жўжани кўзда санайдилар, темирни қизигида бос ва б.

Мақоллар билан фразеологизмларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, биринчидан улар структурал турғун, умумий кўчма маънога эга, тилдаги мустақил бирлик сифатида мавжуд.

Юқорида таҳлил қилинган бирикмаларнинг аъъанавий тўрт гуруҳи ягона бир принцип асосида тавсифланмаган. Идиомалар семантик принцип асосида, жуфт сўзлар ва мақоллар структура нуқтаи назаридан фарқланган. Ҳикматли сўзларнинг ҳам структурал, ҳам семантик жиҳатдан рангбаранглиги уларни бирон аниқ принцип асосида кўриб чиқишни қийинлаштиради. Бундан ташқари тиллардаги бир қатор турғун birlikлар – фразеологизмлар ушбу тасниф орқали қамраб олинмаган.

В.В.Виноградовнинг семантик классификацияси (Semantische Klassifikation von W.Winogradow)

Таъкидлаб ўтганимиздек, В.В.Виноградовнинг рус тили фразеологизмлари асосида яратилган семантик классификацияси кўплаб тиллардаги турғун бирикмалар таснифини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Аниқроқ айтганда, олим яратган классификация воситасида фразеологизмларнинг бошқа тилларда ҳам уч гуруҳи мавжудлиги исботланди.

⁵⁷ A.Iskos, A.Lenkova. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960, S. 185

Ушбу классификация олмон ва ўзбек тили фразеологиясига ҳам татбиқ этилган. Бунга кўра улар қуйидагича таснифланган:

1. Фразеологические сращения – phraseologische Zusammenbildungen – фразеологик чатишмалар

Ушбу гуруҳга тўла кўчма маънога эга бўлган, семантик жиҳатдан қисмларга ажралмайдиган ва умумий маъноси бирикмани ташкил этувчи компонентларнинг лексик маъносидан келиб (*unmotivierete Bedeutung*) чиқмайдиган тил бириклари киради.

Масалан, **рус тилида:** *бить баклуши, тёртый калач, съесть собаку на чем – либо*

олмон тилида: *aus dem Stegreif (sprechen) – ohne Vorbereitung; mit Kind und Kegel – mit dem ganzen Haushalt*

ўзбек тилида: қовун туширмоқ, дақёнусдан қолган, анқонинг уруғи, аталадан суяк чиқди

2. Фразеологические единицы – phraseologische Einheit – фразеологик бирик

Ушбу гуруҳга яхлит кўчма маънога эга бўлган иборалар кириб, фразеологик чатишмалардан фарқи шуки, уларнинг умумий маъноси ташкил этувчи компонентлар маъносидан келиб чиқиши мумкин (*motivierete Bedeutung*). Масалан, **рус тилида:** *держать камень за пазухой, класть губы на полку*. **Олмон тилида:** *große Augen machen – sich erstauen, Stroh im Kopf haben – leichtsinnig sein*. **Ўзбек тилида:** оғзи қулоғига етмоқ, тўничи тесқари киймоқ.

3. Фразеологические сочетания – phraseologische Verbindungen – фразеологик бирикмалар

Ушбу гуруҳга қисман кўчма маънога эга бўлган, маъно мотивацияси мавжуд, синтактик нуқтай назардан таркибий қисмлари осонгина ажратилиши мумкин бўлган бирикмалар киради. Бундай фразеологик бирикмалар компонентлари синонимлар билан алмаштирилиши ҳам мумкин. Масалан, **рус тилида:** *потупить взор (глаза, взгляд, очи); затронуть чувства (гордость, честь)*. **Олмон тилида:** *Steine in den Weg werfen (rollen, legen); Achtung haben (genießen)*. **Ўзбек тилида:** гашига (кўнглига) тегмоқ, тош (гап) отмоқ.

Олмон тили турғун сўз бирикмалари таснифи
И.И.Чернышёва талқинида
Klassifikation der stehenden Wortverbindungen
nach I.Tschernyschewa

Олмон тили турғун сўз бирикмалари илк бор Москва Давлат чет тиллар институти (хозирда Москва лингвистик университети) профессори И.И.Чернышёва ҳамда унинг шогирдлари илмий ишлари доирасида ўтган асрнинг 60—70 йилларида атрофлича ўрганилди.⁵⁸

И.И.Чернышёва олмон тили барча турғун сўз бирикмаларини умумлаштирувчи «устойчивые словесные комплексы» — feste Wortkomplexe — термини билан номлади. Анаънавий семантик, структурал ва функционал классификацияларни ривожлантириб, И.И.Чернышёва олмон тили фразеологиясини комплекс критерий асосида тасниф қилишни таклиф қилди.

Дарҳақиқат олма турғун сўз бирикмаларининг бир вақтнинг ўзида ҳам грамматик, ҳам семантик, ҳам стилистик хусусиятларини инобатта олувчи комплекс критерийларни ишлаб чиқди. Бунга кўра бир томондан фразеологизмларнинг сўздан фарқи аниқланса, иккинчи томондан уларни фразеологик хусусиятга эга бўлмаган турғун сўз бирикмаларидан ажратиб олиш учун хизмат қилади. Бу критерийлар қуйидагилардир:

1. Грамматик (синтактик) структурасига кўра (der grammatischen, syntaktischen Struktur nach):
 - a) сўз бирикмаси (Wortverbindungen);
 - б) предикатив бирикма ва гаплар (prädikative Verbindungen und Sätze)
2. Боғланиш услубига кўра (der Verknüpfungsart der Komponenten nach)
3. Ташкил қилувчи қисмлар маъноси ўзгариши таъсирида ясалган бирикмалар

Биринчи критерийга кўра фразеологизмлар сўздан фарқланади, яъни улар структуравий жиҳатдан камида икки компонентдан иборат бўлиб, сўз бирикмаси ёки гапга тенг.

Иккинчи критерий бўйича фразеологизмлар ясаиш усулига қараб фарқланади. Бунга кўра фразеологизмлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

⁵⁸Чернышёва И.И. Фразеология современного немецкого языка (фразеологическая система и ее связь с системой лексики). Докт. дисс., М., 1964; Крамаренко Г.И. Фразеологические варианты в идиоматике современного немецкого языка. Канд.дисс., М., 1962; И.Г.Ольшанский. Парные сочетания слов современного немецкого языка (семантика, структура, сочетаемость). Канд.дисс., М., 1965; Х.Х.Езиев. Полисемия фразеологических единиц современного немецкого языка. Канд.дисс., М., 1969 и др.

а) ягона, ўзгармас (singulär) компонентларнинг боғланиши орқали ясалган бирикмалар – ins Wasser fallen, blinder Passagier, mit Haut und Haar, viele Köche verderben den Brei;

б) қатор, кетма-кет (serielle) боғланиш орқали ясалган бирикмалар – blinder Haß, Zorn, blinde Wut, Gier, Leidenschaft, blindes Fenster, Knopfloch, blinde Tasche (vorgetäuscht), Achtung, Verehrung, Vertrauen genießen.

в) моделлар воситасида (modellierte Bildung) ясалган бирикмалар – Aufnahme finden, Eile haben, eine Seele von einem Menschen.

Учинчи критерий бўйича турғун сўз бирикмаларининг маъно хусусиятлари уч хил факторнинг ўзаро муносабати таъсирида фарқланади:

а) Ташкил қилувчи барча ёки бирон компонент маъноси ўзгариши орқали ясалган бирикмалар – ins Wasser fallen, blinder Passagier.

б) Компонентларнинг ўз лексик маъноси асосида ясалган турғун сўз бирикмалари – der Nahe Osten, der Ferne Osten.

в) Тирик структуралар, турғун ҳамда ўзгарувчан компонентга эга бўлган бирикмалар – Aufnahme finden, Eile haben.

Ушбу критерийлар асосида олмон тилида қуйидаги тўрт типдаги турғун сўз бирикмалари фарқланади:

I. Phraseologismus bzw. phraseologische Einheit – фразеологические елиньства – фразеологизм ёки фразеологик бирлик. Ушбу гуруҳга эркин сўз бирикмалари компонентлари маънолари ўзгариши асосида ясалган турғун сўз бирикмалари киради. Бунда янги фразеологик маъно ташкил қилувчи компонентларнинг лексик маъноси асосида эмас, балки сўз бирикмасининг умумий ўзгарган маъноси асосида юзага келади. Ушбу бирикмаларни ташкил қилувчи сўзларнинг мустақил лексик маъноси йўқолиб, сўниб, ажралмас яхлит семантик бутунлик ҳосил қилади. Ўз структурасига кўра фразеологик бирикмалар қуйидаги типларга бўлинади:

1. Вербал фразеологик бирикмалар (verbale phraseologische Einheiten) – jmdm. einen Bären aufbinden – "jmdn. belügen", den Mund halten – "schweigen", ins Gras beißen – "sterben", die Beine unter die Arme nehmen – "jmdm. entfliehen".

2. Номинал бирликлар (nominale Einheiten) – eine weiße Maus – "Verkehrspolizist", ein gelehrtes Haus – "eine gelehrte Person, ein Weiser".

3. Жуфт сўзлар (Zwillingsformeln) – Freund und Feind – “alle”, Schritt für Schritt – “allmählich”, Hand in Hand – “zusammen”, alt und jung – “alle”.

4. Компаратив фразеологизмлар (komparative Phraseologismen) – naß wie eine gebadene Maus – “durchnäßt sein”, ein Gesicht machen, wie drei (sieben) Tage Regenwetter – “sehr mürrisch sein”, schlafen wie ein Sack – “tief schlafen”, dumm sein wie Bohnenstroh – “sehr dumm sein”.

II. Festgeprägte Sätze – фразеологические выражения – турғун гап шаклидаги фразеологик бирикмалар таркибига структура жиҳатидан предикатив бирикма ҳамда гапга тенг иборалар киради. Умумий фразеологик маъно лексик маъно кенгайтиши, метафорик ёки метонимик кўчиш орқали амалга оширилади ва қуйидагича шаклланади:

1. Маталлар – sprichwörtliche Redensarten: da liegt der Hund begraben – “der Kern der Sache”, das macht auch den Kohl nicht fett – “das nützt auch nichts”, dazu muß man Sie sagen – “etw. beachten”.

2. Мақоллар – Sprichwörter: es ist nicht alles Gold, was glänzt, man soll den Tag nicht vor dem Abend loben, Nachrat – Narrenrat.

3. Ундовли иборалар – Interjektionen: ach, du, grüne Nenne! – “erstaunen”, Ach, du heiliger Schreck! Ach, du Schreck! (salopp) – Aufruf des Schreckens.

4. Мантиқий бириклар – logische Figuren: ушбу гуруҳга асосан метафорик маънога эга бўлган миниатюр бирикмалар – гротеск (Groteske), парадокс (Paradoxe), гипербола (Hyperbel), литота (Litotes), киноя (Ironie), антитеза (Antithese) лар киради.

Масалан, Wer A sagt muß auch B sagen
Wie der Abt, so die Brüder
Wie der Herr, so's Gescherr
Wie der Herr, so der Knecht
Heute rot, morgen tot
Ende gut, alles gut
Kleine Kinder – kleine Sorgen,
Große Kinder – große Sorgen.
Irren ist menschlich.

III. Phraseologische Verbindungen – фразеологические сочетания –

фразеологик бирикмалар. Ушбу гуруҳга ўзгармас, ягона (singulär) компонентларнинг бирикуви орқали юзага келган бирикмалар киради. Улар ўз кўчма маъноларини ягона боғланиш орқали амалга оширади. Бундай бирикмалар аналитик маънога эга. Масалан,

blinder Passagier – "ein ohne Fahrschein fahrender Mensch"

blinder Schuß – "ungezielter Schuß"

kalte Miete – "Miete ohne Heizungskosten"

warme Miete – "Miete mit dem Heizungskosten"

IV. Комплекс критерийлар асосида И.И.Чернышёва юқорида кўрсатилган фразеологизмлар типларидан фарқли бўлган «устойчивые словосочетания нефразеологического типа» – «фразеологик хусусиятга эга бўлмаган турғун сўз бирикмалари»ни алоҳида гуруҳга ажратади:

1. Лексик бириклар – lexikalische Einheiten – бирикмани ташкил қилувчи компонентларнинг лексик маъноси асосида умумий номинацияга эга бўлган турғун сўз бирикмаларидир. Масалан, Bundesrepublik Deutschland, die Nationale Front, die Vereinten Nationen.

2. Фразеологиялашган бириклар – phraseologisierte Einheiten – турғун сўз бирикмасининг бирон компоненти кўчма маъноли бўлиб, бир қатор аниқ семантик гуруҳ билан бирлашган ҳолда ясалган бириклар.

Масалан, jmdm. Achtung

Anerkennung

Bewunderung = zollen

Dank

Teilnahme

jmdm. einem Verhör

einer Prüfung = unterziehen

etw. einer Besichtigung

Бу ибораларнинг фразеологизмлардан фарқи шундаки, улар ягона, ўзгармас бирикма эмас, балки қатор боғланиш орқали ясалган бирикмалардир.

3. Моделлаштириш воситасида ясалган (типик) иборалар тилдаги маълум структурал – семантик модел асосида юзага келади. Бу таркибга олмон тилидаги аналитик ҳамда грамматик – стилистик конструкциялар воситасида ясалган турғун сўз бирикмалари киради.

Масалан, jmdm. etw. Zur Kenntnis bringen

jmdn. zur Ruhe bringen

von etw. Kenntnis nehmen
jmdm. Ruhe geben
ein Mann von Format
ein Mann von Geist
ein Mann von Talent
ein Mann von Wort u.a.

Ушбу гуруҳларнинг баъзилари, масалан, фразеологик бирликлар, фразеологизмларга яқин бўлсада, уларнинг асосий хусусиятларига эга эмаслар. Шунинг учун ҳам улар фразеологик иборалар қаторига қўшилмайди.

Олмон тилида гаплашувчи мамлакатларда фразеологик тадқиқотлар хусусида (Phraseologieforschungen in deutschsprachigen Ländern)

Ғарб тилшунослигида, шу жумладан, олмон тилида гапирувчи мамлакатлар тилшунослигида турғун сўз бирикмаларининг илмий таҳлили амалий тадқиқотлардан бирмунча ортада қолди. Сўнги икки аср давомида турли бир тили иборалар лугатлари билан бир қаторда икки, кўп тили фразеологик лугатлар ҳам чоп этилди (бу ҳақда «Фразеография» бўлимида батафсил тўхталамиз).

Ушбу ўринда олмон тили идиомалар лугати муаллифи таниқли олим В.Фридерихнинг лугат сўзбошисида келтирилган сўзлари диққатга сазовордир: "Idiomatische Wendungen haben von jeher zum Tummelplatz vieler Sprachinteressen gehört. Es gibt eine erstaunlich große Zahl von Büchern, in denen solche Wendungen aufgeführt und erklärt werden – oft in humoristischer Form, mit Zeichnungen und Anekdoten über ihre Anwendung oder Entstehung. Um so überraschender ist die Tatsache, daß es nur sehr wenige Bücher gibt, die sich sachlich objektiv mit solchen Wendungen befassen, ja daß sogar der Begriff "idiomatische Wendung" bis heute nicht eindeutig festgestellt ist".⁵⁹

Дарҳақиқат, турғун сўз бирикмаларини илмий ўрганиш илк бор Ф.Зайлернинг 1922 йилда Мюнхенда чоп этилган "Deutsche Sprichwörterkunde" асаридан бошланган. Асарда биринчи бор мақол ва маталлар, турли турғун сўз бирикмалари ички ва ташқи қурилиши, этимологияси, баъзи структур ўзгаришларига кўра чуқур таҳлил қилинган. Бу асардан сўнг маълум даврга қадар германистикада бу ҳақда монографик илмий ишлар қилинмади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг собиқ Германия Демократик Республикаси ҳамда Совет Иттифоқи олимларининг изланишлари

⁵⁹ Friderich W. Moderne deutsche Idiomatik München, 1966, S.7. Цитата оляндя: Stepanowa M.D., Tschernyschewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975. С. 201

Натижаси ўлароқ қатор илмий ишлар эълон қилинди. Булар орасида алоҳида диққатга сазовор ишлардан таниқли луғатшунос Эрхард Агриколанинг "Wörter und Wendungen" луғати сўзбошиси сифатидаги "Einführung in die Probleme der Redewendungen" мақоласи⁶⁰ ҳамда олти томлик «Ҳозирги замон олмон тили луғати» муаллифларидан бири, устоз олима Рут Клаппенбахнинг "Feste Verbindungen in der deutschen Gegenwartssprache"⁶¹ мақолаларини тилга олиш мумкин.

Собиқ Иттифоқ олимларининг фразеологик тадқиқотлари таъсирида сўнги йилларда олмон тили фразеологиясининг турли аспектлари атрофлича ўрганилмоқда. Бу борада В.В.Виноградовнинг семантик классификациясини моҳирона ривожлантирган олмон лексикологи Теа Шиппаннинг монографик ишларини алоҳида таъкидлаш лозим⁶².

Машҳур Ш.Баланинг ватандоши швейцариялик тилшунос Ҳаральд Бургернинг "Idiomatik des Deutschen" монографияси ҳамда бошқа бир қатор мақолалари олмон тили фразеологиясининг янгича дувалишдаги таҳлиliga бағишланган. Юқорида эслатилган монография ҳақида М.Д.Степанова ва И.И.Чернышёва ёзадилар: "Eine bedeutende Erscheinung in der deutschsprachigen Germanistik stellt die Arbeit der Schweizer Linguisten "Idiomatik des Deutschen" von H. Burger unter Mitarbeit von H.Jaksche dar. Es ist nach F.Seiler praktisch die erst größere Arbeit, die sich mit der phraseologischen Problematik der deutschen Gegenwartssprache auseinandersetzt. Das Buch ist ein linguistischer Hinführungskurs und setzt sich zum Ziel, die Aufmerksamkeit der Studenten auf ein Gebiet der deutschen Sprache zu lenken, "daß in der germanistischen Forschung bisher meist nur am Rande behandelt wurde". H.Burger betont die Tatsache, das die Idiome in den jüngsten Diskussionen um Grammatik – Theorien eine wichtige Rolle gespielt haben, weshalb "ihre linguistische Beschreibung für künftige Theorien der Sprachverwendungen von größter Tragweite sein dürfte".⁶³

Ҳақиқатан ҳам бу соҳада Ҳ.Бургернинг сўнги йилларда чоп этилган "Normative Aspekte der Phraseologie" (1987), "Phraseologie und Intertextualität" (1991), ҳаммуаллифликда чоп этилган "Handbuch der Phraseologie" каби қўлланмалари диққатга сазовордир.

⁶⁰ Wörter und Wendungen. Wörterbuch zum deutschen Wortgebrauch hrg. von E. Agricola unter Mitwirkung von H.Görner und R.Küfner. 3. Auflage, Leipzig, 1968

⁶¹ Beiträge zur Geschichte der deutschen Sprache und Literatur. Sonderband. E.Karg-Gasterstädt gewidmet. Halle (Saale), 1961

⁶² Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. Leipzig, 1972; Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Leipzig, 1984.

⁶³ Stepanowa M.D., Tschernyschewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975. С.

von etw. Kenntnis nehmen
jmdm. Ruhe geben
ein Mann von Format
ein Mann von Geist
ein Mann von Talent
ein Mann von Wort u.a.

Ушбу гуруҳларнинг баъзилари, масалан, фразеологик бирликлар, фразеологизмларга яқин бўлсада, уларнинг асосий хусусиятларига эга эмаслар. Шунинг учун ҳам улар фразеологик иборалар қаторига қўшилмайди.

Олмон тилида гаплашувчи мамлакатларда фразеологик тадқиқотлар хусусида (Phraseologieforschungen in deutschsprachigen Ländern)

Ғарб тилшунослигида, шу жумладан, олмон тилида гапирувчи мамлакатлар тилшунослигида турғун сўз бирикмаларининг илмий таҳлили амалий тадқиқотлардан бирмунча ортда қолди. Сўнгги икки аср давомида турли бир тили иборалар луғатлари билан бир қаторда икки, кўп тили фразеологик луғатлар ҳам чоп этилди (бу ҳақда «Фразеография» бўлимида батафсил тўхталамиз).

Ушбу ўринда олмон тили идиомалар луғати муаллифи таниқли олим В.Фридерихнинг луғат сўзбошисида келтирилган сўзлари диққатга сазовордир: "Idiomatische Wendungen haben von jeher zum Tummelplatz vieler Sprachinteressen gehört. Es gibt eine erstaunlich große Zahl von Büchern, in denen solche Wendungen aufgeführt und erklärt werden – oft in humoristischer Form, mit Zeichnungen und Anekdoten über ihre Anwendung oder Entstehung. Um so überraschender ist die Tatsache, daß es nur sehr wenige Bücher gibt, die sich sachlich objektiv mit solchen Wendungen befassen, ja daß sogar der Begriff "idiomatische Wendung" bis heute nicht eindeutig festgestellt ist".⁵⁹

Дарҳақиқат, турғун сўз бирикмаларини илмий ўрганиш илк бор Ф.Зайлернинг 1922 йилда Мюнхенда чоп этилган "Deutsche Sprichwörterkunde" асаридан бошланган. Асарда биринчи бор мақол ва маталлар, турли турғун сўз бирикмалари ички ва ташқи қурилиши, этимологияси, баъзи структур ўзгаришларига кўра чуқур таҳлил қилинган. Бу асардан сўнг маълум даврга қадар германистикада бу ҳақда монографик илмий ишлар қилинмади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг собиқ Германия Демократик Республикаси ҳамда Совет Иттифоқи олимларининг изланишлари

⁵⁹ Friderich W. Moderne deutsche Idiomatik. München, 1966, S.7. Цитата олинди: Stepanowa M.D., Tschernyschewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975. С. 201

натижаси ўлароқ қатор илмий ишлар эълон қилинди. Булар орасида алоҳида диққатга сазовор ишлардан таниқли луғатшунос Эрхард Агриколанинг "Wörter und Wendungen" луғати сўзбошиси сифатидаги "Einführung in die Probleme der Redewendungen" мақоласи⁶⁰ ҳамда олти томлик «Ҳозирги замон олмон тили луғати» муаллифларидан бири, устоз олима Рут Клаппенбахнинг "Feste Verbindungen in der deutschen Gegenwartssprache"⁶¹ мақолаларини тилга олиш мумкин.

Собиқ Иттифоқ олимларининг фразеологик тадқиқотлари таъсирида сўнги йилларда олмон тили фразеологиясининг турли аспекти атрофлича ўрганилмоқда. Бу борада В.В.Виноградовнинг семантик классификациясини моҳирона ривожлантирган олмон лексикологи Теа Шиппаннинг монографик ишларини алоҳида таъкидлаш лозим⁶².

Машҳур Ш.Баллининг ватандоши швейцариялик тилшунос Ҳаральд Бургернинг "Idiomatik des Deutschen" монографияси ҳамда бошқа бир қатор мақолалари олмон тили фразеологиясининг янгича йўналишдаги таҳлилга бағишланган. Юқорида эслатилган монография ҳақида М.Д.Степанова ва И.И.Чернышёва ёзадилар: "Eine bedeutende Erscheinung in der deutschsprachigen Germanistik stellt die Arbeit der Schweizer Linguisten "Idiomatik des Deutschen" von H. Burger unter Mitarbeit von H.Jaksche dar. Es ist nach F.Seiler praktisch die erst größere Arbeit, die sich mit der phraseologischen Problematik der deutschen Gegenwartssprache auseinandersetzt. Das Buch ist ein linguistischer Hinführungskurs und setzt sich zum Ziel, die Aufmerksamkeit der Studenten auf ein Gebiet der deutschen Sprache zu lenken, "daß in der germanistischen Forschung bisher meist nur am Rande behandelt wurde". H.Burger betont die Tatsache, das die Idiome in den jüngsten Diskussionen um Grammatik – Theorien eine wichtige Rolle gespielt haben, weshalb "ihre linguistische Beschreibung für künftige Theorien der Sprachverwendungen von größter Tragweite sein dürfte".⁶³

Ҳақиқатан ҳам бу соҳада Ҳ.Бургернинг сўнги йилларда чоп этилган "Normative Aspekte der Phraseologie" (1987), "Phraseologie und Intertextualität" (1991), ҳаммуаллифликда чоп этилган "Handbuch der Phraseologie" каби қўлланмалари диққатга сазовордир.

⁶⁰ Wörter und Wendungen. Wörterbuch zum deutschen Wortgebrauch hrg. von E.Agricola unter Mitwirkung von H.Görner und R.Küfner. 3. Auflage, Leipzig, 1968

⁶¹ Beiträge zur Geschichte der deutschen Sprache und Literatur. Sonderband. E.Karg-Gasterstädt gewidmet. Halle (Saale), 1961

⁶² Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. Leipzig, 1972; Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Leipzig, 1984.

⁶³ Stepanowa M.D., Tschernyschewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975. С. 202

фразеологик – семантик группалар) ҳамда синтагматикаси (сўз бирикмаси шаклидаги иборалар, ўз валентлиги ва дистрибуцияси, фразеологик деривация) га эга ҳамда улар ўзаро муносабатда тўлиқ системани яратадилар.

Демак фразеологизмлар сўз каби тилда ўзининг функционал номинация ва коммуникация воситаси вазифасини ўтайдилар. Уларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири уларда ҳам пастки, ҳам юқориги сатҳ элементлари белгиларининг мавжудлигидир.

Сўз маъноси уни ташкил қилувчи морфемалар йиғиндисига боғлиқ бўлса (қайси сўз туркумига хослиги, валентлик ва дистрибуцияси, денотатив – сигнификатив боғлиқлиги), фразеологизмларда бу ҳодиса ўзгача. Фразеологизмлар маъноси уни ташкил қилувчи компонентларнинг маънолар интеграцияси (йиғиндиси) асосида кўчма денотатив – сигнификатив йўналтирилган бутунликни ташкил этади.

Фразеологик интеграция асосида тилда янги ташкил топган бирлик маъноси юзага келади. Шу билан бирга иборанинг интеграцияланган баъзи компонентлари, баъзида эса барча компонентлари ўзларининг асосий хусусиятларини йўқотадилар.

Интеграция даражаси қанчалик юқори бўлса, фразеологизмларни ташкил қилувчи сўзлар ўз маъносидан шунчалик узоқда-шади, ва аксинча, интеграция даражаси қанчалик сўст бўлса, ибора эркин сўз бирикмаси ва эркин гапга яқин бўлади.

Фразеологик системанинг маркази ва периферияси⁶⁸ (Zentrum und Peripherie des phraseologischen Systems)

Юқорида таъкидлаганимиздек, кўпчилик олимлар томонидан фразеологиянинг систем характерга эга эканлиги эътироф этилган. Лекин фразеологик системани системлашган элементлар орасидаги парадигматик, тематик муносабатлар мавжудлиги билан асослаш етарли бўлармикин? Албатта, ушбу семантик оппозициялар маълум даражада фразеологик система ҳам систем характерга эга эканлигини тасдиқлайди, лекин уларнинг тарқоқ ҳолда исбот тариқасида келтирилиши системанинг аниқ шаклланганлиги ҳақида тўла тасаввур бермайди. Дарвоқе, «система», «систем муносабатлар» каби сўзларга эркин муносабатда бўлишнинг ўзи фразеологиянинг систем характерга эгаллигини исботламайди. Бизнинг назаримизда фразеологиянинг систем характери, фразеологик birlikларнинг системали равишда ташкил топиши тўла очиб берилмаган. Шунинг учун бизни фақатгина система

⁶⁸ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: М.И.Умарходжаев. Основы фразеографии. Т., 1983, с. 21; А.М.Бушуй. О фразеологической и фразеографической концепции проф. Мухтара Умарходжаева. Алдижан, 2009.

мавжудлиги эмас, балки маълум бирликлар муносабатлари, уларнинг системалилик даражаси қизиқтиради.⁶⁹

Сўнги пайтларда тилнинг систем характерини янада яққолроқ очиб бериш мақсадида тил қуйи системаларининг ҳам систем характерга эга эканлигини исботловчи бошқа қатор фактлар келтирилмоқда.

Тилнинг ана шундай шаклланишидаги универсал принциплар, система яратувчи факторлардан бири тилнинг қуйи системаларидаги ҳам марказий, ҳам периферик элементларнинг мавжудлигидир.⁷⁰

Дарҳақиқат, маълум системанинг марказий ва периферик элементларини аниқлаш, уларнинг бошқа система элементлари билан ўзаро алоқа муносабатларини тиклаш нафақат ўша қуйи системанинг система эканлиги, балки тилнинг ўзи тўла систем характерга эга эканлигини ёритиш учун ҳам хизмат қилади. Тил ушбу тарзда ёндошиш орқали ҳам статик, ҳам динамик кўринишда ўрганилади. Чунки бир системанинг марказий бирликлари тил ривожини натижасида периферияга ўтиб қолиши, ёки бошқа система элементига айланиши, яъни ўзгача функционал маъно касб этиши мумкин. Бу борада биз учун фразеологик ва лексик системаларнинг ўзаро муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки фразеологик система элементлари, ибораларнинг ресурслари лексик система манбасидан олинади, яъни нафақат лексик бирликлар, балки сўзларнинг баъзи бир маъноларини системалараро доимий ўзаро ўзлаштириш процесси мавжуд. Бу ўзлаштирилган сўз ёки маъно эса фразеологик система принципларига бўйсунди.

Лексик ва фразеологик системаларнинг ўзаро чуқур алоқаларини исботловчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, архаик, историк компонентларга эга бўлган фразеологизмлар фразеологик системанинг ядросини ташкил этса, худди шу компонентлар лексик система нуқтаи назаридан периферияда жойлашади. Ёки кўп маъноли сўзларнинг баъзи маънолари лексик системанинг перифериясида бўлса, ушбу периферик маъно фразеологик системанинг марказий элементларини шакллантиришда иштирок этади.

Лексик ҳамда фразеологик системаларнинг марказий ва периферик элементларини аниқлаш мақсадида биз уларнинг аҳамиятли белгиларига асосий эътиборни қаратдик. Бу борадаги дастлабки тезисимиз — фразеологик сатҳда фразеологик

⁶⁹ Виноградов В.В. Всегда ли система система? В кн.: Система и уровни языка. М., 1969, с.250

⁷⁰ Бу ҳақда қаранг: Dames F. The Relation of Center and Periphery as a Language Universal; Vachsen J. Les Problèmes du center et de la peripherie du systeme de la langue; Filipes J. Probleme des Sprachzentrums und der Sprachperipherie im Wortvertragsystem; Travaux linguistiques de Prague les probleme de center et de la peripherie du systeme de la langue. Akademie Prague, 1966; Живов В.М., Успенский Б.А. Центр и периферия в языке в свете языковых универсалий. ВЯ., 1973, №5; М. Умарходжаев. Центр и периферия во фразеологии // Известия АН. Серия литературы и языка. Т.39, Москва, 1980.

системанинг марказий ҳамда периферик элементлари мавжуддигидир.

Марказий ва периферик элементларни аниқлашда турли критерийлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, масалан, элементларнинг интеграция даражаси, тилдаги функционал вазифаси ҳамда қўлланиш частотаси ва б. Шу билан бирга, бизнинг назаримизда, биринчидан, фразеологик системанинг марказий ва периферик қисмларини ажратишда асосий критерий фразеологизмларни ташкил қилувчи компонентларнинг интеграция даражаси бўлса, иккинчидан, компонентлар лексик маъноларининг қай даражада йўқолиш (сўниш) даражасига боғлиқдир.⁷¹

Биринчи критерий орқали фразеологик иборанинг шаклланишида иштирок этган сўзларнинг «сўзлик» хусусияти сақланиб қолганми ёки йўқми деган саволга жавоб аниқланади, чунки маълум ҳолларда сўзнинг индивидуаллиги сақланиб қолиши кузатилади, баъзан эса индивидуал маъно «йўқотилади».

Компонент маъносининг йўқотилиши (Entleerung der Komponentenbedeutung)

Фразеологизмларнинг компонентлари «сўзми» ёки «сўз эмасми» деган саволга жавоб топиш нафақат фразеология учун, балки фразеография учун ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу ерда масала шундаки, фразеологизм компонентлари ўзининг номинатив, асосий ёки кўчма маъносини ибора таркибида сақлаб қололганми ёки маънонинг «сўниши», йўқотилиши юз берганми деган муаммо ечими ёритилиши лозим. Гап бунда компонентлар маъносининг кўчиши ҳақида эмас, балки маъноларнинг «сақланиши» ёки «йўқотилиши» ҳақида кетмоқда. Чунки умумий кўчма маъно асосида фразеологизм юзага келади, аниқ бир десигнатга эга бўлади, компонентлар эса ўз номинатив функцияларини йўқотади, маъно «сўниши» юзага келади, натижада маъноси йўқотилган компонентга ҳеч қандай десигнат тўғри келмайди, шу билан бирга компонент янги маънога ҳам эга бўлмайди, улар грамматик, парадигматик ва бошқа хусусиятларини йўқотадилар.

Маъно йўқотилиши даражаси турли фразеологизмларда турлича кечади. Шундай қилиб, тилдаги «кўп маънолик» тушунчаси билан «маъно йўқотилиши» тушунчаларини аниқлаш зарурияти туғилади. Маъно йўқотилиши жараёнида сўзнинг десигнатини маъно белгисидан ажратиб олиш қийин. Десигнат

⁷¹ Рус тилида ёзилган ишларимизда «опустошение компонента» термини орқали фразеологизм таркибида иштирок этган сўзлар лексик маъноларининг қай даражада «йўқолиш», «сўниш» даражасини номлаган эдик. Қаранг: М.И. Умарходжаев. Основы фразеографии. Автореф. докт. дисс. М., 1981. Основы фразеографии. Монография. Т., 1983.

сўзнинг маъноси тарқоқ, аниқланиши қийин, кўп ҳолатларда мазмунга эга эмас.

Эркин сўз бирикмаларида эса бу ҳолат ўзгача, масалан, "Ein guter Morgen" синтагмасида "Morgen" ва "gut" сўзларининг десигнати алоҳида – алоҳида, ажралган ҳолда мавжуд. Турғун сўз бирикмаларида бундай ҳолат кузатилмайди. Десигнат яхлит, бўлинмайдиган характерга эга. Масалан, "Guten Morgen" фразасида фақат ибора миқёсида десигнат боғлиқлиги аниқланиши мумкин, чунки фраза компонентлари ўз десигнатларидан узоқлашган. Хаттоки ушбу ибора кундалик оғзаки нутқда "п' Мојен" шаклида ҳам келиши кузатилади. Биринчи ҳолатда эркин сўз бирикмаси таркибида "gut" сўзи ўзининг «яхши, чиройли, гўзал» маъноларида келса, иккинчи ҳолатда турғун сўз бирикмасида "gut" сўзи қайси маънода келганлигини аниқлаш қийин, чунки сўзнинг конкрет лексик маъноси «сўнган», умумифода маъносига қоришиб кетган. Эркин сўз бирикмасида кўпмаънолилик йўқолади, кўп маъноли сўзнинг маълум маъноси конкретлашади, икки хил тушуниш йўққа чиқади.

Турғун бирикмаларда эса сўзнинг сўнган, йўқотилган маъноси иборанинг умумфразеологик маъносига сингиб, қоришиб кетган. Образли ўхшатиш қилсак, ёнғоқнинг «шакли, танаси» сақланган ҳолда, «мағзи» пуч.

Фразеологизмлар компонентларининг семантик «пуч»лиги даражасини аниқлаш, бир томондан, ўша сўзнинг эркин маъноси билан фразеологик ибора ичидаги маъноларининг қай даражада узоқ ва яқинлигини аниқлашга ёрдам қилса, иккинчи томондан ушбу бирликнинг бошқа бирликлар қаторида қай даражада бирикканлигини кўрсатади.

Ушбу қoidанинг исботини "abschneiden" феъли мисолида кўришимиз мумкин. «Ҳозирги замон олмон тили луғати»да⁷² ушбу феълнинг қуйидаги маънолари ажратилган:

1. etw. schneidend abtrennen
2. den Weg verkürzen
3. jmdm. von etw. abtrennen
4. etw. (bereits) Begonnenes vereiten

Ушбу маънолар конкрет характерга эга. Бундан кейин метафорик характерга эга маънолар ажратилади:

- a) j-m die Flucht, den Rückzug, den Weg (zur Tür) abschneiden
- b) j-m das Wort, die Rede abschneiden

Ушбу феълнинг фразеологик ибораларни шакллантиришдаги маъно иштироки ажратилади:

bei etw. gut abschneiden (etw. mit einem guten Resultat)

⁷² R.Klappenbach, W.Steinitz. Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache. Bn.2, Berlin, 1968, S.58

abschließen); da kann mancher (andere) eine Scheibe abschneiden (ein Beispiel nehmen).

Ушбу иборалар таркибидаги "abschneiden" феълнинг қандай десигнатга тааллуқлигини, десигнатнинг релевант белгиларини аниқлаш қийин, чунки иккала иборада ҳам мазкур фразеологизм ўзининг яхлит десигнатига эга. Шунинг учун ҳам фразеологизмни шакллантиришда иштирок этган компонент кўп маънога эгами ёки маъноси йўқотилган сўзми, деган саволга, албатта, «маъно йўқотилган» деб жавоб беришимиз табиий.

Фразеологик системанинг марказий ҳамда периферик қисмларини аниқлашда биз компонентлар интеграцияси билан бир қаторда компонентлар маъноларининг «сўниш» даражасини асос қилиб олдик. Чунки тилнинг фразеологик фондида маъноларини турли даражада йўқотган компонентли фразеологизмлар мавжуд.

Шундай қилиб, фразеологик системанинг марказий қисмида компонентлари ўзларининг лексик маъноларидан максимал даражада узоқлашган ва юқори даражада маъно интеграциясига эга бўлган турғун бирикмалар жойлашади. Бундай бирикмаларнинг фразеологизация даражаси яққол намоен бўлиб, фразеологик системанинг бошқа бирикмалари учун эталон, намуна вазифасини ўтайди.

Марказнинг намунавий белгиларга эга бўлган ядроси мавжуд. Масалан, *j-m den Garaus machen, auf den Kien sein, den Drehwurm haben, mit Kind und Kegel, ein Brett vor dem Kopf haben, einen Narren an j-n gefressen haben*; ўзбек тилида солиштиринг — дили сиёх, бой бермоқ, тан олмоқ, адмисокдан колган, истараси иссиқ, сўхтаси совуқ, бир ёкадан бош чиқармоқ ва б.

Бундай иборалар тилда фақат фразеологик маъноси билан мавжуд, эркин сўз бирикмаси сифатида учрамайди, компонентларнинг баъзилари архаик маънога эга. Марказнинг ядросида фразеологизация процесси тугалланган турғун сўз бирикмалари жойлашган. Марказнинг ўзида юқорида кўрсатилган барча фразеологизмларнинг характеристикасига эга бўлган аксарият турғун сўз бирикмалари жойлашган бўлиб, улар ядрога жойлашган фразеологизмлардан эркин сўз бирикмаси прототипи мавжудлиги билан фарқ қилади. Улар фразеологик маънога эга бўлиш билан бир қаторда баъзан компонентларнинг лексик маъноси туфайли эркин сўз бирикмаси сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, *eine reine Weste haben* — доғ тушмаган обрў, ҳурматга сазовор бўлмоқ, эркин сўз бирикмаси сифатида эса «камзули тоза бўлмоқ», худди шу каби *in den Eimer gucken, einen Korb geben*, и.а. Ўзбек тилида таққосланг: оғзига талқон солмоқ, суяги йўқ, яхши кўрмоқ ва б.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, фразеологизмлар ўзларининг прототиплари — эркин сўз бирикмаларидан қатор хусусиятлари билан фарқланади.

Биринчидан, фразеологизмлар тилда эркин сўз бирикмаларидан кўра кўпроқ қўлланади. Қиёсланг: *bei Wasser und Brot sitzen* ибораси икки маънода, ўзбек тилидаги бир ёстикка бош қўймоқ — икки маънода ишлатилиши мумкин.

Иккинчидан, фразеологизмлар ўз структурасида (баъзи вариантларни ҳисобга олмаганда) модификацияга йўл қўймайди. Масалан, *sie gab ihm einen Korb* фразеологик ибораси эркин сўз бирикмаси тарзида хоҳлаганча ўзгариши мумкин: *Sie gab (reichte, übergab) ihm zwei (drei große, schöne) Körbe*.

Эркин сўз бирлигида фразеологик маъно пайдо бўлиши билан бирикнинг тўғри маъноси иккинчи планга ўтади ҳамда фразеологик маъно асосий, кўп қўлланадиган ва типик маънога айланади.

Структурасига кўра марказий иборалар турли бўлади. Бир қатор феъл компонентли фразеологик бириклар билан бир қаторда субстантив, мақол, матал, ҳикматли сўзлар, ундов компонентли, маъноси «сунган» иборалар фразеологик бирикмалар таркибига киради. Масалан, *dicke Luft, totgeborenes Kind, da liegt der Hund begraben, einem geschenktem Gaul, sieht man nicht ins Maul, wo drückt der Schuh?* у.а.

Шундай қилиб, фразеологик системанинг ядро ҳамда марказида қуйидаги турғун сўз бирикмалари жойлашади:

1. Камида икки компонентдан ташкил тошган, структура жиҳатидан сўз бирикмаси ёки гап шаклидаги турғун бирикмалар
2. Компонентларининг маъно структураси ўзгарган, натижада лексик маъноси йўқотилган бирикмалар
3. Баъзилари фақат фразеологизм шакли ва мазмуни билан мавжуд (ядро), баъзилари эркин сўз бирикмаси прототиپига эга бўлган бирикмалар (марказ)
4. Монолит маънога эга, турғун структурали, лексик таркибда тайёр ҳолда қўлланниладиган бирикмалар.
5. Юқори эмоционал — экспрессив жозигага, баҳоловчи ва модал характерга эга бирикмалар.

Юқорида қўлланилган критерийлар асосида фразеологик системанинг периферик бирикмаларини ҳам ажратиш олиш мумкин. Буларга биринчи навбатда ўз лексик маъносида ҳамда фразеологик боғлиқ феъл элементлари билан келадиган субстантив турғун бирикмалар киради. Масалан, *in Schrecken (ver)setzen, zur Kenntnis bringen, außer Kraft setzen, ins Rolle bringen*.

Ушбу турғун бирикларда феъл ўзининг маълум маъносига эга, маъно тўла йўқотилган эмас.

Қатор боғланишли турғун сўз бирикмалари ҳам периферияда жойлашади. Масалан, *blinder Haß, Zorn; blinde Wut, Gier*.

Бундай гуруҳларда кўча маънога эга бўлган компонентлардан бири бир қатор сўзлар билан боғланиб келади. Бу ерда маъно «пуч»лиги сезилмайди, балки кўп маъноли сўзнинг маъноларидан бири ишгирик этади.

Периферик гуруҳга яна ўзларининг лексик маъноларидан узоқлашган, кўча маъно бўлса ундан ҳам узоқлашган, асосий маъно билан алоқа узилиши натижасида маъно пучлиги сезилмайдиган турғун компонентли иборалар киради. Бундай ибораларнинг умумий маъносини уларни ташкил қилувчи компонентларнинг лексик маъносидан осонлик билан фарқлаш мумкин. Масалан, *weiß wie Schnee, schlau wie ein Fuchs*.

Ўзига хос хусусиятга эга бўлган, ягона боғланиш орқали юзага келган иборалар ҳам перифериядан жой олади.

Масалан, *blutiger Anfänger, grüner Neid, blinder Passagier*.

Бу ерда blutiger, grüner, blinder сўзлари маълум отлар билан қўшилиб ишлатилиши натижасида ўзларининг лексик маъноларидан ўзоқлашган ва маъно йўқотиш даражасига яқинлашган.

Фразеологик системанинг энг чекка қисмида ўз лексик маъноларини йўқотмаган мақол ва ҳикматли сўзлар жойлашади, уларнинг компонентлари ўз номинатив маъносини сақлаб қолган. Масалан, *besser spät als nie*, ўзбек тилида «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда».

Хулоса қилиб айтганда тил фразеологик системасида марказий ҳамда периферик элементлар бирикмалари фаолият кўрсатади. Ушбу бирикмаларда марказга интилиш (*Zentrifugal*) ва марказдан қочиш (*Zentripedal*) хусусиятлари мавжуддир. Периферик элементлар бир томондан лексема сатҳи томон интилсалар, иккинчи томондан гап сатҳи томон интилади. Мақолларнинг бир гуруҳи марказ томон интилса, иккинчи гуруҳи периферия томон яқинлашади.


Дарвоқе, компонентлари ўз лексик маънолари асосида қўлланган мақоллар периферияга интилса, компонент маънолари йўқотилган мақоллар марказ томон яқинлашади.

Марказга интилувчи куч яхлит фразеологик маънонинг бевосита номинативиясини шакллантирса, яъни фразеологизмнинг ички умум контекстини денотатга йўналтирса, марказдан қочувчи куч компонентларнинг маълум маъно мустақиллигини сақлаш учун хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, бир томондан, марказ билан периферия элементларини аниқ фарқлаш қийин бўлса, иккинчи томондан периферик гуруҳларнинг ўзини ички томондан фарқлаш мушкул. Чунки улар доимо ривожда ҳамда бири иккинчисига ўтиб туриши мумкин:

Шундай қилиб, фразеологик иборалар лингвистик эҳтиёж натижасида юзага келган birlikлардир. Улар тилда етишмаётган номинатив ва коммуникатив воситалар бўлиб, табиий борлиқдаги турли ҳодиса ва мураккаб экстралингвистик ҳолатларни ифодалаш учун хизмат қилади. Фразеологик система birlikлари сўзлардан ташкил топган иккинчи даражали элементлар эмас. Улар барча лингвистик birlikлар қаторида ҳар бир тил учун аҳамиятлидир.

Фразеологик birlikларнинг марказ ва периферия назариясини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Фразеологиянинг семантик категориялари (Semantische Kategorien der Phraseologie)

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тилдаги фразеологик иборалар ўз системасига эга. Ушбу системани шакллантирувчи омилардан бири birlikларнинг бир-бири билан парадигматик муносабатда бўлиши, яъни синонимик, антонимик, вариативлик ва деривацион ҳамда полисемантик хусусиятларга эга бўлишидир. Лексик системада мавжуд бўлган ушбу парадигматик хусусиятлар фразеологик системага ҳам тўла хосдир.

Фразеологик синонимия (phraseologische Synonymie)

Тилдаги маъноси ўхшаш фразеологизмлар фразеологик синонимлар дейилади. Улар ҳам лексик синонимлар каби маъно плани, стилистик жилоси ва ишлатилиш доираси жиҳатидан гуруҳларга ажратилади. Бир қатор тиллар, шу жумладан олмон тили фразеологик синонимларининг структур—семантик, функционал хусусиятлари тилшуносларнинг илмий изланишлари объектига айланди.⁷³

Ҳар қандай тилнинг фразеологик иборалари аввало стилистик восита сифатида маълум. Шунинг учун бўлса керак, тилда стилистик жилогга эга, бир—бири билан синонимик муносабатда учровчи иборалар жуда кўп. Ушбу фикрни исботлаш мақсадида қуйидаги бир структурага эга бўлган фразеологик синонимларни келтирамиз:

den Mund halten
die Schnauze halten
den Schnabel halten
die Fresse halten
den Rand halten
die Klappe halten
die Gusche halten
die Pfeife halten

Келтирилган фразеологизмлар бир умумий маънога эга — «жим турмоқ». Лекин уларнинг барчалари бир—биридан стилистик планда фарқланади. Агар *den Mund halten* ибораси адабий тил доирасида бўлса, қолган синонимлар турли стилистик даражадаги фразеологик синонимлардир. Бу бирикларнинг ўзбекча вариантларини солиштириб кўринг. Ёки *jmdm. in die Hände fallen*, *jmdm. in die Klammern fallen* — «қўлга тушмоқ» маъносидagi фразеологик иборалар ўз стилистик жилоси билан бир—биридан фарқ қилади.

Масалан, "sterben" тушунчасини ифодаловчи қуйидаги фразеологик ибораларнинг синонимик хусусиятларини солиштиринг:

die Augen schließen
nicht mehr lange das Licht der Sonne schauen werden
den Löffel wegwerfen
kein Pfund Mehl mehr essen
in die ewige Heimat abberufen werden
zum Kuckuck gehen
in die Grube fahren

⁷³ А.П.Хазанович. Синонимия во фразеологии современного немецкого языка. Канд.дисс. М., 1958; И.И.Чернышова. Явление синонимии и полисемии во фразеологии немецкого языка. ИЯШ., 1960. №6; Г.И.Крамаренко. Фразеологические варианты в современном немецком языке. Смоленск, 1961; Э.И.Зибунцайте. Глагольные фразеологические синонимы в современном французском языке. Канд.дисс., М., 1960; Н.А.Каменускаяте. Синонимы в английской фразеологии. М., 1971 ва б.

ins Grob steigen (umg.)

ins Gras beißen (salopp, derb)

Ўзбек тилидаги «оламан ўтмоқ, вафот этмоқ, кўз юммоқ, бандачилик қилмоқ, ер тишламоқ, қулоғи остида қолмоқ» ибораларини солиштириб кўринг.

Баъзи тилшунослар фразеологик бирикмаларда абсолют синонимия (фразеологик дублет) бўлмайди, деб таъкидласа, бошқалари бунинг аксини ёзади: "Zum Unterschied von der Synonymie in der Lexik gibt es in der Phraseologie eine größere Anzahl von sinn gleichen (absoluten) Synonyme, die im Kontext austauschbar sind. Absolute Synonyme sind hinsichtlich der Semantik und der stilistischen Merkmale identisch".⁷⁴

Бунга мисол тариқасида муаллиф «бирон ишни тескари томондан бошламоқ» маъносини ифодаловчи қуйидаги ибораларни келтиради:

Das Pferd beim Schwanz fassen

Den Aal beim Schwanz fassen

Бизнинг назаримизда фразеологик ибораларда абсолют синонимлар мавжуд эмас деган фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Умуман олганда тил ҳеч қачон бир хилликни тан олмайди. Тил ривожига жараёнида қандай янги бирлик пайдо бўлса, бежиз юзага келмайди, у ниманидир номлайди, ифодалайди. Ушбу ҳолат лексикага ҳам таалуқли. Л.В.Шевелёва келтирган мисол эса бир фразеологизмнинг лексик вариантыдир.

Ҳақиқатан ҳам «ўзаро тенг маънога эга фразеологик синонимларнинг сони жуда оз». Масалан, — деб ёзади У.Турсунов ва бошқа тилшунослар, — «бурни кўтарилди» ва «димоғи шишди» иборалари учун умумий мундарижа «кибрланмоқ» бўлса — да, бу умумий маънонинг гавдаланиши турлича. Бундан қатъий назар, «бурни кўтарилди» иборасига нисбатан «димоғи шишди» иборасида маъно жилоси кучлироқ.⁷⁵

Булардан ташқари баъзи фразеологик синонимлар идеографик нуқтаи назардан, яъни ўзига хос нюанслари билан ҳам бир — биридан фарқланади. Масалан, «маст» маъносини ифодаладиган қуйидаги бирликларни қиёсланг: *einen Affen (sitzen) haben* (оёғида тўролмайди) — *einen (kleinen) Aal haben* (бироз ширакайф).

Маълум территорияларда қўлланишига кўра ҳам фразеологик синонимлар фарқланади. Германиянинг барча ҳудудларида тушунарли «жуда камбағал» маъносини ифодаловчи "*Arm sein wie eine Kirchenmaus*" — сўзма — сўз «черков сичқонидай камбағал» фразеологизми ўрнида шваб диалектида "*Dear haut nix as Läus, und dio send krank* (Er hat nichts als Laus, und die sind krank)

⁷⁴ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.219

⁷⁵ У.Турсунов ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1965, 140—6.

фразеологизми ишлатилади. Берлин диалектида «менга барибир» маъносидаги "Das ist mir Jacke wie Hose" ибораси ишлатилса, Вена диалектида шу маънода "Das ist mir Wurscht", "Das ist mir Pomade" синонимлари қўлланади.

Ўзбек тили диалектларида ҳам ушбу ҳолат кузатилади. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги муаллифлари ёзадилар: «Масалан Қашқадарё области шеваларида этини егандай бўлмоқ – жуда оч қолмоқ, андар – мандарини чиқармоқ – вайрон қилмоқ, ғужури қайнамоқ – гайратга тўлмоқ; Тошкент области шевала – рида токи чалмоқ – бирон ишни ҳаммага овоза, ошкор қилмоқ, тандирни кизигида ёпмоқ – темирни қизигида босмоқ каби фразеологик синонимлар қўлланади».⁷⁶

Структураси турлича бўлган бир гуруҳ фразеологизмлар маъно ўхшашлиги туфайли синонимик муносабатда бўлади. Масалан, «акли жойида эмас» маъносини ифодалаш учун олмон тилида турли фразеологизмлар мавжуд:

Einen Vogel haben
Bei dem Piep's wohl
Nicht alle Tassen im Schrank haben
Bei jmdm. spuckt es im Kopf

«Фойласиз иш билан шуғулланмоқ» маъносини ифодалаш учун ишлатиладиган синонимик қаторга эътибор беринг:

leeres Stroh dreschen
Holz nach dem Walde tragen
Wasser im Siebe tragen
Wasser mit einem Siebe schöpfen

Булардан ташқари бир қатор фразеологик синонимлар тарихий жиҳатдан ҳамда ўзга тиллардан ўзлаштирилганлиги томонидан ҳам фарқланиши мумкин, лекин ундай ҳодисалар кўп учрамайди.

Фразеологик антонимия (phraseologische Antonymie)

Курраи заминда нимаики яратилган бўлса, барчасининг қарама – қарши томони мавжуд. Ер осмонга, ўт сувга, иссиқ совуққа, узоқ яқинга, аччиқ ширинга, ёш қарига, оқ қорага, чиройли хунукка, тоза ифлосга, ҳавас хасадга, абжир танбалга, кенг торга, тўғри ўғрига зид яратилган.

Бу ҳодисалардан фразеологик иборалар ҳам холи эмас. Улар ҳам лексик система элементлари каби ўзларининг антонимик маъноларига эга. Лекин таъкидлаш лозимки, фразеологик антонимлар лексик антонимлардан анча фарқ қилади. Биринчидан, фразеологизмларни ташкил этаётган компонентлар ўзаро антонимик муносабатда бўлмайди, балки умумфразеологик маъно антонимик маъно сифатида хослашади. Иккинчидан, тилда

⁷⁶ Ш.Шоабдурахмонов ва Б. Хозирги Ўзбек адабий тили. Т., 1980, 145 б.

Фразеологик антонимлар лексик антонимларга қараганда кам учрайди.

Масалан, *etw. durch eine fremde Brille sehen*
alles durch seine eigene Brille sehen
etw. durch eine rosa Brille sehen (optimistisch beurteilen)
etw. durch eine schwarze Brille sehen (pessimistisch beurteilen)

Ўзбек тилидаги фразеологик антонимларни қиёсланг:

кимнидир кўкка кўтармоқ — кимнидир ерга урмоқ
юзи ёруғ — юзи шувут
оқ кўнгил — ичи қора
қўли очиқ — қишда қор сўрасанг бермайди
Олмон тилида: *grünes Licht* — *rotes Licht*

Фразеологик полисемия ва омонимия (Phraseologische Polysemie und Homonymie)

Ҳар бир тилнинг фразеологик фондида бирдан ортиқ маънога эга бўлган ҳамда омоним маъноли фразеологик иборалар мавжуд. Улар, албатта, сон жиҳатидан лексик полисемиядан фарқ қилади. Олмон тили фразеологик полисемияси бўйича махсус тадқиқот олиб борган Х.Езиевнинг таъкидлашича, Л.Э.Биновичнинг «Олмонча — русча фразеологик луғат»ида берилган 12000 фразеологик иборанинг минг, аниқроғи 930 таси бирдан ортиқ маънога эга экан!⁷⁷

Фразеологик полисемия ва омонимия ҳодисалари мураккаб ҳодисалардир. Уларни фарқлашда бир қатор комплекс критерийлардан келиб чиқиш лозим. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, баъзи тилшунослар фразеологик ибора билан унинг эркин сўз бирикмасини, яъни прототипини омоним бирликлар деб ҳам қарайдилар. Бундай хусусият барча фразеологизмлар учун хос эмас. Бу ҳақда юқорида алоҳида таъкидлаб ўтдик.

Фразеологик система тараққиёти натижасида фразеологизмлар кўп маънога эга бўла бориши билан бирга баъзан омонимик маънолар ҳам юзага келади.

Масалан, *einen intus haben* — *etw. intus haben*
a) *etw. getrunken haben, betrunken sein*
b) *etw. in Magen haben, gegessen haben*
c) *etw. begriffen haben, etw. kopiert, verstanden haben*
Oder j — n (etw.) *auf die Beine bringen*
a) оёққа турғизмоқ, даволамоқ
b) оёққа турғизмоқ (молиявий томондан)
c) оёққа турғизмоқ (мобилизация қилмоқ)

⁷⁷ Х.Х.Езиев. Полисемия фразеологических единиц современного немецкого языка. Канд.дисс. М., 1969, с.3

- d) оёққа турғизмоқ (ваҳимага солмоқ, безовта қилмоқ)

Фразеологизмларнинг маънолари турли стилистик услубларда қўлланишига кўра ҳам фарқланиши мумкин. Масалан,

j – m Schach bieten

- a) шоҳ эълон қилмоқ
b) кимгадир ҳужум қилмоқ, таҳдид солмоқ
c) ўзини ҳимоя қилмоқ, қаршилиқ кўрсатмоқ⁷⁸

Булардан ташқари кўп маъноли фразеологик иборанинг маъноларидан бири диалектик жилога эга бўлиши, лекин адабий тилда барчага тушунарли бўлиши ҳам мумкин.

Масалан, im Tee sein –

- a) ширакайф бўлмоқ
b) Саксония, Берлин ва ўрта олмон диалектларида – жиннилик қилмоқ, ақли жойида эмас

Олмон тили фразеологик луғатларида фразеологик полисемия ва омонимия алоҳида бирлик сифатида ажратилган ҳолда берилади. Масалан,

1. einen Stich haben (nicht recht bei Verstand sein)
2. etw. hat einen Stich (etw. ist leicht verdorben)

Ушбу семантик ҳолатлар ўзбек тили фразеологик ибораларида ҳам учрайди. Масалан, «қўл кўтармоқ» ибораси маъноларини солиштириб кўринг:

- I. a) бирон нарсани тасдиқламоқ
b) бирор нарсани (автомобилни) тўхтатмоқ
v) таслим бўлмоқ
- II. a) бировни урмоқ ... ва бошқалар.

Фразеологик ибораларнинг таркибий вариацияси (Variabilität der Phraseologismen)

Фразеологик ибораларнинг асосий хусусиятларидан бири компонентларнинг стереотип хоссаси, структуранинг мустаҳкам – лиги ҳамда маъно ўзгаришига сабаб бўлувчи сўзлар билан алмаштириб бўлмаслигидир. Лекин барча фразеологизмлар ҳам абсолют турғунлик ва доимийликка эга эмас. Баъзи фразеологизмлар умумфразеологик маъносини сақлаган ҳолда маълум бир лексик, грамматик вариантларга эга. Ушбу мураккаб лингвистик ҳодиса 1968 йили Россиянинг Тула шаҳрида ўтказилган олий ўқув юрглариаро симпозиумда ҳар томонлама муҳокама қилинган.⁷⁹

⁷⁸ Х.Х.Езнев. Полисемия фразеологических единиц современного немецкого языка. Канд.дисс. М., 1969, с.33

⁷⁹ Проблемы устойчивости и вариативности фразеологических единиц. Материалы межвузовского симпозиума. Тула, 1968

Фразеологик вариантларнинг таҳлили жараёнида узуал ва окказионал ўзгаришларни фарқлаш этиборга моликдир. Узуал фразеологик вариантларда умумфразеологик маъно сақланади, ҳеч қандай семантик ўзгариш рўй бермайди. Шунинг учун ҳам улар фразеологик синонимлардан фарқ қилади. Масалан, "Die Hand im Spiel haben" ибораси "Die Hände" шаклида ҳам умумий маъно сақланган ҳолда ишлатилиши мумкин. Ёки баъзан отнинг кичрайтирилган формаси варианты ишлатилади: *etw. (wie) an der Schnur haben* – *etw. (wie) am Schnürchen haben*.

Шунга ўхшаш: *die Achseln zucken* – *mit den Achseln zucken*
jmdm. an der Gürtel fassen – *jmdm. bei der Gürtel fassen*
ihm brennen die Nägel – *es brennt ihm etw. auf den Nägeln*
mit Galle und Gift – *mit Gift und Galle*
sich mit j–m haben – *sich mit j–m in den Haaren haben*

Олмон тилида қуйидаги фразеологик вариантлар ажратилади ҳамда уларнинг барчасида умумфразеологик маъно сақланиб қолади:

I. Лексик вариантлар – иборанинг баъзи сўзлари алмаштирилиши мумкин. Масалан, *da* liegt der Hund begraben
hier liegt der Hund begraben
viele Hände machen schnell ein Ende
viele Hände machen bald ein Ende
ein Gesicht machen wie *drei* Tage Regenwetter
ein Gesicht machen wie *sieben* Tage Regenwetter
um j–m's Hand *anhalten*
um j–m's Hand *bitten*
j–m den Daumen *halten*
j–m den Daumen *drücken*

II. Грамматик вариантлар

die Hand im Spiel haben
die Hände im Spiel haben
die Achseln zucken
mit den Achseln zucken
mit j–m *ins* Gericht gehen
mit j–m *zum* Gericht gehen
j–n *auf den* Händen tragen
j–n *auf* Händen tragen

III. Орфографик ва фонетик вариантлар.

sich *lieb Kind* machen
sich *Liebkind* machen
etw. aus dem ff können
etw. aus dem Efeeff können

darauf kannst du Gift nehmen

drauf kannst du Gift nehmen

Булардан ташқари тўлиқ ва қисқа шакллар, компонентлар ўрни алмашишига кўра ҳам фразеологик вариантлар mavжуд.

Фразеологик деривация (phraseologische Derivation)

Тил луғат бойлиги нафақат янги сўзлар ҳисобига, балки фразеологик иборалар ҳисобига ҳам кўпайиб боради. Тилнинг мустақил бирлиги сифатида шакланган фразеологизм асосида бир қатор фразеологик дериватлар ясалиши мумкин. Масалан, "Stille Wasser sind tief" ибораси асосида "stilles Wasser" ибораси пайдо бўлган. Гётенинг "Das war also des Pudels Kern" ҳикматли сўзи асосида "des Pudels Kern" ибораси келиб чиққан.

Фразеологик системанинг лексик система билан узвий алоқасини исботловчи қатор фразеологизмлар асосида ясалган кўшма сўзларга эътибор беринг:

die Klinke putzen — der Klinkenputzer

Stroh dreschen — die Strohdrescherei

Олмон ва ўзбек тилларидаги *jmdm. die Augen auswischen* — бировнинг кўзини бўямок фразеологизмларидан бир хил дериват ясалгани диққатта сазовордир.

Олм. *jmdm. die Augen auswischen* — 1. Augenauswischer
2. Augenauswischerei

Ўзб. кимнингдир кўзини бўямок — 1. кўзбўямачи
2. кўзбўямачилик

Таъкидлаб ўтиш лозимки, баъзи дериватлар фразеологизм — ларга нисбатан кўпроқ қўлланар экан.

ЛЕКСИКОГРАФИЯ (LEXIKOGRAPHIE)

Ҳар қандай халқнинг бетакрор миллий бойлиги унинг ўз сўзлари ҳамда турғун ибораларидир. Замон ва макон таъсирида тилнинг луғат бойлиги доимий равишда ривожланиб боради. Ҳаёт, турмуш тарзи, тараққиёт ва кашфиётлар янги-янги сўзлар, тушунчаларни дунёга келтиради, баъзи сўзлар эса эскириб истеъмолдан чиқади. Ана шундай динамик ривождаги бебаҳо бойликни ўз вақтида тарих зарварақларига мухрлаш, тилнинг олтин саҳифаларини дурлар билан тўлдириб бориш фақат матонатли, заҳматкаш, фидокор тилшунос сиймоларгагина насиб этади. Бундай буюкларнинг номи абадий ҳурматда бўлади.

Бунинг ёрқин исботи учун бобомиз Маҳмуд Кошғарий номини тилга олиш kifоядир. Унинг қарийб 1000 йил илгари яратган туркий тиллар таҳлилига бағишланган «Девону луғатит турк» асари барча туркий халқларнинг бетакрор бойлиги

ҳисобланади. Маҳмуд Кошғарийнинг номи эса тарих саҳифаларига абадий муҳрланди.

Дарвоқе, тил луғат бойлигининг нисбатан тўлиқ таҳлили фақат луғатлар орқали амалга оширилиши мумкин. **Луғатлар тузишнинг назарий ва амалий соҳалари билан шугулланувчи фан лексикография деб номланади.** Lexikographie — грек тилидан олинган бўлиб, lexicon — Wörterbuch, grapho — ich schreibe, яъни сўзни изоҳлаш, ифодалаш маъносини беради.

Дунё лексикографияси минг йиллик тарихга эга бўлса — да, унинг асосий ривожини кейинги икки — уч асрга тўғри келади. Илк бор оз сонли сўзлар ва иборалардангина ташкил топган қўлзмалардан бошланган луғатлар ҳозирги кунга келиб тилларнинг юз минглаб сўзларини ўз ичига олиб, минглаб ададда чоп этилмоқда. Кейинги йилларда лексикографиянинг фақатгина амалий томони эмас, балки назарий йўналиши, объекти, предмети шаклланди. Луғат тузиш назарияси, амалиёти тилшуносликнинг махсус соҳасига айланди. Луғатшунослик тилшуносликнинг мана шундай ўта машаққатли, ўта масъулиятли соҳаси бўлганлиги сабабли ушбу савобли йўналиш билан етук, фидокор, миллатпарвар олимлар шугулланмоқдалар.

Луғат тузиш ишнинг нақадар машаққатли эканлиги, тузувчиларнинг фозил, сабрли, ҳар қандай майда — чўйда элементларга ҳам ўта синчковлик билан ёндошувчилар эканлигини камини Берлин академияси луғатшунослик бўлимида кузатган эдим. "Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache" луғати тузилиши жараёнини кузатар эканман, устоз луғатшунос олима Рут Клаппенбах ва унинг раҳбарлигидаги луғат тузувчилар ҳар бир сўзнинг фонетик шакли, морфологик қурилиши ва маъно турларини бир неча юзлаб, ҳатто минглаб узоқ тарихий манбалар — дан олинган тасдиқловчи мисол — картотекалар орқали ҳозирги кундаги аниқ ҳолатини ифодалаганларига гувоҳ бўлганман. Рут Клаппенбахнинг иш столи ёнидаги деворда ўрта асрнинг машҳур филологи Юстус Скалигернинг луғат тузишнинг нақадар машаққатли, оғир ва шарафли иш эканлигини бетакрор ўхшатишлар орқали ифодалаган ушбу мисралари жой олган эди:

Агар кимдир оғир меҳнату, азобларга маҳкум этилган бўлса, унга темирчи — ю, кончилар машаққатини раво кўрмай қўя қол — да, унга луғат тузишни буюр; шу ишнинг ўзиёқ барча машаққатларнинг машаққатлироғидир.

Ушбу шеърнинг русча таржимаси назарий лексикография — нинг асосчиларидан бири, машҳур тилшунос академик Л.В.Щербанинг ҳам эътиборини тартган экан.⁸⁰

Если в мучительские осуждён кто, руки,

⁸⁰ Л.В.Щерба. Языковая система и речевая деятельность. Ленинград, 1971, с.313

Ждёт бедная голова печали и муки.
 Не вели томить его делом, кузнец, трудных,
 Не посылать в тяжкие работы мест рудных.
 Пусть лексикон делает — то одно довлеет,
 Всех мук роды сей един труд в себе имеет.

Шу ўринда Л.В.Щербанинг луғатшуносликнинг аҳамияти ва машаққатларини инобатга олган ҳолда «Мен тилшунослиқда луғатшунослиқдан кўра жиддийроқ соҳани билмайман» деб айтган сўзларини келтириш юқоридаги фикрларни исботлайди.

Олимнинг 1939 йил 27 сентябрь куни собиқ Иттифоқ Фанлар Академияси тил ва адабиёт бўлимида қилган «Опыт общей теории лексикографии» номли доклади назарий лексикографиянинг шаклланишига асос солди. Л.В.Щербанинг луғат турларини уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро қиёслаб ўрганиш ва таҳлил қилиш назарияси ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Шарқий Европа ҳамда рус луғатшунослиги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда олим олти қарама-қарши принциплар асосида луғатларнинг қуйидаги типларини таклиф этади:

1. Akademiewörterbücher — Nachschlagewörterbücher
2. Enzyklopädisches Wörterbuch — allgemeines Wörterbuch, vollständiges einsprachiges Wörterbuch
3. Thesaurus — Bedeutungs- bzw. Übersetzungswörterbuch
4. alphabetisches Bedeutungs- bzw. Übersetzungswörterbuch — ideographisches Wörterbuch
5. Bedeutungswörterbuch — zwei oder mehrsprachiges Übersetzungswörterbuch
6. synchronisches Wörterbuch — historisches (diachronisches) Wörterbuch

Л.В.Щербанинг луғатлар типологияси сўнги йилларда турли тиллар луғатларини тузиш тажрибаси асосида ривожлантирилди. Масалан, И.В.Раҳманов Л.В.Щерба назарияси асосида олмон тили луғатларини тўрт гуруҳга ажратади:

1. Wörterbücher, die auf die Herkunft des Wortes und die Entwicklung seiner Bedeutung ergeben:
 - a) etymologisches Wörterbuch
 - b) historisches Wörterbuch
2. Wörterbücher, die Wortbedeutung und den Wortgebrauch in der Gegenwartssprache erschließen:
 - a) Bedeutungswörterbuch, Handwörterbuch oder erklärendes Wörterbuch
 - b) zweisprachiges Wörterbuch

- c) Stilwörterbuch
 - d) phraseologisches Wörterbuch
 - e) Synonymwörterbuch
 - f) Sachgruppenwörterbuch
 - g) Fremdwörterbuch
 - h) Fachwörterbuch
 - i) Rotwelsch – Wörterbuch
 - j) mundartliches Wörterbuch
3. Wörterbücher, die den Lautbestand und die Rechtschreibung der Wörter angeben:
- a) Aussprachewörterbuch
 - b) Rechtschreibungswörterbuch
4. Wörterbücher, die die Begriffe (Gegenstände, Erscheinungen sowie Eigennamen) erschließen:
- a) Konversationswörterbuch oder –lexikon
 - b) Sachwörterbuch
 - c) Bildwörterbuch⁸¹

Сунги йилларда назарий лексикографиянинг бир қатор янги соҳалари атрофлича ўрганилди. Чунки лугат тузиш ҳозирги кунда комплекс илмий ва ташкилий муаммоларни ҳал қилиш орқали амалга оширилиши табиий. Бу ўринда лексикографиянинг кейинги йилларда тез ривож топаётган «Ўқув лексикографияси» – «Unterrichtsbezogene Lexikographie» йўналиши ютуқлари диққатга сазовордир. Бу соҳада рус тилшунослари А.А.Новиков, П.Н.Денисов, В.В.Морковкинларнинг илмий ва амалий ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.⁸²

Ўқув лексикографиянинг шаклланишида П.Н.Денисовнинг докторлик диссертацияси, бир қатор илмий мақолалари, «Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии» монографияси ҳатта аҳамиятта эга бўлди.⁸³

Дарвоқе, жаҳон тиллари назарий лексикографияси тарихига назар ташласак ҳамда ушбу йўналишни тилнинг тарихи, грамматикаси, фонетикаси ва бошқа соҳаларини ўрганувчи фанлар билан қиёсласак, лексикография соҳасида қилинган илмий тадқиқотлар дарёдан томчига ўхшайди.

Машҳур лексикограф Л.Згустанинг ёзишича, дунёда лексикография бўйича қилинган ишлар адади йигирматага яқин экан холос.⁸⁴

⁸¹ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. М., 2004, S.185

⁸² П.Н.Денисов, В.В.Морковкин, А.А.Новиков. Проспект учебного словаря сочетаемости слов русского языка. Изд.МГУ, 1971. Словарь сочетаемости слов русского языка под ред. Денисова П.Н. и В.В.Морковкина. М., 1972

⁸³ П.Н.Денисов. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии. Изд. МГУ. М., 1974

⁸⁴ L.Zgusta. Manual of Lexicography. Praha, Academica, 1971.

Л.А.Новиков ўзига хос «Ўқув луғатлари» типологиясини таклиф қилади. Унинг фикрига кўра ўқув луғатлари парадигматик – синтагматик, семасиологик – ономасиологик, бир тилли – икки тилли луғатлар ҳамда тилнинг махсус систем бирликлари – сўз яшаш, частотали, валентлик ва дистрибуция луғатларидан иборат бўлиши лозим.

Турли вақтларда ҳам сон, ҳам сифат нуқтаи назаридан турлича тузилган олмон тили луғатлари классификацияси таниқли лингвистлар Э.Агрикола, В.Флайшер, Х.Протце томонидан ишлаб чиқилган ҳамда "Kleine Enzyklopädie. Die deutsche Sprache", Leipzig, 1969 китобида уч нуқтаи назардан ёритилган.⁸⁵

1. nach dem Sprachträger
2. nach den Entwicklungsstufen der Sprache
3. nach der Sprachstruktur

Die erste Gruppe der Wörterbücher berücksichtigt das Verhältnis "Persönlichkeit-Sprachgemeinschaft". Hier unterscheidet man:

1. **Individualwörterbücher**, z.B. E.Reichel. Kleines Gottsched-Wörterbuch, 1902; P.Fischer. Goethe-Wortschatz, 1929; das neue, auf fünf Bände berechnete "Goethe-Wörterbuch", "Marx-Engels-Wörterbuch". Eine Sonderform dieses Typs ist das Wörterbuch zum Einzelwerk eines Autors (z.B. E.Merker. Wörterbuch zu Goethes "Werther", 1958; F.Strehlike. Wörterbuch zu Goethes "Faust", 1891).
2. **Mundart-, fach- und gruppensprachliche Wörterbücher**. Sie beschreiben den Wortschatz einer Sprachgemeinschaft, die landschaftlich, beruflich oder sozial begrenzt ist (z.B. Wossidlo-Teuchert, "Mecklenburgisches Wörterbuch", 1937; F.Kluge, "Deutsche Seemannsprache", 1911; S.A.Wolf, "Wörterbuch des Rotwelschen. Deutsche Gaunersprache", 1956).
3. **Hoch- und nationalsprachliche Wörterbücher**, z.B. "Deutsches Wörterbuch" von J. und W. Grimm, das "Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache" (WDG), hrsg. Von R.Klappenbach und W.Steinitz.

Die zweite Gruppe der Wörterbücher beruht auf der Unterscheidung von **Synchronie-Diachronie**. Eine konsequent diachronische Darstellung des Wortschatzes bietet das **historische** Wörterbuch. Zu diesem Typ gehört das umfangreiche "Deutsche Wörterbuch" von J. und W.Grimm, 1854 angefangen und erst 1961 beendet. Es verfolgt den deutschen Wortschatz von den frühesten deutschen Sprachdenkmälern im VIII.Jahrhundert bis zur Gegenwart. Das Wörterbuch zeigt die Herkunft der Wörter, ihre semantische Entwicklung und ihren heutigen Gebrauch.

Dem Zweck der **diachronischen Sprachbeschreibung** dienen auch **etymologische** Wörterbücher. "Etymologisches Wörterbuch der deutschen Sprache" von F.Kluge (20.Aufl., 1967) gibt über die Herkunft der Wörter

⁸⁵ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.186 – 190

Auskunft, geht dem frühesten Auftreten eines Wortes nach, führt Form und Bedeutung des Wortes in der jeweiligen Periode der Sprachgeschichte an, bringt keine Parallelen in verwandten Sprachen oder zeigt, aus welcher Sprache das Wort entlehnt ist. Es enthält 10 000 Stichwörter und ist in erster Linie für Sprachwissenschaftler bestimmt.

Als eines der besten diachronischen Wörterbücher gilt das "Deutsche Wörterbuch" von H.Paul (1.Aufl., 1896; 7.Aufl., 1960). Das Wörterbuch enthält rund 15000 schriftsprachliche Wörter, Termini, Dialektismen. Man kann das Werk von H.Paul als erklärendes Wörterbuch (толковый - изоҳли) mit historischen und etymologischen Angaben bezeichnen, das eine Mittelstellung zwischen dem Wörterbuch von Klügel und dem Grimmschen Wörterbuch einnimmt.

Ein synchrones Wörterbuch beschreibt den Wortschatz auf einer bestimmten Entwicklungsstufe des Sprachgeschehens. Dabei lässt sich die historische Betrachtungsweise nicht völlig ausschalten. Ein Beispiel für synchronische Sprachbeschreibung ist das WDG. Eine Verbindung von synchronischer und diachronischer Darstellung sind die Wörterbücher einer bestimmten Sprachperiode (z.B. Althochdeutsches Wörterbuch, hrsg. von E.Karg-Gasterstädt und Th.Frings, 1952; M.Lexer. Mittelhochdeutsches Handwörterbuch, 1872-1878).

Die dritte Gruppe der Wörterbücher berücksichtigt verschiedene Aspekte und Ebenen des Sprachsystems. Die lautliche Seite der Wörter wird im Aussprachewörterbuch (z.B. Th.Siebs.Deutsche Hochsprache, Bühnenaussprache, 18.Aufl. 1961;) und im orthografischen Wörterbuch (der Große Duden. Wörterbuch der deutschen Rechtschreibung) widergespiegelt.

Ein spezielles grammatisches Wörterbuch hat sich als Sondertyp noch nicht herausgebildet. Im XVIII. und XIX. Jh. wurde der Ausdruck "grammatisches Wörterbuch" oft auch für allgemeine Wörterbücher verwendet, in denen grammatische oder stilistische Hinweise gegeben wurden (W.Zaunmüller. Bibliographisches Handwörterbuch der Sprachwörterbücher. Ein internationales Verzeichnis von 5600 Wörterbüchern der Jahre 1460-1958 für mehr als 500 Sprachen und Dialekte, 1958).

Die grammatische Form, vor allem die Flexion der Wörter, wird im orthografischen und im Bedeutungswörterbuch mitbehandelt. Die syntaktische Verwendung der Wörter (ihre Rektion, Valenz, Distribution) wird in größeren Bedeutungs- und Spezialwörterbüchern gezeigt (z.B. in den von E.Mater herausgegebenen Verzeichnissen "Deutsche Verben", 1966-1969; G.Helbig, W.Schenkel. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutscher Verben, 1975; K.E.Sommerfeld, H.Schreiber. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutscher Adjektive (1977) // ... deutscher Substantive (1978).

Die Fragen der Wortbildung werden teilweise im rückläufigen Wörterbuch beantwortet (z.B. E.Maler. Rückläufiges Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache, 1970). Das ist ein Wörterbuch, in dem die alphabetische Folge der Wörter nicht von den Anfangs-, sondern von den Endbuchstaben ausgeht. Auf die Wortbildung nehmen auch Bedeutungswörterbücher Rücksicht.

Im WDG sind unter jedem Stichwort Zusammensetzungen und Ableitungen aufgeführt, in denen das Stichwort das zweite Glied ist. Ein spezielles Wortbildungswörterbuch ist unter Leitung von Prof. M.D.Stepanowa erarbeitet worden (Немецко-русский словарь словообразовательных элементов. Под ред. проф. М.Д.Степановой. М., 1979).

Viele Wörterbücher beschäftigen sich mit der **inhaltlichen Seite der Wörter**. Der verbreitetste Typ ist das **Bedeutungswörterbuch**, das von der formalen Seite der Sprache ausgeht und zeigt, auf welche Begriffe sich ein Wort bezieht, d.h. welche Bedeutung(en) es hat. Nach Klassifikation III ist es ein **semasiologisches Wörterbuch**. Eine vielumstrittene Frage solcher Wörterbücher ist eine konsequente Abgrenzung von Polysemie und Homonymie (В.И.Абаев. О подаче омонимов в словаре.: -ВЯ, 1957.3).

Sondertypen des Bedeutungswörterbuchs sind: a) das **Synonym(en)-wörterbuch** (Der Große Duden. Sinn- und sachverwandte Wörter und Wendungen. Wörterbuch der treffenden Ausdrücke. Mannheim, 1972; Synonymwörterbuch, 1973. b) das **phraseologische Wörterbuch**; c) das **Fremdwörterbuch**, in dem nur als fremd empfundene Wörter aufgenommen sind (z.B. Fremdwörterbuch, 9.Aufl., 1965; Großes Fremdwörterbuch, 1977).

Dem Bedeutungswörterbuch sieht das viel seltenere **Bezeichnungswörterbuch** gegenüber (F.Dornseiff. Der deutsche Wortschatz nach Sachgruppen. 6.Aufl., 1965; H.Wehrle, H.Eggers. Deutscher Wortschatz. 13.Aufl., 1967). Während das *Bedeutungswörterbuch* angibt, welche Bedeutungen z.B. das Verb **gehen** hat, beantwortet das *onomasiologische (ideographische, ideologische) Wörterbuch* die Frage, welche Wörter den Begriff, die Idee der Fortbewegung wiedergeben. Unter dem Stichwort **gehen** findet man Wörter wie *schreiten, marschieren, wandern, schlendern, waten, schleichen, taumeln* u.a. Im Gegensatz zum alphabetischen Bedeutungswörterbuch hat das Bezeichnungswörterbuch gewöhnlich eine sachbezogene Anordnung. Die Abschnitte wie *Tier, Mensch, Kleidung, Wohnung* sind durch Unterabschnitte weiter aufgefächert. Ein **Sondertyp des Bezeichnungswörterbuchs** ist das **Bildwörterbuch**. Das "Bildwörterbuch. Deutsch und Russisch" erfasst nicht nur durch Zeichnungen dargestellte Gegenstände, sondern es bringt auch **Ergänzungslisten** mit nicht abbildbarem Wortgut.

Die "Kleine Enzyklopädie" behandelt auch weitere Typen von Wörterbüchern. So werden **normative** und **deskriptive** Wörterbücher gegenübergestellt. Das **normative Wörterbuch** verzeichnet die gesetzlich festgelegten Sprachregelungen, vor allem für die Rechtschreibung (und für die Bühnenaussprache). Das **deskriptive Wörterbuch** legt nicht fest, wie die Sprache sein soll, sondern beschreibt, wie sie ist. Zu diesem Typ gehört z.B. H.Küppers "Wörterbuch der deutschen Umgangssprache".

Das statistische Wörterbuch gibt an, wie oft ein Wort in einem Text oder in einer Gruppe von Texten vorkommt. Das erste Nachschlagewerk dieses Typs ist das "Häufigkeitwörterbuch der deutschen Sprache" (1898) von F.W.Kaeding.

янги поғонага кўтарилади. Бу ўринда инглиз тилининг Oxford, Webster, француз тилининг Larus, олмон тилининг Duden, Langenscheidt, Россия нашриётларининг сермаҳсул ва сифатли луғатларини эслатиб ўтиш kifоя. Бунда назарий жиҳатдан асосланган, амалий томондан маълум мақсадга йўналтирилган луғатлар яратиш ва чоп этиш изчил йўлга қўйилган. Демак бизнинг назаримизда маълум бир аниқ мақсадга йўналтирилмаган, олинаётган – берилаётган сўзларнинг сон ва сифат жиҳатлари илмий асосланмаган, фақат тузувчининг «таъби» ҳамда иқтидори билан чегараланиб қолаётган луғатларни чоп этиш даври ўтди.

Замонавий лексикографиянинг қуйидаги тушунчаларини туқур ўрганмасдан туриб давр талабига тўла жавоб берадиган луғатлар тузиш мумкин эмас:

1. Сўзлик масаласи – Wortgut, Stichwörterverzeichnis, Vokabular
2. Бош сўз – Stichwort, Lemma, Vokabel
3. Луғат мақоласи – Stich –, Wortartikel, Wörterbuchartikel
4. Изоҳ бериш – Wortdefinition, Stichworterklärung
5. Иллюстратив мисоллар – Anwendungsbeispiele, Belege
6. Иллюстрация – Abbildungen
7. Стилистик кўрсаткич ва белгилар – stilistische Vermerke, Hinweise
8. Грамматик, этимологик ва бошқа кўрсаткичлар – grammatische, etymologische und andere Angaben
9. Лексикографик таржима – lexikographische Übersetzung
10. Луғатнинг мақсад ва вазифаси – Ziel und Zweck des Wörterbuches

Юқорида зикр этилган туққиз принципнинг барчаси ўнинчи принципнинг қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Бошқача айтганда ҳар қандай луғатнинг сифати ва сони ўнинчи принципнинг тўлақонли аниқланиши ва унга қатъий амал қилинишига боғлиқ, қолган принциплар ҳам луғат ким учун, қандай мақсадни кўзлаб тузилаётганлиги билан бевосита алоқадордир.

Танлаб олинаётган лексемаларнинг умумий ҳажми, уларнинг сифат кўрсаткичлари, яъни адабий тил доирасидаги сўзлар билан чегараланганми ёки кундалик оғзаки нутқ, ижтимоий қатламларга тааллуқли бирликлар, диалектизмлар, терминлар, архаизм ва неологизмлар, ўзлаштирма сўзларни қамраб олиш даражаси луғатнинг қай мақсадни кўзлаганлиги билан боғлиқдир.

Луғат сўзлигини танлаш бир қатор принцип ва критерийлар асосида амалга оширилади.

1. Бош сўзнинг тилда қўлланиш даражаси, частотаси
2. Бош сўзнинг маъно ва коммуникатив қиймати, аҳамияти
3. Бошқа сўзлар билан лексик – синтактик боғланиш хусусияти

4. Сўз ясаш қобилияти

5. Методик – дидактик зарурий тил материали сифати ва б.

Анънага кўра жаҳон лексикография амалиётида луғатдаги бош сўзлар икки хил усулда жойлаштирилади.

Биринчи йўл сўзларни алфавит тартибда жойлаштириш йўли бўлиб, бирор илмий принципга асосланмаган бўлса – да, керакли сўзни излаб топиш учун қулайдир ҳамда бир ва икки тилли луғатлар тузишда кенг қўлланади.

Иккинчи йўл идеографик, тематик принциплар асосида танланган лексемаларнинг жойлашуvidир.

Илмий – тематик принциплар асосида тузилган луғатларнинг сони кўп эмас, лекин уларнинг тил ўргатиш жараёнидаги аҳамияти катта. Айниқса ўқув – лексик, фразеологик, синонимик ва бошқа махсус луғатлар шундай тематик принциплар асосида тузилса, уларнинг лингводидактик қиммати беқиёс ортади.

Бир тилли луғат тузиш жараёнида бош сўзнинг маъносини очиб бериш масаласини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. «Бир тил ичидаги таржима» деб ҳам юритиладиган изоҳлаш йўллари луғатшунослиқда чуқур билим ва тажриба талаб этади. Бу борада зарур ўрииларда синонимлар, антонимлар, маънони очиб берувчи кичик текстлар, турли стилистик – грамматик белгилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бош сўзнинг маъносини очиш ҳамда қўлланиш кўламини кўрсатишда турли бадий, илмий – оммабоп адабиётлар, оммавий ахборот воситалари материалларидан олинган иллюстратив мисоллар катт аҳамият касб этади.

Икки ва кўп тилли луғатлар тузишнинг марказий масалаларидан бири икки тил ўртасидаги сўз ва ибораларнинг эквивалент муносабатларини ўрнатиш масаласидир. (Бу ҳақда «Фразеография» бўлимида кенгроқ тўхталамиз).

Ҳар қандай луғатнинг қиммати, аҳамияти бош сўзларга берилган стилистик белгилар қай даражада амалга оширилганлиги билан ҳам ўлчанади. Чунки стилистик томондан қандайдир хусусиятга эга бўлган маълум сўзнинг қачон? қаерда? кимга нисбатан? қўлланиш дунёсини очиб бериш стилистик белгилар зиммасига тушади. Бу нарса айниқса икки тилли луғат тузишда катта аҳамиятга эгадир.

Олмон тили луғатлари лексикаси стилистик нуқтаи назардан асосан тўрт, беш қатлам асосида ажратиб кўрсатилади:

1. Normalsprachlich oder neutral – literarisch
2. Umgangssprachlich bis salopp – umgangssprachlich: – umg, – ugs, salopp, fam.
3. derb oder vulgar – derb. vulg.
4. gehoben – geh.
5. dichterisch oder poetisch – poet.

Шу билан бирга стилистик жилога эга бўлган бир қатор сўзларнинг хусусиятини ифодаловчи *abwertend, gespreizt, ironisch, scherzhaft, spöttisch, übertrieben, verhüllend, vertraulich* ва шу каби белгилар қўлланади.

Зарур ўринларда сўзнинг грамматик характеристикаси берилади. Масалан, bei Substantiven – Genitivflexion, Pluralform; bei Verben – transitiv–intransitiv; ёки сўзнинг территориял, социал, терминологик боғлиқлигини ифодалаш учун қуйидаги белгилар ишлатилади: *landschaftlich, norddeutsch, österreichisch, veraltet, Historismus, Neuwort, Studentensprache, Medizin.*

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тараққий этган мамлакатлар лексикографиясида, айниқса Америка, Англия, Франция, Испания, Италия, Россия ҳамда Германия луғатшунослик амалиётида луғатларнинг ўзига хос тизимли системаси яратилган. Мисол тариқасида қуйидаги систем луғатларни келтириш мумкин: 1880 йили Конрад Дуден томонидан чоп этилган "Vollständiges orthographisches Wörterbuch der deutschen Sprache" луғатидан бошлаб то ҳозирги кунгача "Duden" номи билан қатор луғатлар чоп этилди. Улар йилдан–йилга ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан такомиллашмоқда: "Der Duden in zwölf Bänden", "Das Standardwerk zur deutschen Sprache". Дуден нашриёти илмий кенгаши (Dr. Mathias Wermke – Vorsitzender, Dr. Kathrin Kunkel, Dr. Werner Scholze) томонидан қуйидаги серияда луғатлар нашр этилди:

1. Duden – Rechtschreibung
2. Duden – Stilwörterbuch
3. Duden – Bildwörterbuch
4. Duden – Grammatik
5. Duden – Fremdwörterbuch
6. Duden – Aussprachwörterbuch
7. Duden – Herkunftswörterbuch
8. Duden – Synonymwörterbuch
9. Duden – Richtiges und gutes Deutsch
10. Duden – Bedeutungswörterbuch
11. Duden – Redewendungen und sprichwörtliche Redensarten
12. Duden – Zitate und Aussprüche

Демак, жаҳон лексикографиясида сифат ўзгаришлари кузатишмоқда. Луғатшуносликнинг янги–янги йўналишлари, уларнинг объектлари илмий ҳамда амалий жиҳатдан асосланмоқда.

Лексикографиянинг ўзига хос йўналишларидан **фразеография** ҳамда **терминография**ни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги йилларда тилдаги турғун сўз бирикмалари луғатлари структураси, тарихи ва типлари билан шуғулланувчи фразеография йўналиши илмий ва амалий томондан шаклланган

бўлса, фан – техника тараққиёти туфайли кундан – кунга кўпайиб бораётган терминларни тартибга солган ҳолда турли луғатлар тузилишини илмий асословчи терминография фани, диалект луғатларини тартибга солувчи **диалектография**, янги йўналишдаги **идеография** ҳозирги кун лексикографиясининг долзарб йўналишларидан бирига айланмоқда. Ушбу йўналишларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда уларга алоҳида тўхталамиз.

ФРАЗЕОГРАФИЯ (PHRASEOGRAPHIE)

«Фразеография» термини тилшунослиқда муаллиф томонидан ўтган асрнинг 70 – йилларида қўлланган ҳамда унинг биринчи бор 1971 йили Германиянинг Лейпциг шаҳрида чоп этилган мақолаларида фразеография терминига шундай таъриф берилган: **фразеологик луғатлар тузишнинг назарий ҳамда амалий масалалари билан шуғулланувчи фанга ф р а з е о г р а ф и я дейилади.**⁸⁶

Атаманинг қўлланиши дастлабки йилларда баъзи тилшунослар томонидан эътирозга ҳам учраган, хаттоки қаршиликлар ҳам бўлган. Лекин биз тилнинг ҳам семантик, ҳам структурал жиҳатдан ўзига хос мустақил икки хил бирлигини «лексикография» термини остида беришни лозим топмадик, чунки «лексикография» термини барча учун маълум, у сўз билан мотивлашган, сўзга боғланган. **Фразеологизмлар** эса, юқорида кўрганимиздек, сўз эмас, балки **фразадир.**

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз «Фразеография» терминини лексикографиянинг фразеологик луғатлар муаммолари билан шуғулланувчи мустақил соҳасини номлаш учун қўладик. Лекин «Вақт – олий ҳакам» дейдилар. Ўтган қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида ушбу термин барча тиллар терминига айланди. Фразеография эса луғат тузишнинг мустақил соҳаси сифатида назарий ва амалий томондан асосланди, унинг босиб ўтган тарихий этаплари таҳлил қилинди, қатор тилларнинг фразеографик луғатлари тишлари ажратилди, хуллас фразеологик луғатлар тузиш назарияси яратилди.

Фразеографиянинг тараққиёт босқичлари (Entwicklungsperiode der Phraseographie)

Фразеографиянинг тарихий тараққиёт босқичларини аниқлаш масаласида имконият даражасида олмон, инглиз, рус, француз,

⁸⁶Қапант: Unter Phraseographie verstehen wir die Theorie und Praxis des Zusammenstellens der phraseographischen Wörterbücher und Nachschlagewörterbücher. M.Umarchodshajew. Bemerkungen zur phraseographischen Forschung in der UdSSR. Sprachpflege, 1971, № 4. S.85. Ушбу ағам грек тилидан frazic – фраза, grapho – ёзмадан маъносига ишлатилди.

румин, испан, узбек, қирғиз, татар, туркман, озарбайжон, чуваш, чех, япон, хитой, форс, мўғул, лезгин, коми, латиш, эстон, венгер ва бир қатор бошқа тиллар материаллари асосида чоп этилган 300 дан ортиқ бир, икки ҳамда кўп тилли фразеологик лугатлар, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар тўпламларини таҳлил қилиб чиқдик.⁸⁷ Олинган маълумотлар фразеография тараққиёти тарихини уч босқичга бўлишга асос бўлди.

Биринчи босқич қадимда илк бор қўлёзма шаклида тузилган мақоллар ва турли иборалар тўпламларидан то XIX асрга қадар чоп этилган лугатларни, иккинчи босқич XIX аср бошларидан XX асрнинг биринчи ярми, учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмини ўз ичига олади.

Биринчи босқич фанлар ривожини ҳамда ёзув пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Ёзув халқларнинг асрлар давомида тўплаган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган маънавий, лисоний бойлигини сақлаб қолиш имкониятини яратди.

«Трудно сказать, — деб ёзади В.П.Аникин, — с каких времён среди народов начали ходить пословицы — устные краткие изречения на самые разные темы. Неизвестно и время возникновения первых поговорок — метких изречений, которые способны в разговоре выразительно и точно охарактеризовать что-либо без помощи утомительных и сложных пояснений. Неоспоримо одно: и пословицы, и поговорки возникли в отдалённой древности и с той поры сопутствуют народу на всем протяжении его истории.⁸⁸

В.П.Аникиннинг фикрлари тўлиғича бошқа тиллар учун ҳам тегишлидир. Баъзи маълумотларга кўра руҳоний Ноткер Лабео (952—1022) лотин ва олмон тилларининг юзга яқин мақолларини тўплаб, китоб шаклига келтирган. Ўрта асрларга келиб Европа тиллари материаллари асосида "Apophtegmata"⁸⁹ номи билан қатор тўпламлар яратилди. Масалан, J.W.Zinuget. Der Teutschen scharfsinnige kluge Sprüche. Apophtegmata genannt. 1628, 1631, 1653. J.L.Widmer. Teutscher Nation Apophtegmata. 1644.

XVI асрдан бошлаб Европа тилларининг икки, кўп тилли мақоллар тўпламлари юзга кела бошлади. Масалан, J.Gluski. Proverbs. A Comparative Book of English, French, German, Italien, Spain and Russian Proverbs with a Latin Appendix. Amsterdam (1515 — 1971 йили қайта нашр қилинган).

⁸⁷ Қаранг: М.И.Умарходжаев. Основы фразеологии. Автореф. докт. дисс. М., 1981. Основы фразеологии. Монография. Т., 1983. А.М.Бушуй. О фразеологической концепции Муктара Умарходжаева // Хорижий филология, Самарқанд, 1(30), 2009, с.8-20

⁸⁸ Аникин В.П. Сопутствующее слово к «Словарю русских пословиц и поговорок». В кн.: В.П.Жуков. Словарь русских пословиц и поговорок. М., 1966, с.3

⁸⁹ Apophtegmata: Ausspruch, Orakelspruch, jede kluge, witzige, sentenzartige Rede oder Antwort, Gedankensprache. Franz Passow. Handwörterbuch der griechischen Sprache. Leipzig. 1841, S.368.

Себастиан Франк томонидан 1541 йили (қайта нашри 1974, Амстердам, Ульрих Майсар) тузилган тўпламда мақоллар билан бир қаторда сентенцлар, масаллар, эртақлар, хаттоки ҳазиллар ҳам киритилган экан. Бу тўплам олмон тилида ўша даврда қўлланилган 7000 мақолни ўз ичига олган, улардан баъзилари у ёки бу формада хозирги замон олмон тилида сақланиб қолган. Масалан, *verbranntes Kind forchts feur; Mit grossen herren ist nit gut kirschen essen; Kleider machen leut; Gleich zu gleich gesselt sich gern; es ist noch nit aller tey abent.*

Юқорида тилга олинган луғатларда бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги фразеологизмлар сони жуда оз бўлган, фразеологик параметрли луғат сифатида улар тўла шакланмаган. Шунинг учун фразеография ривожининг ушбу босқичини «Паремнография» босқичи дейилса, тўғри бўлув эди.

Иккинчи босқич. Иккинчи босқичда ҳам турли мақол ва маталарга бой тўпламлар чоп этилиш анъанаси давом этган. Лекин биринчи босқичдан фарқли ўлароқ луғатларга энди идиомалар, жуфт сўзлар, компаратив фразеологизмлар, ҳикматли сўзлар киритилиб, уларнинг лингвистик параметрлари изоҳланган, хаттоки стилистик белгилари берилган бошлаган. Бундай луғатларга қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин: Korte V. Sprichwörter und sprichwörtliche Redensarten des Deutschen. Leipzig, 1837; J.Eislein. Die Sprichwörter und Sinnreden des deutschen Volkes in aller und neuer Zeit. Zum ersten Male aus den Quellen geschöpft, erläutert und mit Einleitung Verstehen. Freiburg, 1840 u.a.

1867–1880 йиллари Вандер томонидан беш томли олмон ва бошқа тиллар мақолларини ўз ичига олган жуда катта ҳажмдаги *Deutsches "Sprichwörterlexikon"* тўплами чоп этилган. Киритилган бирикма сониинг кўпчилиги жиҳатидан ҳозирги кунда ҳам бу луғатга тенг келадигани йўқ деса ҳам бўлади. Масалан, фақатгина **Auge** бош сўзи мисолида 445 мақол, матал, турли турғун сўз бирикмалари келтирилади.

Ушбу луғатга ўхшаш яна бир тўплам Берлинда 1907 йили чоп этилган. Липпенхайденинг "*Sprichwörterbuch*" тўпламида 30000 бирикма бўлиб, ундан 25000 бирикма олмон тилига таалуқли, 5000 бирикма чет тиллар ибораларидир.

Ушбу ўринда рус луғатшуносларидан В.И.Далнинг «Пословицы русского народа» луғати (М., 1862) ҳамда М.И.Михельсоннинг икки томлик «Ходячие и меткие слова», «Русская мысль и речь. Свое и чужое. Опыт русской фразеологии» номли фундаментал луғатлари диққатга сазовордир.

Бу луғатлар бошқа луғатлардан биринчи навбатда илмий асосланганлиги билан фарқ қилиб, рус халқининг ноёб лингвистик бойлигига айланиб улгурган.

Ушбу босқичнинг характерли хусусиятларидан яна бири фразеологик луғатлар типларининг кўпайиши билан белгиланади. Алоҳида луғат типи сифатида «Ҳикматли сўзлар» луғати шаклланди. Таниқли лингвист Г.Бюхмани томонидан илк бор 3700 ҳикматли сўзлар (geflügelte Worte)ни ўз ичига олган луғат чоп этилди ҳамда қайтақайта чоп этилди. Бу луғат таъсирида бошқа тилларда ҳам шу каби луғатлар пайдо бўла бошлади. Масалан, 1890 йили рус тили материаллари асосида С.В.Максимов «Крылатые слова» тўплами, Германияда А.Fried "Lexikon deutscher Zitate" (1888, Leipzig), Zoomann "Zitatenschatz der Weltliteratur" (1910, Leipzig) луғатларини чоп этдилар.

Ю.Борхардтнинг "Sprichwörtliche Redensarten im deutschen Volksmunde" (1888,1894), А.Рихтернинг "Deutsche Redensarten" (1894), У.Шпредернинг "Der Bilderschmuck der deutschen Sprache in tausenden volkstümlicher Redensarten (1894), С.Бепелнинг "Wie der Deutsche spricht. Phraseologie volkstümlicher Sprache (1896) каби луғатлари чоп этилиши билан олмон тили фразеологик луғатлари тўла шакллана бошлади, фразеологик маънолар, уларнинг этимологияси, қўлланиш хусусиятлари очиб берилди.

Бундан кейинги даврларда икки ва кўп тилли фразеологик луғатлар адади ортиб борди, булар орасида машҳур эсперанто тили муаллифи М.Ф.Заменгофнинг «Словарь сравнительной русско – французско – немецкой фразеологии» (Варшава,1875) луғати эътиборга моликдир. Луғатда кўп тилли фразеологик луғатларнинг тилларни ўрганишдаги аҳамиятигина эмас, балки халқларнинг миллий характери ва руҳияти билан танишиб боришдаги роли таъкидланади.

Учинчи босқич. Фразеографиянинг учинчи босқичи чоп этилган луғатлар сони ҳамда сифати нуқтаи назаридан аввалги икки босқичдан тубдан фарқ қилади. XX асрнинг 50 – йилларидан сўнг чет тилларни ўқитиш кенг йўлга қўйила бошлади. Янги типдаги дарсликлар, қўлланмалар билан бир қаторда турли типдаги луғатларга эҳтиёж ортди. Шу сабабли ҳам назарий фразеографиянинг кенг кўламдаги ривожига амалий фразеография ривожига ижобий таъсир кўрсатди, мақсад ва вазифаси, иборалар адади ва сифат кўрсаткичлари нисбатан илмий асосланган бир, икки ҳамда кўп тилли фразеологик луғатлар чоп этила бошлади.

1955 йили таниқли фразеолог А.В.Куниннинг «Англо – русский фразеологический словарь», Л.Э.Биновичнинг 1956 йили нашр қилинган «Немецко – русский фразеологический словарь», М.И.Рецкернинг 1963 йилда чоп этилган «Французско – русский фразеологический словарь» луғатларининг пайдо бўлиши билан фразеологик луғатлар бошқа луғатлар орасида ўз қонуний ўрнига эга бўлди. Ушбу луғатлар таъсирида бошқа тилларнинг икки ва кўп тилли фразеологик луғатлари юзага келди. Айниқса А.В.Куниннинг

1967 йили қайта нашр қилинган «Англо – русский фразеологический словарь»и таъсирида фразеологиянинг назарий масалалари билан бир қаторда фразеографиянинг амалий томонлари ҳам такомиллашиб борди. Юқоридаги луғатлардаги фразеологизмлар сони ҳам бошқа луғатлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Л.Э.Бинович луғатида 12000 бирлик бўлса, А.В.Кунин луғатида 25000, М.Рецкер луғатида эса 35000 фразеологик бирикмалар берилган.

Бир қатор тилларнинг изоҳли фразеологик луғатлари юзага келиши билан фразеологик луғат тиллари шаклланиши узил кесил ҳал қилинди. Масалан, М.Фозиловнинг «Тожиқ тилининг изоҳли фразеологик луғати» (Душанба, 1963–1964), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» (Т., 1978), Л.И.Молотковнинг «Фразеологический словарь русского языка» (М., 1967).

В.Фридерихнинг "Moderne deutsche Idiomatik" (München, 1966), Л.Рёрихнинг "Lexicon der sprichwörtlicher Redensarten" (Freiburg, Basel, Wien, 1974) каби луғатларнинг чоп этилиши эса олмон тили фразеографиясини янги поғонага олиб чиқди.

Аксарият луғатларда фразеологизмларга берилган барча лингвистик характеристикалар тўлиқ, илмий асосланган, амалий жиҳатдан катта маълумотларга эга. Замонавий фразеографиянинг ривожига ўқув паремиографияси ҳамда ўқув фразеографияси соҳасида чоп этилётган қатор луғатлар катта таъсир кўрсатмоқда. Булар сирасига қуйидаги луғатларни киритиш мумкин: "Kurzes Russisch – Deutsches phraseologisches Wörterbuch" (1967), Н.М.Шанский, Е.А.Быстрова, Т.Алиқуловларнинг «Рус тилидаги 700 фразеологик ибора» (Т.,1982), М.Э.Умархўжаев, Қ.Н. Назаров – ларнинг «Олмонча – русча – ўзбекча фразеологик луғат» (Т., 1994).

Хозирги замон фразеографияси жалб этилаётган тиллар сони, фразеологизмларнинг лингвистик параметрлари берилиши, лингво – дидактик мақсад ва вазифаларни ҳал қилиш нуқтай назаридан янги сифат босқичига кўтарилмоқда.⁹⁰

Фразеологик луғатлар типологияси

Лексик луғатларнинг умумтипологиясидан келиб чиққан ҳолда фразеологик луғатлар типологиясида қуйидаги факторларни этиборда тутиш лозим:⁹¹

1. Луғатнинг социолингвистик ҳамда психолингвистик параметрлари: луғатнинг кўзда тутган мақсади, ўқувчиларнинг қандай

⁹⁰ Фразеографиянинг босқичларининг тўла таҳлили билан М.Э.Умархўжаевнинг «Основы фразеографии» монографияси, Т., 1983, 41–62 бетларда танишиш мумкин.

⁹¹ П.Н.Денисов. Типология учебных словарей. В кн.: Проблемы учебной лексикографии. М., 1977, с.42

категориясига мўлжалланганлиги, уларнинг социопсихологик хусусиятлари қай даражада ҳисобга олинганлиги.

2. Луғатнинг лингвистик параметрлари: унда фразеологик системанинг қай даражада ақс этганлиги (аспект, комплекс ёки универсал луғат).

3. Луғатнинг семиотик параметрлари: фразанинг, луғат мақоласининг структураси (дефиниция, синонимлар, антонимлар, иллюстрациялар, луғатнинг маълумот бериш параметрлари).

Фразеологик луғат тиллари юқорида кўрсатилган координатлар ҳамда систем алоқаларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида қуйидаги параметрлар билан белгиланади:

- а) луғатнинг мақсади, яъни ким учун тузилганлиги
- б) қамраб олинган материал ҳажми
- в) киритилган материалнинг характери
- г) қамраб олинган тиллар сони
- д) материалнинг жойлашуви, яъни кимга қаратилганлиги

1. Тузилиш мақсадига кўра луғатлар қуйидагича ажратилади:

- а) она тилида гапирувчи барча учун мўлжалланган умумий луғатлар
- б) чет тилида гапирувчилар учун тузилган умумий луғатлар
- в) махсус луғатлар — она тили ўрганувчи талабалар учун, чет тили ўрганувчи талабалар учун тузилган ўқув луғатлари

2. Луғатда қамраб олинган материал ҳажми бўйича:

- а) 100 бирикмадан тортиб 1000 тагача бирикмалар киритилган кичик ҳажмли луғатлар
- б) 1000 дан 5000 гача бирикмалар киритилган луғатлар
- в) 5000 дан 35000 гача бирикмалар киритилган луғатлар

3. Луғатга киритилган фразеологик материалнинг характерига кўра:

- а) дифференциацияланган турли турғун бирикмалар киритилган фразеологик луғатлар
- б) В.В.Виноградов классификацияси бўйича барча фразеологизмлар киритилган луғатлар
- в) фақат сўз бирикмаси структурасига эга бўлган фразеологизмлар киритилган луғатлар
- г) мақол ва маталлар тўпламлари
- д) ҳикматли сўзлар луғатлари

4. Қамраб олинган тиллар сонига кўра:

- а) бир тиллик фразеологик луғатлар
- б) икки тиллик фразеологик луғатлар
- в) кўп тиллик фразеологик луғатлар

5. Фразеологик материалнинг жойлашуви, яъни кимга қаратилганлигига кўра:

- а) алфавит тартибда тузилган фразеологик луғатлар
- б) идеографик (тематик) тартибда тузилган фразеологик луғатлар

Алфавит тартибда луғат мақолалари иборанинг биринчи компоненти асосида, асос сўз бўйича, асос сўз констант элементи бўйича жойлаштирилади.

Идеографик фразеологик луғатлар тузиш бўйича ҳозирча тажрибаларимиз жуда кам. Бу борада илмий иш олиб бораётган Дмитрий Добровольскийнинг "Kognitive Aspekte der Idiom – Semantik. Studien zum Thesaurus deutscher Idiome" (Tübingen, 1995) монографиясини тилга олиб ўтиш лозим.

Юқоридаги таснифлардан ташқари фразеологиянинг турли аспекти асосида тузилган луғатлар ҳам мавжуд – фразеологик синонимлар, антонимлар, диалектизмлар ва бошқа аспекти бўйича тузилган луғатлар чоп этилган.

